

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Роза Ниёзметова

**ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЯНГИ
ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШ
МАСАЛАЛАРИ**

(қайта ишланган, тўлдирилган 2-нашри)

Тошкент-2010

74.268.0(5Ўзб) Н55

Ниёзметова Роза.

Ўзбек тили дарсларида янги ўзбек адабиётини ўқитиш масалалари / Р.Ниёзметова; масъул муҳаррир Р.А. Йўлдошев; ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика ун-ти. қайта ишланган, тўлдирилган 2-нашри. - Т. : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. - 112 б.

Мазкур методик қўлланма таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари, филология факультети талабалари, аспирант ва илмий изланувчиларга мўлжалланган.

Муаллиф: Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиши методикаси кафедраси доценти, педагогика фанлари доктори Р.Х.Ниёзметова

Масъул муҳаррир:

Р.А. Йўлдошев

педагогика фанлари номзоди

Тақризчилар:

Б. Тўхлиев.

*филология фанлари доктори,
профессор*

Қ.Хусанбоева

педагогика фанлари доктори

Ушбу методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг 2009 йил 29 декабридаги Илмий кенгаши йиғилишида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-06-277-1

ББК 74.268.0(5Ўзб)

№ 185-3510/2010

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010 й.

КИРИШ

Бугун мустақил Ўзбекистонимиздаги таълим тизимида жилдий янгиланишлар амалга оширилмоқда. Ушбу янгиланиш ва ўзгаришларнинг бош мақсали баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишидир. Бу мақсад жамиятимиз олдида юзага келган ниҳоятда кучли ижтимоий эҳтиёж замирида туғилди. Зеро, аввалги таълим тизими ва шаклланган амалий тажрибалар ана шу эҳтиёжни тўла қондира олаётганий йўқ эди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да бунинг туб сабаблари очиб берилди: «Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги; сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқарии ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидағи жиддий камчиликлар сирасига киради»¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда яшаётган ўзга миллат вакиллари фарзандларининг ўзбек тилини яна ҳам самаралироқ ўрганишларини шарт қилиб қўйган бўлса, янги ижтимоий-иктисодий шароитларда, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинган ва жорий этишнинг учинчи сифат босқичига ўтилган ҳозирги даврда кадрларнинг давлат тилини пухта билишларини таъминлаш, миллий маънавият ва миллий foя соҳиблари этиб тарбияланишига эришиш зарурияти янада муҳим шарт қилиб белгиланди. Шу боисдан барча ўқув фанлари қатори давлат тили билан баглиқ ўқув фани мазмунини ислоҳ қилиш, унинг мазмунини таълим талабларига, ахлоқий, эстетик, маърифий, маънавий тарбияга, миллий мафкурага ва миллий гояга монанд қайта ишлаб чиқиш ҳамда янгилаш вазифалари илгари сурилди.

Жамиятимиз равнақи, ҳаётимиз истиқболи, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг давлат тилини қасб тақозо этадиган даражада эгаллашларига эришиш муаммосининг муваффақиятли ҳал этилишига bogлиқdir. Ўзбекистон Республикасининг «Кадр-

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997. 36-бет.

лар тайёрлаш миллий дастури» Қонуни таълим-тарбия тизимида узлуксизликни таъминлашга қаратилган бўлиб, ёшларнинг умумий маданиятини юксалтириш, уларни жамият, давлат, оила олдидаги ўз бурчи ва маъсъулиятини чуқур англайдиган кишилар сифатида вояга етказиш мақсадини кўзлайди. Ушбу мақсад «Дастур»да шундай кўрсатилади: «Мазкур дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишидир»¹. Ушбу мақсадни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар қаторида «таълим оловчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш»нинг² алоҳида таъкидланганини эслаш жоиз. «Дастур»да кадрлар тайёрлаш миллий моделини белгилашда ШАҲС биринчи ўринга қўйилган. «Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишида иштирок этади»³.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини, ўз навбатида ўзбек тили дарслари таркибида янги ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини ислоҳ қилиш «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг тақозосидир.

“Янги ўзбек адабиёти” атамаси бизда баъзан “XX аср адабиёти” истилоҳининг синоними, баъзида “жадид адабиёти” атамасининг муқобили тарзида қўлланилади. Ҳолбуки, ушбу атама миллат адабий тафаккуридаги тамомила ўзига хос хусусиятларга эга бўлган янги даврни ифода этиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бугунги кунларимизгача бўлган замонавий оралиқда яратилган миллий адабиёт намуналарини англатади”⁴.

Демак, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда янги ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишнинг методик асосларини ўқув режаси, дастурлар, дарсликлар ва методик адабиётлар, фан соҳасидаги ютуқлар ташкил этади. Ўқув дастури ва дарсликларнинг такомиллашуви билан таълим шакли ва мазмuni ҳам ўзгариб, мукаммаллашиб боради.

1 Кадрлар тайёрланш миллий дастури // Барқамоқ авлод. Ўзбекистон тараққиётининг пойдэвони. – Т., 1997. – 39-6.

2 Ўша аср. 39-6.

3 Ўша аср. 42–43-6.

4 Қозоқбой Йўлдош Ёник суз. Тошкент, “Янги аср аваоди”, 2006. -171-6.

1-БОБ

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎРГАНИЛАДИГАН АДАБИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА АДАБИЙ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчиси учун ўзбек адабиёти бўйича бадиий асарлар ёки асарлардан парчалар ажратиш ўта масъулиятли иш. Рус ва бошқа халқлар маданияти, адабий мероси, маънавияти руҳи билан сугорилган ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилишлари ҳам, ўзбек халқининг тарихи, маданияти, миллый қадриятлари, миллый маънавияти, урф-одатлари, адабиётининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунчага эга бўлишлари ҳам танланадиган асарлар мажмуасига кўп жиҳатдан боғлиқ ишдир.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида адабий материаллар асосида амалга ошириладиган адабий таълимнинг бугунги аҳволини ўрганиш XX аср ва истиқол даври ўзбек адабиётини ўқитишга доир материаллар маълум даражада тўғри танланмаганлиги, бу материаллар ўзга тил эгаларига, хусусан, русийзабон ўқувчиларга ўзбек тилини, унинг лексикаси ва грамматикасини ўргатишгагина бўйсундирилгани, бу материалларга янги сўздар ва грамматик воситаларни фаоллаштириш учун хизмат қилувчи восита сифатида қарашиб суреб келаётгани, бир сўз билан айтганда, ҳамон адабий ўқиш ва адабий таълимга етарли даражада эътибор берилмаётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Фикримизни янада аникроқ ифодалайдиган бўлсак, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчилари учун адабий материал мазмунини белгилаш принциплари адабий таълим нуқтаи назаридан атрофлича ўрага-

нилиб, асосий йұналишларни күрсатиб берадиган ҳолатда тайин этилмаган. Бұғун таълим мазмунига сара бадиий асарлар киритишга ҳаракат қилингандың бүлса-да, адабий материалларнинг мұайян қисми ўқувчиларнинг ёши ва билим савиясига мос равища, ахлоқий, маңнавий тарбия талаблари нұқтаи назаридан, ҳеч бұлмаганда ўзға адабиётни ўқитиши методикасыда ишлаб чиқылған мавжуд умумий принциплар асосида танланмаган. Шунингдек, насырий асарларни ўрганиш кеч бошланмоқда, бундай асарлардан олинадиган парчаларнинг ҳажми, мазмуний мукаммал-лиги каби масалаларга етарли ақамият берилаётгани йүқ.

«Таълим тұғрисида»ғи Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» амалийтегі кенг жорий этилаётган, ёшларнинг миллий маңнавият руҳида тарбия топишига жиғдий әзтибор берилаёттан ҳозирғи даврда, умуман адабий материалларни, хусусан, замонавий ўзбек адабиётини ўқитиши мазмунини қайтадан белгилаш, «Ўзбек тили» дарслікleriдаги ҳиссиз ўқыладиган аксарият «қўлбола» ва ярим публицистик матнларни бадиий жиҳатдан юксак адабий материаллар билан алмаштириш ва бойитиш, бунда адабий таълимни, миллий маңнавият, миллий қадриятлар, миллий мағкуруни ва миллий ғояни ҳисобга олиш асосида йўлга қўйиш тақозо этилмоқда.

Одатда, таълим мазмунини белгилашда дидактик, умумпедагогик ва хусусий методик принципларга амал қилинади. Ана шундай принциплардан бири ва энг муҳими таълим мақсадини белгилаб олишdir. Бунда ўзбек тили дарслари таркибида ўзбек адабиётини ўқитишидан қандай мақсадлар кўзланади, деган саволга жавоб топиш муҳим ақамият касб этади.

Асар танлаш билан боғлиқ яна бир жиғдий нұқта мавжуд. Дарс жараёнида таълимга қўйиладиган бир қатор талаблар борлиги яхши маълум, бу талабларнинг амалга оширилиши таълим мақсадининг бажарилишидир. Улар сирасига таълими, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи мақсадлар киради. Танланған бадиий асарлар ана шу уч асосий талабга ҳам тўла мос бўлиши шарт.

Таълими мақсад ўз ичига ўқувчиларда ижтимоий-сиёсий, инсонпарварлик, меҳнатта оид ҳамда эстетик билимларнинг турли қирраларини шакллантиришни назарда тутади. Ана шу жараён натижасида ўқувчининг илмий дунёқараши шаклланади. Аслида мактаб таълим тизiminинг бош мақсади ҳам мана шундадир.

Ҳеч шубҳасиз, дарс тарбиявий мақсадни кўзда тутмаса, унинг

самарали натижаси ҳақида гапириш мумкин бўлмайди. Ҳар бир асар боланинг фаол ҳаётий нуқтаи назарни эгаллашига замин яратиши, ақтлий, гоявий, сиёсий, ахлоқий-маънавий, меҳнат ва эстетик, шунингдек, жисмоний тарбиясига ижобий таъсир кўрса-тиши керак. Албатта, дарснинг ташкил этилиши, таълим методи ва шакллари, унинг турли воситалари, ўқитувчининг у ёки бу ҳаётий ва адабий ҳодисаларга шахсий баҳоси ва муносабати, ўқитувчи шахсияти ва бошқалар ҳам тарбиявий аҳамиятга эга, аммо бадиий асар мавзуси танланган асарнинг маҳсус педагогик жиҳатдан тарбиявий аҳамиятга эгалиги алоҳида эътиборга лойиқ. Гап бошқа тилдаги адабиёт ҳақида кетаётганида бундай тарбия-вий таъсирнинг аҳамияти янада ортади. Буни ҳам ҳар доим на-зарда тутиш керак. Зоро, «ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юк-сак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга вижданан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш» кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишнинг асосий принципларидан бири сифатида Президентимиз томонидан алоҳида уқтириб ўтилган эди.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ўқитишининг умумий тизимида бадиий асарлардан фойдаланишнинг мақсад ва вазифаларига аниқлик киритиш ўзбек тили дарс-лари таркибида бундай асарларни ўрганиш мазмунини ишлаб чиқиш ва белгилашнинг етакчи принципларидан биридир.

Ўзбек адабиётини ўқитишдан биринчи навбатда ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини амалга ошириш, бадиий-эстетик тарбиясини рӯёбга чиқариш, қолаверса, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, маънавий-ахлоқий тарбия, маърифий, таъли-мий мақсадлар кўзланиши аниқ. Ўқувчилар адабий таълим асно-сида адабий тайёргарлик кўришдан ташқари, ўзбек олимларию адиблари, алломалари-ю давлат арбоблари, санъаткорлари-ю фи-дойи кишиларининг ҳаёти, ижодий мероси, ижтимоий фаолияти ҳақида етарли тушунчага эга бўлишлари лозим. Бу тушунчалар эстетик ва ахлоқий мезонларни англатиб бориш орқали маълум қилинадики. бу ишлар бадиий-эстетик дид ўстириш билан ҳам боғланади.

Адабий асарларни ўрганишдан кўзланадиган мақсад ва вази-фалар «Ўзбек тили» давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида ўзининг аниқ ифодасини топади, маълум даражада «Ўзбек тили» дарслкларидағи бадиий матнлар юзасидан берилган топшириқларда амалга оширилади. Лекин асар танлаш ишлари дастур та-

лабларигагина боғлиқ бўлмай, «Ўзбек тили» дарсликлари муаллифларининг бундай матнларга муносабатига ҳам боғлиқдир. Яқин-яқингача «Ўзбек тили» ўкув дастурида адабий матнлар тил ҳодисаларини ўрганиш учун хизмат қиласди, деган фикр ҳукмрон эди. Шунинг учун шеърларни ёки насрой асарларни ўрганишга доир ўкув материаллари қуидаги асосий мақсадга бўйсундирилган эди: функционал-семантик принципга кўра бадиий матн базасида ўзбек тилининг лексик ва грамматик материаллари билан ўкувчиларни танишитириш ва уларнинг ўзлаштирилишига эришиш, ўкувчилар нутқини ўстириш.

Мавжуд ҳолатда ушбу асарларни ўқишдан қўзланган мақсад ва вазифаларни инкор этиш факти намоён бўлади, чунки бу ишларда ўкувчиларнинг адабий тайёргарлигини ривожлантириш кўзда тутилмайди, бинобарин, режалаштирилмайди.

«Ўзбек тили» дарсликтарида айрим бадиий матнларга доир берилган топшириқлар адабий тайёргарлик сари йўналтирилмаган. Шунга кўра айтиш мумкинки, дарслик материалларидан четта чиқмайдиган ўқитувчи ўкувчиларнинг адабий тайёргарлиги устидаги ишларни деярли амалга оширмайди. Аксинча, у матнни ўқитиш, талаффуз устидаги ишлаш, матнни рус тилига таржима қилдириш, матн мазмуни юзасидан саволларга жавоб олиш, матн мазмунини қайта ҳикоя қилдириш, матндан янги сўзларни, сўз шаклларини топтириш ва бошқа асосий мақсадга даҳли бўлмаган ишлар билан чекланади. Масалан, 7-синф «Ўзбек тили» дарслигида Муҳаммад Юсуфнинг «Одий муаллим» шеъри қуидаги топшириқларга эга:

I. Шеърни ифодали ўқинг.

II. Лугат асосида унинг мазмунини аввал она тилингизда, сўнг ўзбек тилида сўзлаб беринг.

III. Шеърни ёд олинг¹.

Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романидан олинган парча юзасидан қуидаги топшириқлар берилган: Матнни ўқинг ва берилган топшириқларни бажаринг.

1. Ажратилган сўзларнинг синонимларини топинг. 2. Матн мазмунини ойдинлаштирувчи саволлар тузинг. 3. Нақш, безак, жилоламмоқ, зар билан сўзлари иштирокида гаплар тузинг².

Юқоридаги топшириқларда адабий асарни бирор тарзда бўлсада, таҳтил қилиш талаб этилмайди.

¹ Tolipova R., Tursunova I., Ochilova H. O'zbek tili. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 7-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan 2-nashri. – Toshkent: «Sharq», 2005. – 26 b.

² Rafiyev A. O'zbek tili. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 9-sinfi uchun darslik – Toshkent: O'qituvchi, 2006. – 31-b.

Методистлар олдидаги ўзбек адабиётини мустақил ўқув фани сифатида ўқитиш ёки унинг элементларини ўзбек тили дарслари структурасида ўрганиш зарурлигини асослаш, адабий матн устида олиб бориладиган иш шакллари, мазмуни, метод ва усулларини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Кейинги йилларда таълим рус тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар колледжлари рус гуруҳларининг ўзбек тили дарслари таркибида ўзбек адабиётини ўрганишнинг айрим масалалари юзасидан бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилди, монографиялар, методик қўлланмалар, тавсиялар яратилди.

Методик тавсияларнинг айримларида анъанавий тарзда бадиий матнлар ўзбек тилининг тил ҳодисаларини ўрганиш учун хизмат қилиши ҳақида гапирилади, бошқаларида эса бундай матнлар ёрдамида ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини амалга ошириш зарурлиги таъкидланади. Тавсияларнинг муаллифлари икки қарама-қарши ёндашувга таянадилар: 1) адабий матн ўзбек тилини ўрганиш воситаси сифатида; 2) бадиий матн ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини ошириш воситаси сифатида.

Ўзбек тили таълимида ҳукм суроғтган ёндашувларни ягона бир бутунликка келтирмасдан туриб ўзбек адабиётини, жумладан бадиий асарларни ўрганиш билан боғлиқ масалаларни ижобий ҳал этиш, ушбу соҳадаги илмий тадқиқот натижаларини амалийёта жорий қилиш мумкин эмас. Негаки, ўқитувчи дарсни қатъяян тақвимий режага амал қилиб, «Ўзбек тили» дарсликлиари материаллари асосида ташкил этади. У заруриятга қараб ўзбек тили дарслари таркибида бадиий асарларни ўрганиш, ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигига доир методик тавсияларни амалга ошириш учун эса қўшимча равища улкан тадқиқот ишларини бажариши керак бўлади. Шундай экан, ўзбек тили дарслари таркибида адабий матнларни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларига аниқлик киритиш, ўқитувчи бундан бўён дарслик материалларига таянган ҳолда тавсия этилаётган методикани ривожлантириш учун матнга доир топшириқларни бадиий матн устида олиб бориладиган ишлардан кўзланадиган асосий мақсад ва вазифаларга мос ҳолатга келтириш зарурияти кучли.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар «Ўзбек тили» давлат таълим стандартининг «Ўзбек тилини ўрганишнинг мақсад ва вазифалари» бўлимида қўйидаги талаб ўз аксини топган: «Миллий маънавиятни эгаллаш ўзбек халқининг бой тарихи, миллий қадриятларини, урф-одатлари ва уларни ўзида акс

эттирган бой адабий-бадиий мерос билан яқындан танишиш, уни ўқиб ўрганиш, миллий анъаналар, байрамлар, урф-одатлар асосида шаклланган миллий маданият, шунингдек, умуминсоний қадриятларни сингдиришга инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашишни тақозо этади.

Ўзбек адабиётининг ихчам ва гўзал намуналари, халқнинг тарихий, маданий ҳаётига хос муҳим лавҳалар, жаҳон миллий маданиятига ҳисса қўшган ўзбек халқи вакилларининг ижодий меросини ўрганиш ҳам кўзда тутилади¹. Шу ўринда ўзбек адабиётининг ихчам ва гўзал намуналарини ўрганиш кераклиги ҳам кўрсатиб ўтилади.

«Ўзбек тили» давлат таълим стандартида ўзбек адабиётига нисбатан битирувчиларнинг (9-синф) тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар қуидагича белгиланган:

«Ўзбек мумтоз адабиётини ҳамда янги ўзбек адабиёти намояндаларини билишлари, асарларидан намуналар айти олишлари.

Ўзбек адабиёти жанрлари ҳақида тушунчага эга бўлишлари.

Бадиий асар тимсолларига оғзаки ва ёзма тавсиф бера олишлари².

Стандарт талабларига кўра ўзбек адабиёти тўрт йўналишда ўрганилиши керак:

- 1) асарнинг ўзини ўрганиш;
- 2) ўзбек адабиёти намояндалари билан танишиш (ўқув-билиув ва маърифий мақсадлар);
- 3) ўзбек халқининг тарихи, унинг миллий маънавияти, миллий қадриятлари, урф-одатларига доир материалларни ўрганиш;
- 4) ўзбек адабиёти назариясини ўрганиш.

Ўқувчиларни адабий матнни эмоционал-эстетик идрок этишга адабий жиҳатдан тайёрлашгина ўзбек тили дарсларида бадиий асарларни ўқиш (филологик ўрганиш эмас) асосий мақсади ва вазифасидир. Эмоционал-эстетик идрок этилган матн устида ўзбек халқининг тарихи, миллий маънавияти, урф-одатлари аспектида олиб борилган кейинги ишларни Н.В.Кулибинага қўшилган ҳолда лингвоўлкашунослик³ деб аташ лозим.

Ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги структурасини конкретлаштириш жоиз, чунки айни шу тайёргарлик ўзбек тили дарсларидан.

1 Таълим бошқа тилинда олиб бориладиган мактабларда «Ўзбек тили» давлат таълим стандарти ва ўкув дастури / Таълим тараққисти. I-маҳсус сон. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 249-бет.

2 Даъват таълим стандарти ва ўкув дастури, 259–260-бетлар.

3 Кулибина Н. В. Методика лингвострановедческой работы над художественным текстом. – М : Рус. яз., 1987.

рида бадиий асарни ўрганишнинг асосий мақсади саналади. Лингвоўлкашунослик ишлари адабий матн устидаги ишларга бавосита алоқадордир. Образлилик вужудга келтириладиган миллий қадриятларни тўғри тушунган тақдирдагина асарнинг таг маъносини ҳам, умумий гоясини ҳам чуқур идрок этиш мумкин.

Ўзбек тили дарсларида бадиий асарни ўрганиш мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш ва конкретлаштириш асосидагина уларни танлаш ишларини тўғри амалга ошириш мумкин. Бундай матнлар биринчи навбатда ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиғига йўналтирилган бўлиши, яъни улар ўзбек адабиётига хос тасвирий воситалар таҳлилини қўзда тутиши керак. Бундай ҳолатда матнни ўқишни табиий равишда адабий тайёргарликни амалга ошириш билан боғлаш мумкин. Лекин ўзга адабиётга нисбатан бундай тайёргарлик мазмуни ҳанузгача дастур талаблари даражасида ишлаб чиқилмаган.

Матнга адабий таълим мақсади билан ёндашилгандагина, ундан ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини таъминлаш мумкин бўлган ўринлар қидира бошланади. Қидирган одам топмай қўймайди. Бу ўринда Е.В.Игнатованинг қўйидаги фикрини келтириб ўтиш жоиз: «Ҳатто бадиий асарлардан олинган қисқа матнлар мисолида ҳам ўқувчиларнинг адабий таълими билан боғлиқ кенг кўламдаги вазифаларни ҳал этиш мумкин»¹. Албатта, хулосада қисқа матнларнинг адабий таълимдаги имкониятлари беҳад ошириб баҳоланган кўринади. Ҳар қалай бу фикрга қўшилмай бўлмайди.

Хулоса ўрина шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғри белгиланган асосий мақсад кейинчалик дастур, дарслеклар тузувчилигининг асарларни тўғри танлашлари, матнларга доир топшириқларни тўғри уюштиришларига ўз ҳукмини ўтказади. Чунки концептуал фоялар, давлатнинг таълимга доир вазифалари «Ўзбек тили» дарслекларида тўғри танланган асарлар ва тўғри тузилган ўқув топшириқлари орқалигина жорий этилиши мумкин. Улар муаллимларни методист олимлар олиб борган илмий тадқиқотлар натижалари, методик қўлланмалар, монографиялар, методик тавсиялар, дарс ишланмалари ёрдамида дарслек структурасини рефлексив тарзда тўғри тушунишга мажбур этади.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда маҳсус адабий таълим амалга оширилмаган деган гапнинг ўз методик асоси бор. Бир қатор методик адабиётларда адабий таълим мазмуни не-

¹ Игнатова Е. В. Рекомендации по работе с текстами литературных произведений на уроках немецкого языка// Иностранные языки в школе. – 1992, №5–6. – С. 23–27.

гизида адабий тайёргарликни таъминлаш ётади, деган фикр илгари сурлади. Бу фикр, ўйлаймизки, адабий таълимнинг асосини ифода этади. Шунга кўра ҳам дастлаб таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда замонавий ўзбек адабиётини ўқитишдан кўзланадиган дастлабки мақсад – адабий тайёргарлик мазмунига тўхталиб ўтамиш, чунки бу нарса шунчаки мавхум таълимий тадбир бўлмай, унинг ўз таркибий қисмлари, унсурлари бор.

Таълим рус тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларининг ўзбек тили дарслари имкониятлари доирасида замонавий ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Биринчидан, ўқув соатлари оз, иккинчидан, 9-синфни битирувчилар «Давлат тили» таълим стандарти¹ талабларига кўра II–IX синфларда 2100 туб сўз ва қўшимча равишда шу сўзлар ҳажмида ясама сўзларни ўрганадилар, холос. Ваҳоланки, назмий ва насрый асарлар оғзаки нутқда кўлланмайдиган сўзларга бойдир.

Кейинги даврда яратилаётган бадиий асарларда тил эгалари учун ҳам баъзан нотаниш сўзлар истеъмолда учрайди. Демак, бу мактаблар учун белгиланадиган адабий тайёргарлик мазмунининг дастлабки йирик унсури ўзбек адабиёти, адабий намуналарни танлашда ўрганилган ҳамда ўрганилмаган лексик ва грамматик материалларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларнинг билим савиясига, имкониятлари ва эҳтиёжларига мосларини ажратишидир. Адабий намуналар юзасидан лугат минимумини яратиш ана шу соҳада қилинадиган дастлабки йирик тадбир саналади.

Умуман, ўзбек тилининг ўзга мактабларда ўқитилишига оид лугат-минимум мавжуд. Эндиликда ана шу минимум қатори бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинадиган минимум ишлаб чиқилиши зарур. Албатта, бу ҳам алоҳида ва маҳсус тадқиқотни талаб қиласди.

Ўқувчиларнинг маҳсус адабий тайёргарлиги билан боғлиқ масалалар асар танлаш жараённида кўзда тутилиши керак. Зоро, рус тилида сўзловчи ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги асар мазмунини қанчалик тўлиқ тушуна олишлари ва ундан завқланиш имкониятлари чуқур ўйлаб кўрилиши лозим. Асар мазмунини тўлиқ тушуниш сари элтадиган адабий тайёргарлик лексик ва грамматик материалларни ўрганиб чиқиш асносида ҳал этилади.

¹ Ўзбек адабиёти (Таълим бошқа пилларда олиб бориладиган мактаблар учун): Давлат таълим стандарти ва ўқув дастлуби. «Таълим таракқиети» ахборотномасининг I-маҳсус сони. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 158–163.

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎРГАНИЛАДИГАН АДАБИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиладиган адабий материалларни танлашда амал қилинадиган асосий принциплардан бири – бу ўқувчиларнинг ўзбек тилидан эгаллаган билим ва малакаларини ҳисобга олишидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу билим ва малакалар стандарт, дастур ва дарсликлар берадиган имконият доирасида белгиланади.

Русийзабон ўқувчилар учун мўлжаллаб асар танлашда биринчи навбатда адабиётнинг ўзига хослигидан, сўнг предметлараро алоқа имкониятларидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Гап шундаки, рус тилидаги мактабларда айни пайтнинг ўзида иккита адабиёт. яъни ҳам рус, ҳам ўзбек адабиёти ўрганилади. Шу ўринда улар орасидаги типологик ўхшашлик ҳам, миллий ўзига хослик ҳам тамомила такрорланмас жараёнга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Асар танлашда рус мактабларидаги ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти ҳодисаларини, ўзбек адабиётидаги бадиий кашфиётларни она тилидаги, яъни рус тилидаги асарлар орқали, улардаги мавжуд қонуниятлар орқали ҳис этишини, ана шу адабиётлар қонуниятлари замирида қабул қилинишини ёдда тутиш лозим.

Шунга кўра ўзбек адабиёти асарларини танлашда (бадиий асарлар таҳлилида ҳам) ягона илмий-методик ёндашув ва принципларга таяниш ниҳоятда катта педагогик ҳамда дидактик аҳамиятга молик бўлади.

Методик адабиётларда асар танлашнинг қўйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланади:

- «1) асарнинг юксак ғоявий-бадиий қиммати ҳамда унинг замон талаблари нуқтаи-назаридан долзарблиги;
- 2) асарнинг ижтимоий ва адабий-тарихий жиҳатдан аҳамиятлилиги;
- 3) услуб ва жанрига кўра ранг-баранглиги, асарнинг ёзувчи ижоди учун хос эканлиги;
- 4) ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослиги»¹;
- 5) адабий таълим мақсадига монандлиги.

¹ Куряпин Н. И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. — М.: Просвещение, 1981. — с. 22.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиладиган адабий материалларни танлашда амал қилинадиган асосий принциплардан яна бири – бу адабий **асарнинг бадиий қимматидир**.

Дастур учун бадиий асар танлашнинг бош мезонларидан бири парчанинг бадиий қимматидир. Таниқли адабиётшунос Иззат Султон ўзининг «Адабиёт назарияси» китобида бадиийлик ўлчовлари ҳақида гапириб, таъсирчанлик, ҳаққонийлик, ёзувчининг савимийлиги, мазмун ва шакл бирлиги, асарнинг тили масалаларига алоҳида эътибор беради. Русийзабон ўқувчиларга мўлжалланадиган асарлар ҳам биринчи наъбатда ана шу ўлчовларга жавоб бералинган бўлиши лозим.

Асар, энг аввало, таъсирчан бўлиши, яъни ўқувчига (китобхонга) завқ багишлини даркор. Атоқли олим Озод Шарофиддинов: «мавзунинг долзарблиги гоянинг салмоқдорлиги, муаммонинг ҳаётийлиги нечоғлик муҳим бўлмасин, бадиий асар қимматини белгилайдиган ягона омил бўлолмайди. Чунки асар ўқувчининг онгигагина эмас, балки қалбига таъсир қилиши, «сехржоду» билан уни ўзига асир қилиб олиши керак», - деб таъкидлайди.

Хуллас, бадиий асарнинг қиммати кўп жиҳатдан унинг ҳаққонийлиги ва таъсирчанлигига боғлиқ. Лекин таъсирчанлик ўлчовларига нималар киришини ҳам қатъийлаштириб олиш зарур. Таъсирчанлик, Иззат Султоннинг таъкидлашича, икки омилга: 1) асар тилининг ширадорлиги; 2) асар мазмунига кўра аниқланади.

Янги давр ўзбек адабиётининг айрим намуналарида бадиийликнинг бўшлиги минбарбопликка интилиш туфайли юзага келгандигига эътиборни қаратиш лозим. «Хуллас, янгича мазмунни янгича шаклда ифодалашга интилиш, минбарбоплик ва халқ қўшиқлари руҳига ҳамоҳанглик – бу давр шеъриятининг муҳим хусусиятлари сифатида кўзга ташланиб туради. Айни чоёда, гоявийликка берилиб кетилгани ҳолда бадиийликка етарли эътибор бермаслик, қисман мадҳиябозлик, қуруқ риторика каби иллатлар ҳам шеъриятимизда сезила бошлади»¹.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларининг XI синф «Ўзбек тили» дарслигига «Кўк конверт», «Бургутнинг парвози» каби ҳикоялар берилган. Уларнинг тили ширадорлиги билан жуда

¹ Мирзаев С., Шермуҳаммедов С. Хозирги замон ўзбек адабиёти тарихи. /олий ўқув юртлари учун. – Т.Ўзбекистон, 1993. – 9-б.

ҳам ажралиб турмаса-да, ўқувчилар қўнгироқдан кейин ҳам қолиб асарни охиригача ўқиб чиқишини истаган ҳолатлар кўп бўлган. Бу ўринда ёшларни асар мазмуни ўзига ром қилганлиги равшандир. Ўқувчилар асарнинг эстетик таъсирини етарлича ҳис эта олишлари учун уларга мазмун деярли тўлиқ тушунарли бўлмоғи шартдир. Тушуниш. бир томондан, ўқувчининг сўз бойлиги ва тил билими етарли даражада шаклланганлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, асардаги тилнинг тасвирий-таъсирий восита-ларига айланган сўзларни. ибораларни англай билишларига боғлиқдир.

Маълумки, рус тилида сўзловчи ўқувчиларининг сўз бойлиги қатъий лугат минимуми доирасида чегараланган бўлади. Бундай вазиятда ўрганилган лексик материаллар ҳажмида юксак бадиий қимматга эга бўлган асарларни топиш анчагина қийинчиликлар туғдиради.

Юксак бадиий қиммат тушунчасига кўра теша тегмаган, умуман асарда кутилмаган, охори тўкилмаган сўзлар ва тил восита-ларни ишлатилиши керак. Лекин, Иззат Султоннинг яна бир таъкидини инобатга оладиган бўлсак, «Ёзувчининг тили ўзининг ранго-ранг ва бойлиги билан ажралиб турган ҳолда, айни пайтда ҳамма учун тушунарли бўлиши ҳам керак»¹.

Умуман, таълим мазмуни учун замон ўтиши билан бадиийлиги ўзгариб» қолмайдиган асарлар танланиши лозим.

Янги ўзбек адабиёти қўйидаги бадиий юксак асарлари билан тавсифланади:

Фитратнинг «Абулфайзхон» драмаси, «Оқ мозор», «Қийшиқ эшон» ҳикоялари;

А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романла-ри, «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтиридан» туркуми;

Ҳамзанинг «Майсарапанинг иши» пьесаси;

Чўлпоннинг «Кечава кундуз» асари;

А.Қаҳҳорнинг «Бошсиз одам», «Хотинлар», «Кампирлар сим қоқди» ҳикоялари, новеллалари, «Сароб», «Синчалак», «Тўйда аза», «Даҳшат», «Тобутдан товуш» асарлари;

С.Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Куллар» /5-қисмидан таш-қари/ асарлари;

Ойбекнинг Кутлуғ қон», «Навоий», «Куёш қораймас», «Улуг йўл», «Болалик» асарлари;

1 Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 226 б.

Х.Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмаси;
F.Ғуломнинг «Шўм бола» повести, «Согиниш», «Вақт» шеърлари;
Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси;
Зулфиянинг Х.Олимжонга бағишлиган шеърлари;
Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» туркуми, «Сурат» шеъри;
М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиаси;
П.Қодировнинг «Уч илдиз», «Қора күзлар», «Юлдузли тунлар» асарлари;
С.Аҳмаднинг «Уфқ» асари;
Шуҳратнинг «Олтин зангламас» асари;
А.Мухторнинг «Туғилиш», «Чинор», «Бухоронинг жин кўчалари» асарлари;
О.Ёқубовнинг «Муқаддас», «Бир фельетон қиссаси», «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» асари;
Мирмуҳсиннинг «Искандария кўрфази», «Умид», «Меъмор», «Темур Малик» асарлари;
Х.Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» асари;
Ў.Усмоновнинг «Гирдоб» асари;
Абсурд адиллар ва абсурд асарлар:
Ў.Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» асари.
Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор»;
Ў.Ҳошимовнинг «Тущда кечган умрлар».
Ш.Холмирзаевнинг «Олабўжи».
Омон Мухторовнинг «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам» асарлари.
Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи.
Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Оромкурси».
Назар Эшонқуловнинг «Маймун етаклаган одам», «Тобут».

Бу асарлар орасидан таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун қайсилиарни танлаш зарур деган масалага қўйиладигилар нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда жавоб топиш мумкин:

- асар ёки асардан танланган парча ўқувчи учун ҳаёт сабоқларини бериши;
- уни миллий маънавият билан таништириши;
- миллий қадриятлардан воқиф этиши;
- ўзбек халқига хос урф-одатларни акс эттириши;
- ўзбек халқи удумлари билан таништириши;

- миллий анъаналардан хабардор этиш учун хизмат қилиши;
 - ўзбек халқининг орзу-ўйларига ошно этиши;
 - ўзбек халқининг руҳиятига олиб кириши;
 - ўзбек халқининг ўтмиши ва бугунги куни ҳақида ҳикоя қилиши.
- Қайси асарнинг бадиий жиҳатдан пишик ёки бўш эканлиги, яхши ёки «енгил асар»¹ саналишини ўзбек тили ўқитувчиси билмайди, деган фикрдан йироқмиз.

Амалдаги «Ўзбек тили» дарсликлари киритилган адабий асарлар таҳлили шуни кўрсатдики, муаллифлар шеърий ва насрый асарлар танлашда уларнинг бадиий қийматига эътибор беришга ҳаракат қилганлар.

Илёс Муслим, Пўлат Мумин, Зафар Диёр, Шукур Саъдулла, Қудрат Ҳикмат, Қуддус Муҳаммадий ва бошқа болалар шоирларининг шеърлари, Фарҳод Мусажоновнинг ҳикоялари ўзининг бадиий қиймати билан ажralib туради.

Дарсликларда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Қамбар Ота ва бошқа шоирларнинг шеърлари, Ойбек, Пиримқул Қодиров. Суннатилла Анорбоев, Ҳудойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов каби ёзувчиларнинг насрый асарларидан парчалар берилган.

Дарсликларда ёш авлод шоир ва ёзувчиларининг (Робиддин Исҳоқов, Ҳамза Имомбердиев, Оллоберган Пўлатов, Абдураҳмон Акбар ва б.) асарларидан ҳам фойдаланилган.

Маълумки, бадиий қиймати бўлмаган, саёз шеърий ва насрый асарлар ўқувчиларнинг ўқиши техникасини эгаллаш, яъни матнни ўқиб мазмунини осонлик билан тушунишлари учун имкон беради, шу жиҳати билан уларни қаноатлантиради. Лекин адабий матн мазмунини тушуниш учунгина ўқилмайди.

Н.Л.Крупина эстетика ва адабиётшуносликдаги қадриятлар муаммоларига доир назарий тадқиқотларни ўрганар экан, юқори синф ўқувчилари учун мақбул ҳажмда адабий асарга эстетик баҳо беришнинг асосий мезонларини шартли равишда ажратиш имконини топган. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) бадиий асарнинг ғоявий қийматлилиги мезони;
- 2) бадиий асарнинг эстетик қийматлилиги мезони;
- 3) эмоционал-шахсиятли қийматлилик мезони;² ушбу мезон асосида китобхоннинг ўзининг ўқув-билив қизиқишлари, асар-

¹ Ҳусанбосва Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009. – 193-б.

² Крупина Н.Л. Формирование эстетических суждений учащихся о художественном произведении (10 кл.): Автореферат дисс.... канд. пед. наук. – Москва. 1981. – с. 10.

нинг аҳамиятлилиги аниқланади.

Муаллифнинг фикрича, шеърий асарларни танлашда унинг бадиийлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бадиий жиҳатдан паст савиядаги шеър ўқувчига ҳеч қандай (оҳангни мустасно этганда) эстетик таъсир кўрсатмайди (5-бет). У бундай матнлар ўзга (бизнинг ҳолатимизда ўзбек) адабиёти ҳақида салбий таас-сурот уйғотиши билан хавфлидир.

«Ўзбек тили» дарслкларида юксак бадиий қийматга эга бўлган шеърий ва насрый асарлар киритилган бўлишига қарамай, улардан айрим саёзроқ асарлар ҳам ўрин олган.

3-синф «Ўзбек тили» дарслигидан Обид Расулнинг «Кузатиш» шеъри жой олган.

КУЗАТИШ

Барвақт туриб,
Юзим ювиб,
Ўз ўрним тузатаман.
Ҳозирлаб жой,
Келтириб чой,
Одоб-ла узатаман.
Ишга ойим,
Кетса доим.
Хайр, – деб кузатаман.

Ушбу шеърни бадиий жиҳатдан пишиқ деб бўлмайди. Юқоридаги иккала шеърда ҳам бадиий - тасвирий воситалар кўзга ташланмайди, улардаги баён оддий ривоялашдан иборат бўлиб қолган.

6-синф «Ўзбек тили» дарслигида Рауф Толибнинг «Ҳалима ва Салима» шеъри берилган. Бу шеър қуидаги мисралар билан бошланади:

Ким овқатни пиширади?
Чаққон қизим Ҳалима.
Ким овқатни туширади?
Ялқов қизим Салима...

Мазкур шеърни ҳам бадиий жиҳатдан пишиқ деб бўлмайди. Юқоридаги иккала шеърда ҳам бадиий-тасвирий воситалар зга ташланмайди, улардаги баён оддий ривоялашдан иборат бўлиб қолган.

Хуллас, «Ўзбек тили» дарслклари учун танланадиган шеърий ва насрый асарларнинг **бадиий жиҳатдан яна ҳам юксакроқ бўлишига ҳаракат қилиши зарур** кўринади.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиладиган бадиий қиймати юксак адабий

материалларни танлаш машаққатли ишдир. Чунки танланган асар, энг аввало, лексик ва грамматик жиҳатдан ўқувчиларнинг ўзбек тилидан 2-синфдан бошлиб эгаллаётган билим, қўникма ва малакалари савиясига мос келиши керак.

Ўқувчиларнинг ўзбек тилидан эгаллаётган лексик ва грамматик воситалар бойлигининг шеърий ва насрий асарларда ишлатилишига кўра аҳамияти бир хилда эмас. Шеърий асарларда сўзларнинг ишлатилиши маъноларнинг қуюқлашишида ўз ифодасини топади, бўёғдор сўзларнинг кўплиги билан асар мазмунини тушунишга бўлган қийинчиликларни ошириб юборади.

Дастлаб *шеърий асарлар¹ мазмунини тушуниш билан боғлиқ лексик-грамматик қийинчиликларга* тўхталајлик.

Ҳали ўрганилмаган ёки шеър берилган синфда ўрганилмайдиган сўzlари кўп бўлган шеърлар мазмунини тушуниш билан боғлиқ мушкулликларнинг асосий сабабчиси саналади.

Минимумдан ортиқ нотаниш сўzlари, кўчма маънодаги сўzlари, тасвирий воситалари ва бошқа унсурлари кўп бўлган шеърлар мазмуни кутилган даражада мос равишда тушунилмайди, идрок этилмайди. Масалан, Қамбар отанинг «Мураббо» шеърида «топишид»² сўзи ўзининг «топмоқ» маъносида эмас, балки кўчма ҳолдаги «чиқишишмоқ» маъносида қўлланган. Шеърни русийзабон ўқувчи қуидаги мазмунда тушуниши лозим:

Олхўри пишли,
Қозонга тушибди,
Шакар сув билан
Шунда топишибди.

Созрели сливы,
Попали в котел,
Сахар с водой
Здесь сошлись.

Агар ўқувчи «топишид» сўзини «нашлись» деб рус тилида ифодаласа, шеър банди мазмунини тўғри англаш мумкин бўлмай қолади. Демак, биргина сўз (топишибди) туфайли шеърий мисраларни тўлиқ тушуна олмаслик, шеърий бандда яширинган таг маънони англамаслик ҳолати юзага келади, бинобарин, ўқувчиларда шеърни ўқишига бўлган қизиқиш пасаяди.

1 Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг бошлиланғич синфчари (2–4-синфлари) учун нашр килинган «ўзбек тили» дарстасларида асосан шеърий асарлар берилган. Насрий асарлардан парчалар деярли учрамайди. шунинг учун гарни шундай асарлардан бошлидик.

2 Толипова Р., Исҳоқова Н. узбек тили. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 3-синфи учун. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 39-бет.

4-синф «Ўзбек тили» дарслигига ҳам луғат минимумидан четга чиқиши ҳолатлари кўп. Масалан. Ҳамза Имомбердиевнинг «Томоша» шеърида қуюқ ҳарфлар билан ажратилган сўзлар минимумдан ташқари:

—Мультфильм
Жон-у дилим.
Юр. мультфильм қўрайлик.
Кувватлайди дарҳол синглим:
—Адамлардан сўрайлик.
—Йўқ, йўқ. — дейди дадамлар.
Ахир бугун ўйин бор.
Йигитсан-ку, футбол ҳам кўр.
Зора ютса «Пахтакор».
Ойимлар дер **хуноб бўлиб**:
—Ритмика бор, биласиз.
Озай десам **сал** машқ килиб,
Доим **шундай қиласиз...**

5—9-синфлар «Ўзбек тили» дарсликларидаги шеърий асарларда ҳам нотаниш сўзларнинг мавжудлиги, баъзан уларнинг миқдори ҳаддан ортиқ эканлиги кузатилади.

7-синф «Ўзбек тили» дарслигига Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри берилган. Ушбу шеърнинг қўйидаги мисраларида шеърга доир луғатда акс этмаган нотаниш сўзларга эътибор қаратайлик:

Ўхашши йўқ бу гўзал **бўстон**,
Достонларда **битган** гулистон —
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл **тилга олур**,
Чиройлидир гўё ёш **келин**,
Икки дарё ювар **кокилин**,
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар **қошида**.
Чор атрофда ёйганда гилам,
Асло йўқдир **бундайин** кўклам.
Тоғлардаги қип-қизил лола
Бўлиб гўё **ёқут** пиёла,
Булоқлардан узатади сув,
Эл кўзидан қочади **уйку**.

Русийзабон ўқувчилар сўз бойлиги етишмаганлиги учун луғат ишига кўп куч ва файрат сарфлайдилар. Дарс вақти эса тежоғлик.

Дарслерда насрий асарлар 5-синфдан бошлаб берилади. Бу асарларда ҳам лексик қийинчиликлар кўп. Бу ҳақда Д.Д.Исломованинг номзодлик ишида аниқ мисоллар келтирилган. Шунга қарамай, биз ҳам ўз таҳлилимиз асосида 9-синф «Ўзбек тили» дарслигида Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асаридан олиб берилган қуйидаги парчадаги нотаниш (дарслердаги лугатда акс этмаган) сўзларни кўрсатмоқчимиз:

*Гумбазли бино кўклам қўёшида шундай **нафис** жилоланиб кўриндики, Бобурнинг **дили равшан тортуб кетди**. Атрофдаги табиатнинг гўзаллиги, баҳор ва тоғлар айвонга ишлатилган нақшларни, гумбаздаги кошинлар рангини **алланечук** жуда очиб кўрсатар эди...*

*Хужра эшиги ёнғоқ ёючидан ўймакор қилиб, **зар** билан ишланган эди. Бобур гўзal ўймакорликларга, девор ва **шифт** безакларига **бир-бир кўз ташлаб** чиқди-да, ҳужранинг эшигини очди. Онаси билан опасига йўл бериб, кейин ўзи ичкари кирди....*

Хулоса қилиш мумкинки, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун мўлжаллаб юксак бадиий қийматга эга бўлган адабий материалларни танлашда нотаниш сўзлар бениҳоя катта қийинчиликлар туғдиди. Буарни ҳисобга олмаслик уларни ўқиб-ўрганиш ишларини мушкул аҳволга солиб қўяди. Аниқроғи, адабий матнни ўқишдан кўзланган асосий мақсадга эришиш қийинлашади. Шеърнинг эмоционал-эстетик таъсирини туймаган ўқувчи у ҳақда илиқ бир сўз айта олмайди.

Ўзбек адабиёти асарларини ўрганиш жараённада ўқувчи дуч келадиган қийинчиликларнинг бир қисми уларда учрайдиган нотаниш лексик ва грамматик материалларга кўра юз беради. Аввалинбор, ўқувчининг сўз бойлиги ва тил билимидаги камчиликлар, бу борадаги ижобий олга силжишларнинг йўқлиги унинг ўзбек адабиётини ўрганиш имкониятини чеклаб қўяди. Зоро, ўзбек тили дарсларида лугат иши ҳамда грамматик материалларни ўрганиш методик жиҳатдан тўғри ташкил этилмаган синфларда ана шундай ҳолатлар ҳукмронлик қиласди. Лекин бундай вазият барча мактаблар учун хос эмас. Бир қатор мактабларда мазкур масалаларда бир талай илғор иш тажрибалари қўлланиб, юқори самараларга эришилмоқдаки, бу нарса лугат минимумига тўла асосланиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Аксинча, минимум ҳажмida ҳосил қилинадиган сўз бойлигини ҳисобга олмаслик, нотаниш лексик ва грамматик материаллари қалашиб ётган асарни ўрганиш ўқувчилардаги қизиқиши сўнди-

риши мумкин. Бундай вазият юз бермаслиги учун асар танлашда «Рус мактабларининг I-XI синфлари учун ўзбек тилидан лугат минимуми»дан¹ келиб чиқиш мақсадга мувофиқdir. Бу лугатнинг имкониятлари катта: унда асосан туб сўзлар берилган бўлиб, сўз ясалишини, қўшма сўзлар ҳосил қилинишини ўрганиш хисобига ўзлаштирилган 2100 тача туб сўзлар миқдори 2-3 марта кўпаяди.

Хуллас, дастур учун асар танланганда унинг тил жиҳатидан тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият берилади. Агар бир хил аҳамиятга эга бўлган 2 та асардан бирини танлаш зарур бўлса, ҳажми нисбатан кичикроқ, тили ҳозирги адабий тил нормаларига яқинроқ асарлар афзал кўрилади. Ўқувчи нутқини ривожлантириш нуқтаи назаридан эса матнда минимум миқдордаги янги тил материаллари бўлгани олинади. Ҳажм жиҳатидан катта асарлар қисқартирилди ёки ундан олинган парчаларгина келтирилади. Лекин қисқартирилган асар ёки ундан олинган парча мавзува тузилиши жиҳатидан яхлитликни ташкил этиши керак.

Методик адабиётларда² таъкидланишича, юқори синфларда энг муваффақиятли суратда эгалланган сўз бойлигига ҳам ҳар қандай бадиий матнда 10-15 фоиз ўрганилмаган сўз қолади. Бу миқдор Л.А.Гайдарова кўрсатган оптималь режимдан (4-5 фоиз янги сўз прозаик асарлар учун, 2,5 фоиз шеърий асарлар учун) ортиб кетади.

Асарда нотаниш сўзларнинг кўплиги баъзан унинг мазмунини тушунишда қийинчилик тудиради. Бироқ бундай ҳолатни қўйидагиларга таяниб осонлаштириш мумкин: 1) маълум сўзлар маъносини контекстуал англаш имкониятига таянилади; 2) сўзлар матнинг асосий мазмуни билан боғлиқ бўлмаган ўринларда нотаниш сўзларнинг бир қисми сўз таркиби орқали тушунилади; 3) бадиий асар танлашда лисоний қийинчиликларнинг бу жиҳатлари ҳам инобатга олиниши керак. Насрий асарлардаги сўзлар маъноси контекст орқали тушунилади.

Л.И.Тимофеев лирикада сўзнинг алоҳида аҳамият касб этишига диққатни қаратган. Унинг фикрича, «лирикада сўз шундай ифодалилик даражасига етказилади, кечинмалар кўз олдимиизда жонли инсоний туйгулардек намоён бўладиган аниқ ҳаётий фактга айланади»³. Ўз-ўзидан равшанки, шеър танлашда ифодалилик даражаси кучли сўзлари бор ёки йўқлигига қаралади, шундай сўзла-

¹ Рус мактабларининг I-XI синфлари учун ўзбек тилидан лугат минимуми. Т.: ЎзПФИТИ. 1992. –68 б.

² Пути оптимизации структуры учебников по русской литературе. – Фрунзе: Мектеп. 1973.14 с.

³ Тимофеев Л. И. Очерки теории и истории русского стиха. М.: Просвещение, --1958.409 с.

ри борларига устун аҳамият берилади.

Лирик шеърда таниш сўзларнинг гайриоддий ва янги маъно қирралари очилади. Шеърнинг катта бўлмаган ҳажми маълум даражада янги сўзларни тушунтиришдан ташқари таниш сўзларнинг янги жилолари устида иш олиб бориш имконини ҳам беради.

Адабий материалларни танлашда нотаниш сўзлардан кам бўлмаган даражада қийинчиликлар тугдирадиган яна бир ҳолат – *нотаниш грамматик материалларнинг кўп бўлиши*дир. Чунки грамматик воситалар ҳар бир синфда оз-оздан ўрганилиб, 9-синфга келгандагина ўзбек адабий тилида мавжуд мактаб курси учун хос минимум даражасидаги грамматик билим, кўникма ва мала-калар ўзлаштирилиши кўзда тутилади.

Шеърий асарлар грамматик шаклларнинг ишлатилиши нуқтаи назаридан насрий асарларга қараганда мураккаброқдир. Агар насрий асарда баён (муаллиф сўзи) ўзбек адабий тилида бўлса, шеърда грамматик воситаларнинг тил дарсларида ўрганилмайдиган шеърий асарларгагина хос қўлланиш хусусиятларини кўриш мумкин.

Нотаниш, ўрганилмаган, мураккаб грамматик шакллар шеър мазмунини тушуниш ишини қийинлаштиради. Масалан, ўша «Мурраббо» шеърида:

Бир-бирин улар,
Қўллашиб ишлар.
Тинмай қайнайиб,
Бўлишилар бол.

Взявшись друг за друга,
Поддерживая, работают.
Непрерывно кипя,
Превратились в мед.

Ушбу мисраларда -ни қўшимчасининг қисқа (-н) қўлланиши, равишдошнинг -б, -иб шакллари; -р қўшимчали келаси замон феъли; феъллардаги -ш (-иш) биргалик нисбат шакли. Ушбу шакллар бошлангич синфлар ўзбек тили дарсларида ўрганилмайди.

Синтактик қийинчиликлар борасида И.И.Ковтунованинг қуйидаги фикрини эсга олиш ўринли: «Поэтик синтаксиснинг типологик белгилари поэтик матнларнинг алоҳида синтактик ташкил этилишида ва тилнинг поэтик нутқҳа хос синтактик воситалари семантикаси ва функциялари хусусиятларида намоён бўлиб, уни нутқнинг бошқа типларидан фарқлантиради»¹.

Масалан,Faфур Гуломнинг «Тошкент» шеърида (6-синф

¹ Ковтунова И.И. Пoэтический синтаксис. – М.: Наука, 1986. – С. 3.

«Ўзбек тили» дарслиги, 51-бет) дастлабки икки мисрага назар ташлайлик:

Тошкент Осиёнинг кўрки ўрни-да,
Мақтаса арзиди, оз эмас – анча.

Иккинчи мисрадаги «оз эмас – анча» ифодаси *мақтаса сўзи*-га боғланиб, ундан олдин келиши керак эди: *Оз эмас – анча мақтаса арзиди*. Русийзабон иккинчи мисрани шу мазмунда тушуниши лозим. Лекин шеърий мисранинг «алоҳида синтактик ташкил этилиши» мазмунни тушунишни бирмунча қийинлаштиради.

Г.Н.Эшчанованинг кузатишларига қараганда қуйидаги каби ҳолатлар ўқувчиларнинг шеър мазмунини тушунишларига халақит беради:

- бир шеърнинг ўзидағи 10 дан ортиқ сўзнинг маъносини билмаслик;

- айрим синтактик қурилиши мураккаброқ мисраларнинг мазмунини умуман тушунмаслик ёки нотўғри тушуниш оқибатида улар мазмунидан таъсирланмаслик¹.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун мұлжаллаб юксак бадиий қийматга эга бўлган адабий материалларни танлашда грамматик воситалар ҳам бениҳоя катта қийинчиликлар туңдирди, деб таъкидлаш ўринли бўлади. Бу ҳолат асар танлаш ишини мушкуллаштиради. Шунга қарамай, адабий матн танлашда ушибу принципга қатъий риоя этмасликнинг илюжи йўқ.

Маълум бўладики, 2-синфдан то 9-синфга қадар, шунингдек академик лицей ва касб-хунар коллежлари, ҳатто олий таълим учун адабий материаллар танлашда таълим олувчиларнинг ўзбек тилидан сўз бойлиги ва грамматик воситаларга доир билим, кўникма ва малакалари асосий чегара вазифасини бажаради. Тўғри, бир шеърда кўп билан уч-тўртта нотаниш сўз, насрый асардан парчадан ҳар бир қисм учун беш-ўнгдан ўрганилмаган лексика учрашига йўл қўйилиши мумкин. Нотаниш сўзларнинг, ўрганилмаган грамматик материалларнинг ўқувчи имкониятидан четга чиққан ҳолда ҳаддан ташқари кўп бўлиши адабий материал матни мазмунига кириб бориш йўлларини қийинлаштириб, чигаллаштириб юборади.

Бадиий жиҳатдан юксак асарларни танлашда **бадиийликни таъ-**

¹ Эшчанова Г.Н. ўзбек тили дарсларида шеърий асарларни ўрганишнинг лингвометодик асослари (таълим бошқа типларда олиб бориладиган мактаблар мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс. автореферати. – Т., 2009. – 10-бет.

мослаган воситаларнинг ўқувчилар савиясига, билимiga мослиги-ни ҳам назарда тутиш лозим.

Стандарт, дастур ва дарслерларга кўра, ўзбек тили дарсларида адабиёт назариясига доир маълумотлар деярли ўрганилмайди. Лекин дарслерларда ўқувчиларнинг ўз она тилидаги адабиёт дарсларида олган билимларига суюнган ҳолда топшириқ берилган ҳолатлар мавжуд.

Юқорида баён этилганларга кўра, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида *тушунарлик (савияга мослик) принципига* амал қилиш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Адабий-тарихий давр шарҳи бўладими, таржи-маи ҳол бўладими ёки асарнинг ўзими, у ўқувчиларга ҳам тили жиҳатидан, ҳам мазмунан, ҳам эстетик ва этик қадриятлар жиҳатидан тушунарли бўлиши даркор.

Ўқишига ўргатиш учун ажратиладиган бадиий асарни танлашнинг иккинчи етакчи принципи – *ўқувчиларнинг ижтимоий-психологик, миллий хусусиятларини, уларнинг қизиқишиларини, адабиётни идрок этишига тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш* лозим (14-15-бет). Бунда, айниқса, ўсмирлар назарда тутилганда ҳаётни англаш, ижтимоий ва ахлоқий идеалларни излаш, ўқув-билиув ва ўз устида ишлаш мотивлари, эмоционал ва эстетик мотивлар устувор бўлади. (15-бет).

«Ўзбек тили» дарслерларда берилган айрим шеърлар ўқувчиларнинг савиясига мос келмайди.

3-синф «Ўзбек тили» дарслигига Пўлат Мўминнинг «Саноқ» шеъри келтирилган. Ушбу шеър энди санашни ўргана бошлаган мактабгача ёшдаги бола ёки биринчи синф боласи учун мўлжаллаб ёзилган.

Қандай яхши санай олиш,
Опанг жонига тегмай,
Бувангдан-да сўрамасдан,
Аканғга ҳам ялинмай...

5-синф «Ўзбек тили» дарслигидаги «Одобли Аҳмад» шеъри («Ўзимиз эртак ёзамиз» китобидан) шу синф ўқувчиси савиясига унчалик мос келмайди. Шеър қуйидаги мисралар билан бошланади:

Бир кун Аҳмад мактабга,
Автобусда бораарди.
Унинг усти-бошига
Ҳамма одам қаарди...

6-синф «Ўзбек тили» дарслигига Ойбекнинг «Болалик» қиссасидан парча берилган. Ушбу парчада бобоси билан меҳмонга борган боланинг итга, товуққа тегиши, деворга осиғлиқ қилини оламан деб хархаша қилиши тасвирланган. Албатта, бундай хатти-ҳаракатни 6-синф ўқувчиси эмас, балки бошланғич синф ўқувчисидан кутиш мумкин. Айтиш мумкинки, парча ўқувчининг ёш савиясига мос равишда танланмаган.

7-синф «Ўзбек тили» дарслигига Фарҳод Мусажоновнинг «Яхшилик» ҳикояси берилган. Бу ҳикоя катта ўшдаги кишиларнинг қўлидаги тугунни кўтаришиб, унга ёрдам бериш ҳақида. Бундай тарбияни 7-синфдан эмас, анча илгари бошлаш керак.

Маълум бўладики, адабий матнда тасвирланаётган ҳаётий факт, воқеа ва ҳодиса ўқувчига ҳаёт тажрибаси орқали бирмунча таниш, тушунарли бўлиши керак.

Амалиёт шуни кўрсатадики, адабий ривожланиш даражаси юқори бўлган ўқувчилар бадиий асарларни ўқишига катта қизиқиши намоён этадилар. Бундай ўқувчиларда таҳлил механизми, асарнинг образлар тўқимасидан бадиий таг маънони ажратса олиш малакалари шаклланган бўлади; уларда гоявий-эмоционал мазмунни қўлга киритиш сари кўрсатма шаклланган бўлади; эстетик шаклга қизиқиши ва дид мавжуд бўлади. Адабий ривожланиш даражаси паст ўқувчиларда бундай механизmlарни қайтадан, лекин ўзга тиљдаги ўқиши материали асосида ҳосил қилиш лозим бўлади. Бу эса узоқ давом этадиган машаққатли меҳнатdir.

Танишувни соддароқ адабий шакллардан бошлаш керак. Детектив жанрда ана шу соддалик бор.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиладиган адабий материалларни танлашда амал қилинадиган асосий принциплардан бири – бу ўқувчиларнинг **ўқув-билив ҳҳтиёжсларини** кўзда тутишdir.

Ўқувчилар ўқув-билив мотиви билан Ўзбекистон ҳақида, ўзбеклар тўғрисида кўпроқ маълумот олишга интиладилар.

Асар танлашнинг дастлабки етакчи принципи – **бадиий асарнинг милий-маданий аҳамияти** саналади.

Бизнингча, ўзбекларнинг ижтимоий-тарихий ривожланишида ўзига хос характерли даврлар мавжуд. «Ўзбек тили» дарсликларида адабий матнлар орқали қайси даврлар хусусида сўз юритилади? Буларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Адабий асарнинг танлашиши кўп жиҳатдан ёзувчи ҳаётининг қайси ҳодисаларини тасвирлаётгани, қайси томонларини ажра-

таётгани, уларни қай тарзда талқин қилаётгани, қандай гоявий муаммоларни ўргатга қўяётгани билан аниқланиши лозим.

Бизнингча, ҳаётий воқеалар ҳам сараланиши керак. Бошлангич синф ўқувчилари қайси воқеалардан хабардор бўлишлари кераклиги, умумтаълим босқичи ўқувчиларини қайси ижтимоий ҳодисалар қизиқтириши, ўсмирларни нималар қизиқтириши сарҳисоб қилинмоги даркор.

«Ўзбек тили» дарслкларида адабий матнлар орқали қайси воқеа-ҳодисалар хусусида сўз юритилади? Буларни таҳлил қилиб чиқамиш.

Адабий материаллар ўзбекни англаш учун хизмат қилиши керак.

Шундай қилиб, адабий асарларни гоявий мазмунининг уч томонини: тематикаси, проблематикаси ва гоявий-эмоционал баҳосини уларнинг бирлигига ҳисобга олган ҳолда танлаш керак.

Адабий материаллар **жанр ва услуг** жиҳатдан ҳам кўриб чиқилиши лозим.

Насрий асарларни танлаш бир қадар қийинчилик уйғотса, шеърий асарларни танлаш ундан ҳам машаққатлидир. Шунга қарамай, шеърий асарлар таълим мазмунига жуда эрта киритилади. Уларнинг эстетик қадриятларга бойлиги, ритмика ва оҳангни ўргатиш учун қулиялиги шунга имкон беради. Айрим шеърларда ривоялаш ҳам мавжуд бўлгани учун мазмунини тушунишда бирмунча осонлик тугдирали.

Насрий асарларни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида методист олима Д.Д.Исломова бундай ёзди: «Насрий асарлар ўқув матнларига қараганда ҳам ўзбек тилини, ҳам адабиётини, ҳам миллий қадриятларини ўрганишда мазмунли, таъсирчан восита саналиб, ўқувчилар қалбига йўл топа олади» (15-бет). Аслида ҳам шундай.

Д.Д.Исломова ўзбек тилида ўрганиш учун танланадиган насрий асарларнинг қуйидаги муаммоли жиҳатларига эътиборни қаратади: «Ўзбек тилидаги бадиий асар баъзан ўқувчиларнинг одатдаги тасаввурларига мос келмайди, чунки унда тасвиrlанаётган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари, бир томондан, миллий қадриятлар ва миллий маънавият билан, иккинчи томондан, умуминсоний хислатлар билан боғлиқ бўлади. Ана шундай бадиий образли асарлардан олинган парчаларни ўқиб-ўрганиш бу асарларнинг гоявий-эстетик жиҳатлари, қурилиши, тил хусусиятларини тадқиқ этиш, шу аснода

құшымча маълумотлар билан танишиш мазмуннда кечади. Айниқса, йирик асардан келтирилган парчаниң қурилиши билан боғлиқ қийинчиликлар олдиндан бартараф этилмас экан ёки бу қийинчиликларга қисман барҳам берадиган құшымча маълумотлар (изоҳлар, шарҳлар) берилмас экан, баъзан ўқитувчининг ушбу мушкуллукларни келтириб чиқарған сабабларни билмасдан туриб қиласынан саъй-ҳаракаталари, уринишлари бессамар кетиши, яъни шу орқали эришиладиган натижалар йўқقا чиқиши мумкин»¹.

Д.Д.Исломова танланадиган насрый асарнинг ҳажмига, айниқса, унинг йирик асардан олинган парча эканлигига алоҳида эътибор беради. Унинг куйидаги фикрлари масалага ойдинлик кирита олади: «Ҳажми кичикроқ ҳикояларни тұлигича олиш ва қисман адаптация қилиш мумкин бўлса, аксинча, повесть ёки романларни бу тарзда дарсликка киритишнинг иложи бўлмаганини учун улардан парчалар ажратилиши керак. Яхлит олинган ёки қисқартирилган (адаптация қилинган) ҳикоя билан йирикроқ асардан келтирилган парча ҳажман тенг ва ўхшаш бўлади, лекин уларни жанр хусусиятларига кўра фарқлантирувчи, айрим парчаларда эса бадиий идрок сифатига салбий таъсири кўрсатувчи жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин» (17-бет).

Муаллиф русийзабон ўқувчиларга мўлжаллаб қисса ёки романдан олинган парчада асар бошида келтириладиган экспозиция баъзан тушиб қолган бўлиши, детектив асарларда, А.Қодирйининг баъзи ҳикояларида экспозиция асар мазмунининг охирига қўйилган бўлиши, ҳикоянинг охирини қисқартириш пайтида у тушириб қолдирилиши мумкинлигини таъкидлайди (22–23-бетлар). Шунингдек, ҳикоя кўпинча конфликт асосига қурилиши, роман ёки қиссадан олинган парчада у кўпинча ноаниқ бўлиши уқтирилади (24-бет). Табиийки, экспозиция бўлмаса, баъзан тугун ҳам бўлмайди. Тугун орқали ифодаланган конфликт аён бўлмаса, сюжет ривожи ҳам аниқ кузатилмайди (24-бет). «...танланган парчани асар сюжетининг муҳим компонентлари билан кичик муқаддима ва яқун кўринишида таъминлаш зарурияти мавжуд» (30-бет).

Д.Д.Исломованинг аниқлашича, “Йирик асардан олинган парчада “тўлиқ бўлмаган” алоқалар акс этади. Бундай алоқалар парчада тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари асарнинг бош

¹ Исломова Д.Д. Академик лицей ва қаеб-хунар колледжларида насрый асарларни ўрганиш (рус гуруҳлари мисолида): Пед. фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 16-б.

қисмларида қолиб кетганлиги, қаҳрамонлар ўртасида шаклланган муносабатлар ҳам аввалроқ ёритилганлиги ва бошқа шу қабилар туфайли ўқувчи учун мутлақо ноаниқ бўлиб туради ва баъзан парчанинг муайян ерига боргандা бирор тафсил орқали ойдинлашади” (33-бет).

Муаммоли матнларга эса, аксинча, улардаги мавқелараро сабаб-натижа алоқалари бир хил маънода бўлмаган мантиқий структура хосдир. Р. Йўлдошев бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи тузган 8-синф “Ўзбек тили” дарслигига¹ Пиримқул Қодировнинг асаридан парча берилган. “Юлдузли тунлар” сарлавҳали парчанинг дастлабки қисми (55–56) муаммоли матн хусусиятини ўзида ифода этади. Бу ерда, бир томондан, Ҳумоюн, иккинчи томондан, Бобур, учинчи томондан, руҳонийлар мавқелараро сабаб-натижа алоқададирлар. Шайхулислом Ҳумоюннинг қасалини тузатсалар, Бобурга ўз ҳукмини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлардилар. Ҳумоюн отаси Бобурнинг илтижоси билан согайиб кетганидан хижолатда. Бобур фарзандининг саломатлигини ўз ҳаётидан ҳам устун қўяди. Русийзабон ўқувчилар кичик бир парчани ўқиши орқали ушбу мавқелараро сабаб-натижа алоқа ва боғланишларни катта қийинчиликлар билан англаб етадилар.

9-синф «Ўзбек тили» дарслигига Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асаридан бир эмас, бешта парча келтирилган. Шу муносабат билан парчалар орасида ўзаро алоқадорлик, боғланишнинг бор ёки йўқлиги ҳам муаммоли матнларнинг юзага келиши учун сабаб бўладиган омиллар сирасига киради.

9-синф «Ўзбек тили» дарслигига «Маърифат фидойилари» мавзуси муносабати билан 1-дарсда Ҳумоюннинг кутубхонаси ва Ҳумоюннинг Бобурдан шу кутубхона учун китоблар ёзил беринши ҳақидаги илтимоси акс этган парча жой олган. 2-дарсда келтирилган парчада Бобурнинг ижод жараёни тасвири берилган.

«Менинг тенгдошларим» мавзусидаги дарсда келтирилган парчада ёш истеъодд эгаларини тарбиялаш, бундай шарафли ишида ҳазрат Алишер Навоийнинг хизматлари ҳақида Бобур билан Хондамирнинг сухбати берилади.

«Жаҳон меъморчилик обидалари» мавзуси билан боғлиқ рашишда келтирилган парчада гумбазли бино ва ушбу бинодаги Бобур кўз юргутираётган ҳужра тасвирланади.

«Одамлардан кутганларим» мавзуси юзасидан берилган 1-дарс-

1 Йўлдошев Р. ва бошқ. ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун дарсланк. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000.

да Бобур билан Хондамирнинг Мовароуннаҳрдаги қўчкилар туфайли Андижондан Ҳиндистонга йўл олиш сабаблари ҳақидаги суҳбатидан парча келтирилади.

Дарсликда насрий асардан олиб берилган парчалар таҳдили шуни қўрсатадики, келтирилган бешта парчанинг ҳар бири ўзича мустақил кичик мавзуга эга бўлиб, уларни умумлаштириш, бир бутунга бирлаштириш қийин. Чунки шеърий асар қайси шоирга, насрий асар қайси ёзувчига тегишли эканлигидан қатъи назар асосан мавзувий мансублигига кўра танланган.

Хуллас, ҳикояни ёки йирик насрий асардан олинган парчани адаптация қилиш унинг мазмунини тўлдирадиган маълумотлар қўшишдан иборат бўлади.

Шеърий асарлардан танланган парчада, насрий асарда бўлгани каби, мураккаб матн юзага келиши мумкин. Масалан, 8-синф «Ўзбек тили» дарслигидаги Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъридан олинган дастлабки парча қўйидагича бошланади:

Далаларда бошланади иш,
Бошланади ижод ва турмуш.
Кундан кунга ўсади пахта.
Барг чиқади ҳар бир дараҳтда.
Олмазорлар гулин тукади.
Мева bogлаб шохин буқади...

Ўқувчи шеърнинг номидан унинг Ўзбекистон ҳақида эканлигини билиб олади. Аввал у кундалик бажариладиган юмушлар, табиатдаги ўзгаришлар, меҳнат жараёнидан шоир нима демоқчи эканлигини англамай туради. Охирги тўрт мисрани ўқигандан кейингина ғоя маълум бўлади:

Ҳаммасининг бир истаги бор.
Ҳаммаси ҳам хурсанд, баҳтиёр.
Бу ўлкада ҳар нарса бордир.
Кўрмаганлар доим хумордир.

Мазкур дарсликда А.Ориповнинг «Алишернинг онаси» шеъри берилган. Русийзабон ўқувчилар учун ушбу шеър муаммоли саналиши мумкин, чунки Алишер Навоийнинг отаси, бобоси маълум бўлгани ҳолда нима учун онасининг кимлиги жумбоқ бўлиб қолгани уларга жуда галати туюлади.

Хуллас, насрий асарлардан олинган парчаларда ҳам, баъзи шеърий асарларда ҳам муаммолилик мавжуд бўлмаслигига ҳаракат қилиш лозим. Бу эса яна асар танлаш билан боғланади. Баъзан методик мудоҳазалар билан олдиндан танишмаган ҳолатда

асарнинг ё бошланиши қисми, ёки кульминациясига алоқадор қисми олиниши мумкин. Булар матннинг асосий қисмини ўқиб чиқишига қизиқиши уйғотади. Баъзан бир йирик асардан бир нечта гапдан иборат парчалар танланиши ва улар монтаж-матн шаклида тақдим этилиши мумкин. Бунда парчалар асарнинг ҳар ер, ҳар еридан олинади.

2-9-синф «Ўзбек тили» дарслеридаги драматик асарлар умуман кўзга ташланмайди. Аслида драматик асарлар кўпроқ диалогик нутқ ўстириш, шу мақсадда роль ижро этиш (овозлантириш) керак бўлганда аскотади.

Асар танлашда қаҳрамонлик, драматик, романтик, танқидий йўналишдаги асарларга ҳам эътибор бериш талаб этилади. Булар орасида муайян нисбат таъминланиши лозим.

Асар танлашда унинг *ахлоқий тарбия мақсадларига мувофиқлиги* ҳам назарда тутилиши керак.

Методист олим О.Мусурмонова таъкидлаганидек, «Миллий адабиёт ҳар бир миллатнинг характеристики, ҳис-туйғулари, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти босқичларини ҳаққоний чизикларда бадиий ифодалайди¹. Бу фикр таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарслари учун бадиий асар танлаш ишларига тўғри йўналиш бера олади. Ўқувчилар ана шундай матнлар асосида ўзбекни, ўзбек ҳалқини, унинг миллий маънавияти ва қадриятларини, айни пайтда хулқ-атворини тушуниш ва буларга ҳурмат билан қараш мазмунида тарбия топадилар.

О.Мусурмонова ўзбек мактабларининг адабиёт дарсларидаги камчиликлар ҳақида гапириб, шундай дейди: «... ўқувчиларга дарс бериш жараёнида турли тушунчалар ҳақида билим берилади-ю. лекин бурч, номус, муҳаббат, дўстлик, яхшилик, қабоҷат, адолат, шахсиятпастлик, фаҳр, уят, фаразгўйлик, инсонпарварлик, эрк, озодлик, баҳт ва баҳтсизлик, уларнинг моҳияти ҳақида жуда кам сұхбатлашилади².

П.Равшанов, Н.Мирқурбоновлар қўйидаги ахлоқий тушунчаларга эътибор қаратадилар: «Адолат, элпарварлик, ватан, илм-фан, меҳнат, ҳунар, ота-она, аёлларга муносабат, устозу шоғирд, камтарлик, тенг кўриш, саховат, тўғри сўзлик, ростгўйлик, ишқ, вафо, ҳиммат, самара, дўстлик, кайфият, тақаллум,

1 Мусурмонова О. Адабиёт дарсларини ташкил этишининг самарали усуслари. – Т: Ўқитувчи, 1993. – 14-бет.

2 Мусурмонова О. Номи курсатилган китоб, 16–17-бетлар.

мөхмөннавозлик, ҳаё. одоб, поклик, хотирлаш, бадбинлик, золимлик, манманлик, шұхрат, ичиш, мастилик, қариллик, ҳолни билиш, мансаб, нафс, баҳиллик, таъма, худбинлик¹. Ушбу түшүнчалар ҳам баркамол авлодни шакллантиришда мұхым роль үйнайды.

О.Мусурмонова, П.Равшанов, Н.Мирқұрбоновлар тилга олған ахлоқий түшүнчаларни тұлиқ деб бұмайды. Уларнинг тұлиқ рүйхати тузилмаган ҳам. Масалан, юқоридагилардан ташқари, дұстта садоқат, дұст-дүшмәннинг кимлигини фарқлаш, фаросатлилик, әзгулик ва ёвузлик, улар үртасидаги кураш, гүзәллик, олижаноб. сұхбатдаги табиийлик ва самимийлик, болаларға хос бегубор ҳис-түйгүлар, сахийilik, меҳрибонлик, меҳр-муруватлилик, бағрикенглик, маърифатта чанқоқлик, одиллик, покиза қалблилик, онани құмсаш, уни соғиниш, ёлгон сұзлик, қаноатлилик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, жасурлық каби күпгина ахлоқий түшүнчалар мавжудлигини эслатышнинг үзи кифоя.

Ўзбек тили дарсларыда *таълим ва тарбия бирлиги принциптері* амалға ошириш асар тәнлаш принциптеридан бири саналади. Мазкур принципни жорий этиш учун ахлоқий түшүнчаларға фарқли ёндашиб зарур. Чунончи, ўзбек тили дарсларыда ахлоқий тарбия ўқувчиларнинг рус адабиети дарсларыда ўрганадиган ахлоқий түшүнчаларни айнан такрорламаслиги кераклиги табиий. Лекин шундай түшүнчалар борки, улар шарқона тарбия үнсурлари билан ажралиб туради.

О.Мусурмонова тилге олган бурч, муҳаббат, дұстлик, яхшилик, қабоқат, адолат, шахсиятпаастлик, фаҳр, уят, ғаразгүйлик, инсонпарварлық, әрк, озодлик, баҳт ва баҳтсизлик түшүнчалари, П.Равшанов, Н.Мирқұрбоновлар таъкидлаган адолат, әлпарварлық, ватан, илм-фан, меҳнат, ҳунар, камтарлық, тенг күриш, саховат, тұғри сұзлик, ростгүйлик, ишқ, вафо, ҳиммат, самара, одоб, поклик, хотирлаш, бадбинлик, золимлик, манманлик, шұхрат, ичиш, мастилик, қариллик, ҳолни билиш, мансаб, нафс, баҳиллик, таъма, худбинлик каби түшүнчалар умумисоний саналади.

Ота-она, аёлларға муносабат, устозу шогирд, тақалдум, меҳмөннавозлик, ҳаё, меҳрибонлик, меҳр-муруватлилик, бағрикенглик, одиллик, онани құмсаш, уни соғиниш, қаноатлилик, ҳалоллик, номуслилик ва бошқа бир қатор ахлоқий фазилатлар-

¹ Равшанов П. ва б. Адабиёт ва тәжілім. – Т: Ўқитуучы, 1991. – 107-бет.

да шарқона жиҳатлар мавжуд.

Ўзбек тили дарслари учун бадиий матнлар таинлашда фақат шарқона ахлоқий тушунчалар ўқитувчининг диққат-эътиборида бўлиши керак, деган фикр унчалик тўғри бўлмас. 2-9-синфлар берадиган имкониятлардан келиб чиқиладиган бўлса, уларни имкон қадар кенгроқ қамраб олиш зарур бўлади.

«Ўзбек тили» дарсликларида бадиий матнларнинг нима ҳақда эканлиги, улар қайси ахлоқий тушунчаларга бағишлилангани, нималар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилганини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш мавжуд аҳволнинг таҳлили асосида аниқ хуносаларга келиш, тавсиялар бериш мумкин.

2-синф «Ўзбек тили» дарслигига¹:

Муаллифи	Шеър номи	Ғояси
Қ.Утаев	Ассалом	
Ҳ.Шарипов	Салом, мактаб!	
Р.Толип	Мактабим	
П.Мўмин	Тўртлик	
Т.Йўлдош	Сабзи	
Т.Баҳромов	Светофор	
Т.Ортиқхўжаев	Кулча	
О.Абдураҳмон	Дўппи	
Т.Йўлдош	Ойим уйда бўлсалар	
Ш.Саъдулла	Қиши	
М.Ниёзмуродов	Эрта тур	
Ҳ.Исокова	Бувижонимга	
Т.Раҳимова	Хисоб дарсида	
Р.Толиб	Наврўз байрами	
П.Мўмин	Кўрганимиз эчкими?	
	Ҳайвонот боғида	
О.Абдураҳмон	Устаман	
-	Тошкентим	
Қ.Утаев	Ўзбекистон	

Кўриниб турганидек, 2-синфда ўрганиладиган шеърлар ахлоқий тушунчалар оз қамраб олинган.

¹ Toli pova R. va boshq. O'zbek tili. Ta'llim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan, 6-nashri. – Toshkent: O'zbekiston, 2007.

3-синф «Ўзбек тили» дарслигига¹:

Задар Диёр	«Сентябрь тони» шеъри	Ўқиши (илм-фан)
Пўлат Мўмин	«Синф» гўрлиги	Ўқиши (илм-фан)
Қамбар Утаев	«Билимлар куни» шеъри	Ўқиши (илм-фан)
Пўлат Мўмин	«Санок» шеъри	Ўқиши (илм-фан)
Азиз Абдураззок	«Коитогим – офтобим» шеъри	Жисмоний ўйинлар
Обид Расул	«Кузатиш» шеъри	Мехнатсеварлик, каттадарга хурмат
Обид Расул	«Музкаймок» шеъри	
Хабиб Рахмат	«Мураббо» шеъри	
Иброҳим Дониши	«Тон, ўртоқ!» шеъри	Санок
Қамбар Утаев	«Торғиламан турниклар» шеъри	Жисмоний машк
Илёс Муслим	«Салом, янги йил!» шеъри	Байрам
Сафо Очил	«Топ, ўртоқ!» шеъри	Топишмоклар
Қамбар Утаев	«Жўжахуроз» шеъри	Хўрзанинг хислатлари
Кавсар Турдиева	«Тимсоҳ» шеъри	Тимсоҳнинг хислатлари
Обид Расул	«Турғун тогам» шеъри	Мехнатсеварлик, хунар
Аскар Қосим	«Доно» шеъри	
Йўллош Суюнов	«Бувижоним» шеъри	Мехрибонлик
Пўлат Мўмин	«Наврӯз келди» шеъри	Миллий анъаналар
Сафо Очил	«Раҳмат» шеъри	Хунар, тартиб-ингизом
Абдусайд Кўчимов	«Лайлас келса» шеъри	Табиатни асрараш
	«Минг яшанг» шеъри	Шаҳримиз чиройи
Нормурод Нарзуллаев	«Ўзбекистон» қўшиғи	Юрт мадҳи

Қўриниб турганидек, 3-синфда берилган шеърий асарларда ахлоқий тушунчалардан жуда оз қисми қамраб олинган. Китоб ўқишига, илм-фан ўрганишга дайват яхши. Лекин 3-синф ўқувчисининг ўзбек тилидан эгаллаган сўз бойлиги ва гап қолипларига доир билими бирор кичик ҳажмдаги бадиий ёки илмий матнни ўқиб тушуниш имконини бермайди. Китоб ўқиши умуминсоний фазилат. Бундай фазилат барча ўқув фанларида, жумладан, рус тилида ўқиши дарсларида ҳам таркиб топтирилади. Шунинг учун ўқишининг аҳамияти ҳақидаги шеъларга 4 дарс ажратиш мақбул эмас.

Мехнатсеварлик, хунар ўрганиш, жисмоний машқларга иштиёқ ҳам умуминсоний фазилатлар сирасида қаралиши мумкин.

Умуман, 3-синф учун шеърий асарларни танлаш ишини давом эттириш зарурияти мавжуд. Бу синфда насрый асарларни ўқиши устидаги ишларга ҳам маълум ўрин ажратиш имкониятини қилириб топиш зарур.

¹ Tolipova R. va boshq.O'zbek tili. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarining 3-sinfi uchun darslik. 3-nashri. – Toshkent: O'zbekiston, 2008.

4-синф «Ўзбек тили» дарслигига¹:

Иләс Муслим	«Мактабим» шеъри	Мактаб мадхи
Пўлат Мўмин	«Синфимиз кўшиши»	
Шукур Сайдулла	«Куз» шеъри	Куз тасвири
Халқ кўнгиги	«Пахта терими»	Пахта териш
Ҳамза Имомбердиев	«Томоша» шеъри	Телекўрсатув галаниш
Анвар Обиджон	«Қонун» шеъри	
Дўстжон Матжон	«Дарвозабон» шеъри	
Робиддин Исҳоков	«Қиши момо» шеъри	
Оллоберган Пўлатов	«Арча» шеъри	
Қамбар Ота	«Яни ийл саломи» шеъри	
Ҳамза Имомбердиев	«Бир кунлик мұжиза» шеъри	Мумкин әмас сўзини айтмаслик
Абдураҳмон Акбар	«Табнат аліффоси» шеъри	
Оллоберган Пўлатов	«Ерламчи» шеъри	Катталарга ёрдам
Анвар Обиджон	«Ажойибхона» шеъри	
Абдулла Авлоний	«Баҳор келди» шеъри	
Мекембой Омаров	«Она» шеъри	
Незъмат Тоннўлат	Она хакида шеър	
Эрпўлат Бахт	«Қушларга севгим» шеъри	
Иләс Муслим	«Турналар» шеъри	
Рауф Тоилиб	«Наврўз» шеъри	
А.Туроб	«Ўкувчи, эсингда бўлсин» шеъри	Бадантарбия
А.Туроб	«Орасга бўл» шеъри	Ўкув куроллари, кийимни асраш
Кудрат Ҳикмат	«Китоб» шеъри	Китобнинг аҳамияти
Миразиз Аъзам	«Китоб нима десалар» шеъри	Китобнинг аҳамияти
Барор Истроил	«Тинчликни куйлаймиз» шеъри	Тинчлик истаймиз
Йўлдош Сулаймон	«Тилагим» шеъри	Тинчликнинг аҳамияти
Пўлат Мўмин	«Ватаним» шеъри	Ватан мадхи

Маълум бўладики, 4-синфда берилган шеърий асарларда ахлоқий тушунчалардан Ватанга, она тилига муҳаббат, катталарга ёрдам, шириңсўзлилик, тўғри сўзли каби ахлоқий фазилатлар ўз ифодасини топган. Булар миллий маънавият тарбияси учун сира ҳам кифоя қилмайди.

4-синфда, 3-синфда бўлганидек, китоб ўқишига, илм-фан ўрганишга даъват этувчи шеъларга кўп ўрин ажратилган. Буни ўтиладиган дарс мавзуси тақозо этади. Лекин 4-синф ўқувчисининг ўзбек тилидан олган билим, ҳосил қилган нутқий кўнилмалари

¹ Rafiyev A., Muhammadijanova G. O'zbek tili. Ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan mafkablarining 4-sinfl uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2007.

бирор кичик ҳажмдаги бағий ёки илмий матнни мустақил ўқиб тушуниш имконини бермайды. Китоб ўқишиңинг аҳамияти ҳақидағи шеърларни дарсликкінг дарсдан ташқари мустақил ўқиши қисміга күчириш мақсадға мувофиқдір.

Хуллас, 4-синф «Ўзбек тили» дарслиги учун ҳам шеърий асарларни танлаш ишини давом эттириш талаб этилади. Бундан ташқари, насрий асарларга ҳам эътиборни қаратиш лозим бўлади.

5-синф «Ўзбек тили» дарслигидан¹:

Акбар Мирзо	Мустақил юрт ҳакида тұртлик	Истиктол
Қамбар Үтаев	«Ватанин күйлаган дигүй» шеъри	Ватан мадҳи
Хайдар Мухаммад Рауф Толиб	«Яна келди ёз» шеъри «Фаплар баҳси» шеъри	Табиат тасвири Ўқиши (илм-фан)
Жуманиёз Жабборов	«Китоб» шеъри	Ўқиши (илм-фан)
Фарҳод Мусажонов	«Яхшилил» (хикоя)	Катталарга ёрдам
Жуманиёз Жабборов	«Ҳосил тўйин байрами» шеъри	Ҳосил мадҳи
Турсунбой Адашбоев	«Она тилим»	Она тили мадҳи
Обид Расул	«Ҳарф» шеъри	Ўқиши (илм-фан)
Акбар Мирзо	Тұртлик	Ота-онанинг муаллим эканлиги
«Ўзимиз эртак ёзамиз» китобидан	«Одобли Ахмад» шеъри	Транспортда катталарга жой бериш
Махмуд Муродов	«Иккى хил ёрдам» (хикоя)	Катталарга ёрдам
Сафо Очил	«Светофор» шеъри	Йўл ҳаракати коидалари
Абдулла Орипов	«Ўзбекистон» шеъридан парча	Келажакда ким бўласан
Сафар Барноев	«Ширинлик» шеъри	Сўзлаган тилининг ширин эканлиги
Шукур Сайдулла	«Тўғри сўз» (хикоя)	Тўғри сўзлик
Миразиз Аъзам	12 мисра шеър	Ўқиши (илм-фан)
Пўлат Мўмин	«Сен эрта туршиб» шеъри	Эрта туриш
Мирзо Турсунзода	Тұртлик	Баҳорғи ишлар
Қамбар Үтаев	«Баҳор ҳадиси» шеъри	Тонгги табиат
Абдураҳмон Акбар	«Наврӯз келди» шеъри	Наврӯз мадҳи
Қамбар Үтаев	«Саёҳат» шеъри	Ватан соғиничи
Жуманиёз Жабборов	13 мисра шеър	Вилоятлар мадҳи
Жуманиёз Жабборов	«Еник „кўк чирок“» шеъри	Юқ ортилган вагонлар карвони
В.Ахмаджон	«Қўчамиз» шеъри	Кўча мадҳи
Илес Муслим	«Қувнок ўтенин таътилингиз!» шеъри	Ёзи табиат

1 Niyozmetova R., Rafiyev A., Alayutdinova N. Ta’lim rus tilida olib boriladigan umumta’lim maktubalarining 5-sinfi uchun darslik – Toshkent: «Sharq», 2007

Маълум бўладики, 5-синф «Ўзбек тили» дарслигига ахлоқий тушунчалар доираси 4-синфдагига қараганда кенгроқ берилган. Ушбу дарсликда Ватанга, она тилига муҳаббат, қатталарга ёрдам, ширинсўзлилик, тўғри сўзли каби ахлоқий фазилатлар ўз ифодасини топган.

5-синфда, 2-4-синфларда бўлганидек, китоб ўқишига, илм-фан ўрганишига даъват этувчи шеърларга кўп ўрин (4 та шеър – 4 дарс) ажратилган. Буни мустақил мутолаага ундаидиган топшириқлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунда матнни мустақил ўқиб мазмунини тушуниш, ундан ахборот олиш амалий фаолият билан боғланади. Топшириқни бажара олишнинг ўзи ўқувчини китоб ўқишига ундовчи курдатли омил бўлиб майдонга чиқади. Бунга 5-синф ўқувчисининг ўзбек тилидан олган билим, ҳосил қилган нутқий кўникмалари имкон бера бошлайди. Китоб ўқишининг аҳамияти ҳақидаги 4 шеърдан бирини дарсликнинг дарслар қисмида қолдириб, қолган 3 тасини дарсдан ташқари мустақил ўқиши қисмига кўчириш маъқулдир.

Афсуски, 5-синф «Ўзбек тили» дарслигига насрый асарлар ёки улардан олинган парчалар учтагина. Бу жуда кам.

Умуман, 5-синф «Ўзбек тили» дарслиги учун бадиий асарлар танлаш ишини давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

6-синф «Ўзбек тили» дарслигига¹:

Б.Омонов	Шеърий топишмок (8 мисра)	Эчки ва икки улок ҳакида (Нечта қулоги, оёги ва тўёғи борлиги)
Р.Тоҷиб	«Ҳалима ва Салима» шеъри	Мехнатсеварлик ва ялковлик
Куддус Мухаммадий	«Китобни канча севсан оз бўлур» шеъри	Ўқиши (илм-фан)
Абдураҳмон Ақбар	«Сўзловчи ёмғир» шеъри	Табиат ҳодисалари
Ғафур Ғулом	«Тошкент» шеъри	Шахар маҳзи
Дўстжон Матжон	«Нон» шеъри	
Рауф Толиб	«Ўзинг-чи?» шеъри	Ахлоқий фазилатлар
Азиз Абдураззок	«Ватан ҳакида кўшик» ривояти	Ватанга муҳаббат
Тўлкин Илҳомов	«Шапати» (ривоят)	Мехнатсеварлик
Пўлат Мўмин	«Нон азиз – энг ҳалол» шеъри	
С.Анорбоевдан	«Чўпон ўғли»	Тоғ ҳавоси
Элбек	«Тогда баҳор» шеъри	Тоғ тасвири

1 Tolipova R. va b. O'zbek tili. Ta'llim rus tilida olib boriladigan muktabalarning 6-sinfi uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2001.

Пўлат Мўмин	«Ташқарида кор. уйимизда баҳор!» шеъри	Уйда гул ўстириш
Рауф Толиб	«Жирағанинг бўйни нима учун узун?» шеъри	
Ойбек	«Болалик» (қиссадан парча)	Ҳамма нарсага тегаверин
Қудус Мұхаммадий	«Ўқувчига эсадалик» шеъри	Ўқиб, одобли бўлиш

Маълум бўладики, 6-синфда меҳмоннинг отадан улуг эканлиги, ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик ва ялқовлик, дангасалик, ўқиш (илм-фан), ҳунар ўрганиш, бойлик манбаи, ахлоқий фазилатлар, тўғри бўлиш ҳақида, қўли эгрилик жазоси, ўқиб, одобли бўлиш, ҳамма нарсага тегавермаслик, ватанга муҳаббат, ҳар кимнинг ўз вазифасини бажариши кераклиги, ўткир зеҳнлилик ахлоқий фазилатлари ўз ифодасини топган. Бадиий матнларда кўтарилилган ушбу ахлоқий масалаларнинг айримлари (ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўқиш (илм-фан), ҳунар ўрганиш, тўғри бўлиш ҳақида, ватанга муҳаббат) қуйи синфлардан бадиий асарлар орқали ўрганишда давом этиб келинаётган тушунчалардир. Янгиларини акс эттирувчи шеър ва насрый асарлар танлаш иши талаб даражасида эмаслиги шундай ҳам аён бўлади.

Дарсликда нарса-ҳодисаларни тасвирловчи, уларнинг гўзал жиҳатларини мадҳ этувчи шеърлар қўйи синфлардагига қараганда камайтирилган. Табиат ҳодисалари, тоғ, тоғ ҳавоси, уйда етиштирилаётган гуллар тасвир обьектлари саналади.

6-синф «Ўзбек тили» дарслигига атиги иккита насрый асар (парча) келтирилган. Лекин Ойбекнинг «Болалик» қиссасидан олинган парча боланинг итга, товуқларга ва бошқа нарсаларга тегажоқлик қилиши, тегавериши ҳақида. Шубҳасиз, 6-синф ўқувчиси бундай хатти-ҳаракатлар қилмайди. Айтмоқчимизки, ахлоқий тарбия учун олинган тушунчанинг ўзи ўқувчилар ёш савиясига мос келмайди.

7-синф «Ўзбек тили» дарслигида¹:

Ҳамид Олимжон	«Ўзбекистон» шеъри	Ватан мадҳи
Худойберди Тўхтабоев	«Сарик девни миниб» (романдан парча). IX боб. Қаердасан, мактаб?	Илмсиз бирор касбни этилаб бўлмаслиги
Зулфия	«Мактаб очилди» шеъри	Ўқиш (илм-фан)
Муҳаммад Юсуф	Оддий муаллим	Ўқитувчига мадхлар
Эркин Воҳидов	Она гилим ўлмайди	
Ғафур Гулом	«Билиб қўйки, сени Ватан кутади» шеъри	Ўқиш (илм-фан)
Зулфия	«Олтин куз» шеъри	Кузги табиат тасвири
Фарҳод Мусажонов	«Яхшилик» шеъри	Катталарга ёрдам қилиб, мақтансаслик
Ҳабиб Раҳмат	«Жала дарракчиси» шеъри	Табиат ҳодисалари
Ойбек	«Оқшом юлдузи» шеъри	Юлдуз ва у ўйготган хислар
Ўткир Ҳошимов	«Нон-имон» асаридан «Ишониш қийин бўлган воея», «Дадам айтиб берган даҳшатли хикоя»	Нонга муносабат
Пиримқул Кодиров	«Кийик пойлаган полвон» (хикоя)	
Шахноза Жўраева	Оиласда меҳнатсеварликка бағишлиланган 14 мисера шеър	
Абдулла Орипов	«Ўзбекистон» шеъри	Ватан мадҳи

7-синф «Ўзбек тили» дарслигида бўрилган адабий материалларнинг ахлоқий тарбиядаги аҳамияти қўйидагича: ота-онага ҳурмат, катталарга ёрдам қилиб, мақтансаслик, муомала одоби, сахийлик, нонга муносабат, фаросатлилик, ўз севгиси йўлида қийинчиликларни енгиш, Ватан учун жон фидолик. Айтиш мумкинки, дарсликнинг ахлоқий тарбиядаги имкониятлари жуда тор.

Нонга муносабатнинг тарбия топғанликка бевосита даҳли бор. Озми-кўпми тўғри тарбияланган бола нонни босмайди, уни тепмайди ҳам. Аслида ноннинг ушоги ҳам нон, у увол бўлмаслиги керак.

Ахлоқ, инсоний муносабатлар нуқтаи назаридан «Алпомиш» матни тўғри танланган эмас. Чунки рус, қозоқ ва бошқа миллатларда ака-ука, опа-сингил бир-бирига қуда бўлмайди, қариндошлиқ ришталари билан боғланган ёшлар бир-бирига қўнгил қўя олмайди. Ушбу асарни бериш зарурияти кучли бўлса, уни

1 Tolipova R., Tursunova I., Ochilova N. O'zbek tili. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 7-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan 2-nashri. – Toshkent: «Sharq», 2005.

бирмунча адаптация қилиш, асар бошидаги ака-укалар ҳақидаги қисмни бермаслик мақсадга мувофиқдир.

7-синф «Ўзбек тили» дарслигига, қуи синфларда бўлгани каби, нарса-ҳодисаларни тасвирловчи, уларнинг гўзал жиҳатларини мадҳ этувчи шеърларга ҳам ўрин ажратилган. Табиат ҳодисалари, юлдуз, кузги табиат, тасвир обьектлари саналади.

Дарсликда ўқишининг аҳамиятига учта асар (иккита шеър, бир насрый асардан парча) берилган. Тўғри, китоб ўқишига ҳавас уйғотиш зарур. Лекин бу ишни амалий топшириклар асосида ҳам амалга ошириш мумкин. Айнан бир йўналишдаги бадиий матнларнинг синфдан-синфга такрор берилиши мавзуларнинг синфдан-синфга қучиши туфайлидир. Чунки айни 25-30 мавзунинг катта қисми ҳар бир синф дастурида гўё ривожлантириб бориш зарурияти билан берилаётгандай такрор кўрсатиб келинмоқда. Дарс мавзуси асар танлаш мавзусига ўз ҳукмини ўтказмасдан қолмайди.

7-синф «Ўзбек тили» дарслигига бор-йўғи учта насрый парча келтирилган. Бу ҳолатни насрый асарларнинг ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашдаги ўзига хос аҳамиятини ҳисобга олмаслик оқибати, деб баҳолаш мумкин.

Шундай қилиб, 7-синф «Ўзбек тили» дарслиги учун шеър танлаш, йирик насрый асарлардан парчалар ажратиш ишини ахлоқий тарбияни кенгроқ ўйсунда амалга ошириш мақсади билан давом эттириш талаб қилинади. Айни пайтда асарларнинг жанр ранг-баранглигига ҳам эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

8-синф «Ўзбек тили» дарслигига¹:

Ҳамид Олимжон	«Ўзбекистон» шеъри	Ўлкамизда ҳамма нарса борлиги
Мухаммад Юсуф	«Ватаним» шеъри	Ватанимиз ўтмишин
М.Шайхзода	«Салом, мактаб!» шеъри	И.м. ўқиш
Қ.Муҳаммадий	«Китоб бизники» шеъри	
Зулфия	«Олтин куз» шеъри	
Н.Кодиров	«Пахтакор меҳнати» матни	
Э.Воҳидов	«Она тилим ўлмайди» шеъри	
Қ.Муҳаммадий	«Ўқувчига эсдалик» шеъридан парча	И.м. ўқиш
Э.Воҳидов	«Дўст билан обод уйинг...» шеъри	
М.Сулаймонов	«Пушаймонлик» насрый масали	Мактаниш, кибрланиш

¹ Muhitdinova X. va b. O'zbek tilii. Ta'lif rus tilida olib boriladigan maktablarning 8-sinfi uchun darslik. – T: O'qituvchi. 2004.

Хамид Олимжон	«Ўзбекистон» шеъри (бошланиши)	
А.Н.Гайдардан	«Номус» хикояси	Напкасини дараҳт тагига қўйиб, капалак кувлаб юрган қиз
С.Ходбеков	«Ўзбек полвоним» шеъри	
Х.Олимжон	«Ўрик гуллаганд» шеъридан парча	
А.Орипов	«Алишернинг онаси» шеъри	Она ҳакида
Ғафур Гулом	«Вақт» шеъри	
Юсуф хос Ҳожиб	«Кутадгу билиг»дан парча	Камтарлик
Ойбек	«Навоийнинг болалиги» асаридан парча	Қафасдаги чиройли күшлар ҳакида

Қўриниб турганидек, 8-синф «Ўзбек тили» дарслигидаги бадиий матнларда ахлоқий тушунчалар доираси жуда тор қамраб олинган: мақтаниш, кибраниш, ота-онага ҳурмат, камтарлик.

Ўқиш, илмга ҳавас, дарсан қочишнинг уятли иш эканлиги икки шеър, бир насрый парча мисолида ўз ифодасини толган. Насрий парчада кўтарилган ахлоқий масала 8-синф ўқувчиси ёшига мос келмайди.

Дарсликда насрый асарлар бир ҳикоя, бир насрый масал, насрый асарлардан олинган икки парча орқали тақдим этилган.

Умуман, 8-синф «Ўзбек тили» дарслиги учун ҳам шеър танлаш, йирик насрый асарлардан парчалар ажратиш ишини ахлоқий тарбияни қенгроқ, ўйсунда амалга ошириш мақсади билан давом эттириш талаб қилинади. Айни пайтда асарларнинг жанр ранг-баранглигига ҳам эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

9-синф «Ўзбек тили» дарслигига¹:

	Ватан ҳақида тўртликлар	Ватан мадҳи
Абдулла Орипов	«Ўзбекистонда қуз» шеъри	Кузнинг тўкинлиги
Х.Гўхтабоев	«Бу кўприкни бобом кургандар» («Жаннати одамлар» асаридан)	
Эркин Вохидов	«Ягона Ватан» шеъри	Ватан мадҳи
П.Қодиров	«Юлдузли тунлар»дан парча	Асар ёзиш
Эркин Вохидов	«Ўзбегим» шеъри	Илм-фан
П.Қодиров	«Юлдузли тунлар»дан парча	Ижод жараёни
П.Қодиров	«Юлдузли тунлар»дан парча	Истеъдол йўлини тўсувчи баҳиллик
Абдулла Орипов	«Оиласда туғилса гўлак» шеъри	Оиласнинг юзага келиши

¹ Rafiyev A. O'zbek tilij. Ta'llim rus tilida olib boriladigan maktablarning 9-sinfi uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2006.

П.Кодиров	«Юлдузли тунлар»дан парча	Бинодаги накшлар
Ғафур Ғулом	«Вакт» шеъри	Қиска умрда вакт қадрини билиш
Ҳамза Ёкубов	«Орол» шеъри	Орол экологияси
Ойбек	5 мисра шеър	Шоир хакида
Ҳамид Олимжон	Тўртлик	Шоирнинг абадийлиги
А.Орипов	Тўртлик	Шоир эъзози
Абдулла Орипов	«Шундай яшар одагда одам» шеъри	Беҳуда яшамаслик
П.Кодиров	«Юлдузли тунлар»дан парча	Юксакликка кўтарилиш
Йўлдош Сулаймон	«Одамийлик ўлмасин» шеъри	
Абдулла Орипов	«Адолат» шеъри	
	«Куч адолатда» матни	
Абдулла Орипов	«Ўзбекистон» шеъри	Ватан мадҳи
Абдулла Орипов	«“Муножот”ни тинглаб» шеъри	
Ў.Хошимов	«Икки эшик ораси» асаридан парча	Катта ашула
Э.Нечасев	8 мисра шеър	Ўкиш (илм-фан)
Бедил	Тўртлик	Ўкиш (илм-фан)
Абдулла Орипов	8 мисра шеър	Ватаннинг тинчлиги. Унга жон фидолик

9-синф «Ўзбек тили» дарслигида берилган адабий материалларнинг ахлоқий тарбиядаги аҳамияти қўйидагича: муомала одоби (оз гапириш кераклиги), истеъодод йўлини тұсувчи баҳијлилар, оиласининг юзага келиши, Орол экологияси, беҳуда яшамаслик, юксакликка кўтарилиш, ўқиш (илм-фан), Ватаннинг тинчлиги, унга жон фидолик.

«Ўзбек тили» дарслікларидағи адабий материаллар асосан умумисоний, қисман шарқона ахлоқий фазилатларни тарбиялашда фойдаланилиши мүмкін. Лекин ушбу материалларнинг айримлари мақбул тарзда танланмаган.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, «Ўзбек тили» дарслікларида айрим ахлоқий тушунчаларга эътибор зиёдроқ бўлиб кетган. Масалан, ўқиш, илми бўлиш кераклигини тарғиб қилувчи матнлар кўпига ўхшайди. 3-синфда 7та шеър, 4-синфда 3та шеър, 5-синфда 4та шеър ўқувчиларда ўқишга ҳавас уйғотиш мақсадига эга. Лекин ҳали ўзбек тилида китоб мутолаа қилиш имкониятига эга бўлмаган ўқувчиларни шунга даъват этиш ғалати туюлиши мүмкін. Аслида матнни ўқишига қизиқтириш тўғри бўлади.

ТАҲДИЛЛАРДАН МАЪЛУМ БЎЛАДИКИ, 2-9-СИНФ ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚИБ ўРГАНИШ УЧУН ТАНЛАНГАН АДАБИЙ МАТЕРИАЛЛАР ОРАСИ-

да ахлоқий тарбия учун хизмат қиладиганлари оз бўлиб, уларни алмаштириш, кўпайтириш зарур.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун бадиий асарлар танлашда амал қилиш лозим бўлган принциплардан бири **миллий маънавият тарбиясини назарда тутиши** принципидир.

«Ўзбек тили» дарсларида миллий маънавият тарбиясини амалга ошириш мумкин бўлган адабий матнларнинг мавжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Фан арбоби А. Расуловнинг «Глобал жараёнлар ва маънавият» мақоласида таъкидланишича, «Меҳр-оқибат, меҳр-муруват, меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф сингари эзгу фазилатлардан юксак маънавият пайдо бўлади»¹.

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавиятга қуйидаги таърифлар берилади:

«Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»².

«Менинг назаримда «маънавият» тушунчаси жамият ҳаётидағи гоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади»³.

«Фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шу хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди»⁴.

«Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақт-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»⁵.

Профессор К. Йўлдошев таъкидлаганидек, «Юртимиз мустақилликка эришгач, таълим-тарбия тизимида асл миллий қадри-

¹ Расулов А. Глобал жараёнлар ва маънавият // Маънавий юксалиш иўлида. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 8-бет.

² Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Тошкент: «Маънавият», 2008. – 19-бет.

³ Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Тошкент: «Маънавият», 2008. – 20-бет.

⁴ Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Тошкент: «Маънавият», 2008. – 25-бет.

⁵ Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Тошкент: «Маънавият», 2008. – 116-бет.

ятларга таяниш тобора қарор топиб бормоқда ва кўнгил тарбия-сига, яъни инсон маънавиятини шакллантиришга бирламчи юмуш сифатида ёндашиш устувор бўлиб бормоқда»¹.

Миллий·ғоя Ўзбекистонда яшаётган тили, дини, миллатидан қатъи назар барча фуқароларнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини амалга ошириш билан боғлиқ олижаноб ниятларини, ҳаётий мақсадларини ифода этади. Ҳар ким ўзи учунгина эмас, балки Ватанни ўйлаб яшаши лозим.

Инсон қалбига йўл топишнинг қудратли воситаси – бу адабиёт. Миллий маънавият, миллий ғоя тарбияси нуқтаи назаридан қараганда, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун яратилган «Ўзбек тили» дарслкларидағи бадиий матнлар кўп ҳам талабларга жавоб беравермайди.

Меҳр-оқибат, меҳр-мурувват, меҳр-муҳаббат катта ёшдагиларга муносабат, бир-бирига ҳурматда бўлиш каби фазилатларда на-моён бўлади.

3-синфда Обид Расулнинг «Кузатиш» шеъри катталарга ҳурмат, Йўлдош Суюновнинг «Бувижоним» шеърида меҳрибонлик акс этган.

4-синфда Оллоберган Пўлатовнинг «Ёрдамчи» шеърида катталарга ёрдам ғояси акс этган, Мекембой Омаровнинг «Она» шеъри, Неъмат Тошпўлатнинг она ҳақидаги шеърига онага чексиз ҳурмат ҳисси сингдирилган;

Барор Ироил «Тинчликни куйлаймиз», Йўлдош Сулаймон «Тилагим» шеъри тинчликнинг аҳамиятини тараннум этади.

5-синфда Маҳмуд Муродов «Икки хил ёрдам» ҳикоясида катталарга ёрдам бериш, шу ёрдами билан мақтанмаслик ҳақида.

7-синфда Фарҳод Мусажонов «Яхшилик» шеъри ҳам катталарга ёрдам қилиб, мақтанмаслик ғоясини илгари суради.

9-синфда Абдулла Ориповнинг 8 мисра шеъри Ватаннинг тинчлиги, унга жон фидолик туйгуси билан йўғрилган.

Дарслкларда **ҳалоллик, поклик** фазилатлари акс этган бадиий матнлар деярли учрамайди.

Дарслкларда **адолат, инсоф** сингари эзгу фазилатлар тарбия-сига бағищлагиши мумкин бўлган адабий матнлар ҳам йўқ дара-жада.

4-синфда Ҳамза Имомбердиевнинг «Томоша» шеъри тел-

¹ Қ. Йулдошев. Қ.Хусанбоевнинг «Адабиёт – маънавият ва мустақиба фикр шакллантириш омизи» номли китобига сўнглан «Сўзбочи». – Тошкент: Алишер Навои номидаги Узбекистон Миллий кутубхонаси пашриёти, 2009. – 4-бет

кўрсатув талашиш воқеаси акс этиб, кимнингдир ён босиши кераклиги гояси англашилади.

9-синфда П. Қодиров «Юлдузли тунлар»дан парча истеъод дарёни тўсувчи баҳиллик муаммоси қўтарилиган.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун *миллий маънавият тарбияси назарда тутилган адабий матнлар танлаши ишини қайта амалга ошириш даркор*.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўрганиш учун бадиий асарлар танлашда амал қилиш лозим бўлган принциплардан бири бўлмиш *иљмийлик принципига кўра* замонавий ўзбек адабиётига доир материаллар танлашда адабиётшуносликда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги даврида шаклланган илмий қарашлар назарда тутилмоғи даркор.

Адабиёт ўқитиши деганда, биринчи навбатда бадиий матнлар назарга олинади. Аммо шу билан бир қаторда адабий-тарихий давр шарҳлари, таржимаи ҳоллар, адабий-назарий тушунчалар ҳақидаги маълумотлар, ниҳоят, адабий намуналар англашилиб, шулар асосида адабий тайёргарликни таъминлаш мақсади кўзланади. Бу материалларга методик адабиётларда турлича муносабат мавжуд. Чунончи, методист-олим В.Ш.Мирочник: «адабий материал қай тартибда жойлаштирилмасин, мактабда ҳамма вақт умуман ёзувчининг ижоди эмас, балки айрим асарлари ўрганилади», – деб уқтиради¹. Методист-олим Қ.Йўлдошев ҳам 7-синф адабиёт дастурининг мазмуни ҳақида гапириб, бу дастурдаги «яна бир хусусият шундаки, унда адаб танлаш йўлидан эмас, асар танлаш йўлидан борилган» деб таъкидлайди². Бу фикрларнинг замирида ётган нарса шуки, адабий тайёргарлик адабий таълим воситасидир, асардан завқ олиш, таъсирланиш, асар қаҳрамони руҳиятига ошно бўлиш эса адабий таълим маҳсули, ҳосиласи, мевасидир. Адаб, унинг ижоди ҳақидаги маълумотлар биринчи навбатда маърифий мақсадларни амалга ошириш, қолаверса, ўқувчиларни асарни тушунишга тайёрлаш мақсадини назарда тутади. Бу ўзига хос «кириш машгулотлари»дир.

«Проблемы преподавания русской литературы» китобида бу масалага қўйидагича равшанлик киритилган: «Адабиёт назариясини билиш ўқувчиларнинг бадиий асарни ҳам эстетик воқеа

1 Мирочник В. Ш. Книга для чтения.–Т.: Ўқитувчи, 1977. – с. 5.

2 Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби: Методик қўйланима. – Т.:Ўқитувчи, 1997. – 6-б.

сифатида, ҳам жамият тарихининг муайян факти сифатида англаб етиш, яъни бадиий асарга хос бадиий тимсолнинг икки томонлама табиатидан келиб чиқалиган икки ёқдама моҳиятни тушунишга ёрдам беради»¹.

Онглийлик принципи адабий-тарихий даврга, адабнинг таржима ҳолига, асарда акс этган тимсолларга тушуниб муносабатда бўлишни ифода этади.

Тизимлийк принципи ўзбек тили дарслари таркибида янги ўзбек адабиётини кичик курсга бирлаштира оладиган, янги ўзбек адабиёти ҳақида бир бутун яхлит тасаввур уйготадиган қилиб режалаштиришда ўз ифодасини топади.

Фаоллик принципи XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини ўқувчиларнинг фаол ўзлаштиришларини таъминлайдиган қилиб белгилашда ўз ифодасини топади.

Кўрсатмалийк принципи адиларнинг портретларини беришда; адабий-тарихий давр шарҳида, таржима ҳолда турли диаграммалар, схемалар, жадваллар келтиришда, таълимнинг техника воситаларидан фойдаланишда ўз татбиқини топади.

Мунтазамлийк принципига кўра XX аср ва истиқлол даври ўзбек адабиётига доир ўқув материаллари ўқув йили давомида вақт-вақти билан даврий бериб борилиши, узилишлар, қалаштириб юборишларнинг бўлмаслигига ўз ифодасини топади.

Адабий таълимда узлуксизлик ва узвийлик принципи методик адабиётларда кенг ёритилган.

Изчилик принципи билим беришда адабий тайёргарлик билан боғлиқ тушунчаларнинг аста-секин, лекин узлуксиз бойиб, муракқаблашиб бориш замираидан намоён бўлади.

Пухталик принципи таълим мазмунидан кўра кўпроқ ўқитиш методларига хосдир.

Якка /индивидуал/ ёндашиш принципи ўқув материалини ҳар бир ўқувчининг ўз имкониятлари доирасида, ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб идрок этишларини кўзда тутишда намоён бўлади.

Ривожлантирувчи таълим принципи муҳим принциплардан саналиб, унга кўра таълим мазмунини ёшларнинг таълим босқи чида эгаллайдиган билимларини ҳисобга олган ҳолда шу билимларини бойитадиган қилиб белгилаш кўзда тутилади.

Ўқувчиларнинг рус адабиётидан олган билимларига таяниш принципи ҳам таълим мазмунини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Бунда, бир томондан, адабий-назарий тушунчалар, иккинчи то-

¹ Проблемы преподавания русской литературы. – Л.: Просвещение, 1989. – с. 10.

мондан, адабий жараён кўзда тутилади.

Русийзабон ўқувчиларга ўзбек адабиётини ўргатишда она тилидаги адабиёт дарсларида шаклланган билим, кўникма ва ма-лакаларнинг таянч бўлишини ҳамда айни шу параметрларнинг ривожи ижобий таъсир кўрсатишини назарга олиш зарур.

В.Р.Шербинанинг таърифлашича, «адабиётдаги тимсоллар орқали акс этган ҳаёт материали бойлиги, қаҳрамонлар ва бутун жамиятнинг турмуш тажрибаси билан кишилар онгини шакллантиради. Шунинг учун у бир вақтнинг ўзида ва бир хилда тафаккурга ва ҳис-туйғуга таъсир кўрсатади»¹. Зоро, адабиёт кишининг ижтимоий ҳамда ички моҳияти билан чамбарчас ва бевосита боғлиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, адабиёт дарсларида ўқиши материаллари орқали ҳаёт фактларини қалаштириб ўргатиш эмас, балки, бир томондан, ўзбек халқининг турмуш тарзини тушунишга, иккинчи томондан, ўзбекона адабий тайёргарлигини таъминлашга қаратилади. Ўзбек халқини англаш билан боғлиқ ҳаётий воқеалар дастурий аҳамият касб этмоғи лозим. Асар мазмуни кенг, умумлаштирувчи тавсифга эга бўлиб, адабий умуминсоний муаммолар ечилади, шунинг учун асрлар бўйи яшайди. Мактабда адабиёт ўқитишининг (адабий таълимнинг) вазифалари билан ўзга адабиётни ўқитиш вазифалари ҳеч вақт тенг кела олмайди. Худди шунингдек, ҳаёт сабоқлари масаласида ҳам, адабий таълимнинг бошқа таркибий қисмларида ҳам тенглик бўлиши мумкин эмас. Агар булар тенглаштирилса, таълимда такорийлик юз беради, ўқув фанлараро интеграцияга нутур етади.

Миллий озодлик ҳаракати тарихий романларда акс эттирилган. Шунга кўра ҳам бундай асарлардан парча берилиши айни муддаодир. Ўзбекистон халқлари тарихи дарсларида танишилган айrim воқеалар мавзусида асар танлаш фойдалидир. Чунки бадиий асар тарихий воқеанинг таъсирчан тасвири саналади.

Айrim асарларда диндорлар танқид остига олинади. Бугунги кунда динга муносабат ўзгарган бўлса-да, диндорларнинг камчиликларини очиш диннинг ўзига бўлган муносабатни билдирилмайди. «Умуман, айrim диндорларни, улар табиатидаги баъзи иллатларни фош этиш XX асрга келиб пайдо бўлгани йўқ. Бундай асарлар Навоий ёхуд Машраб, Муқимий ижодидан ҳам топилади. Адабиёт тарихидаги бу ҳодисани даҳрий /атеистик/ прин-

1 Шербина В. Р. Проблема литературного образования в средней школе. – М.: Просвещение, 1982. – с. 4.

цип деб белгилашга ошиқмаслик керак. Булар дин ниқоби остидаги хурофот ва билъат фош этилган, дингорликка даъвогар-у, аслида, қилимишига кўра унга номуносиб ва ноқобил кишилар танқид қилинган асарлардир»¹.

Жадидчилик анъаналари давом эттирилган асарлар ўзликинг англаш, юрт истиқоли тояларини куйлаш, Ватан тақдири, миллат келажаги ҳақида қайфуриш туйғулари билан сугорилган бўлади. Шу нуқтаи назардан адабий таълим мазмунига ана шундай асарлардан намуналар киритилгани мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ўзбек адабиётида образ яратиш билан боғлиқ равишда сўзларнинг қўлланилишида ҳар қандай ўзга адабиётда бўлгани каби миллий ўзига хослик мавжуд. Бундай ўзига хослик санъатда ҳам амал қиласди. Методист-олим В.Г.Беленъкий буни қўйидагича тушунтиради: «Ҳар бир халқнинг миллий сири унинг кийимида ва таомида эмас, балки унинг буюмларни англаш тарзидадир»². Дарҳақиқат, ўзбек мусаввири қўзичоқни бир хил, рус мусаввири уни бошқача тасвирлаши мумкин. Ўзбек халқи қўзичоқ орқали ўзига хос муносабатларини тимсоллайди (фарзандини қўзичоғим деб эркалайди), шу жиҳати билан унга бошқача қарашни ифода этади. Шундай қилиб, адабиёт ва санъатдаги миллийлик ҳақида сўз юритганда, «...муайян миллатга мансуб санъаткорнинг оламни кўриши орқали намоён бўладиган миллий хусусиятлар ҳақида гапириш мумкин»³.

Ўзга халқ адабиёти асарлари билан танишаётган кишида икки хил ҳолат юз беради:

1. Ўзи учун таниш нарсаларни кўриш ниятида бўлади. «Шу таниш нарса билан учрашув юз берганда. қаноатланиш, эстетик завқ ҳисси бошланади»⁴.

2. Кутимаган, нотаниш тимсолларга дуч келади. А.Н.Толстой шундай деб ёзган эди: «Ҳар бир халқ санъатда умумий идеални ифодалаш учун ранг-баранг усулларни қўллайди ва айни шу туфайли биз идеализмнинг янги кутимаган тимсол орқали ифодаланганини кўриб, алоҳида завқ оламиз»⁵.

Биз ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги деганда таълим маз-

1 Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Университетлар ва педагогика институтлари бакалавр ихтисосини олишимлар учун дарслан. Т.: Ўқитувчи, 1999. 35-б.

2 Беленъкий Г. И. Приобщение к искусству слова. –М.: Просвещение, 1990. –190 с.

3 Методика преподавания литературы в средних специальных учебных заведениях. – М.: Высшая школа, 1987. – 9 с.

4 Уша асар. 31 б.

5 Уша асар. 31 б.

мунига адабиётда тимсол яратишдаги миллий ўзига хосликларни ҳам киритишни зарур деб ҳисоблаймизки, бу миллий тафутлар. миллий ўзига хосликларни англаб етиш ўқувчиларнинг эстетик туйғулари билан бадиий дидининг ўсишига имконият яратади, рус мактабидаги ўзбек адабиёти дарсларининг самардорлигини таъминлайди.

Уумман, миллийлик муаммоси миллий объектив воқеликни ва миллатнинг бадиий онгини, бадиий амалиёти ва эстетик тажрибасини, онгидаги миллий ассоциатив боғланишларни ўз ичиға оладиган мураккаб муаммодир. Миллий хусусиятлар ҳар бир миллатнинг шаклланишидаги конкрет тарихий шарт-шароитлар: сиёсий, иқтисодий, тарихий-географик, этник, психологик ва бошқа омиллар билан белгиланади.

«Миллий» деган тушунчага миллий муҳит (табиат, маиший турмуш), миллий тарих, дин, руҳшунослик, миллий анъаналар, маданият ҳамда адабиётнинг тараққий этиш хусусиятлари, оламни бадиий ифодалашнинг мавжуд тажрибаси, миллий маданиятнинг шаклланган амаллари, бадиий ифодалилик воситалари, миллий адабиётнинг тимсолли ва метафорик қурилиши киради. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир ижодкор табиат тасвири яратилган асарларда ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб рамзлар яратади. Маълум миллатга мансуб ижодкорларнинг ўзига хос тафаккур тарзи у яратган асарларда акс этади. Масалан, Шарқ шеъриятидаги қофиялар, ўхшатишлар, метафораларнинг узундан-узун занжири ва бошқалар. Грузинлар шеъриятида тоғлар, дарёлар, бургутлар ва бошқаларга ўхшатиш орқали анъанавий образлар яратиш усулини кўрсатиш мумкин.

Реал воқеликдаги миллийликни бадиий адабиётдаги миллийликдан фарқлаш зарур. Миллий объектив олам миллатнинг замон ва макондаги турмушки сифатида (яъни тарихи, муҳити, маиший турмушки, дини, руҳияти сифатида) ҳамда объектив олами қайта яратувчи бадиий миллий олами сифатида мавжуд. У шартли бўлиб, биринчисига нисбатан иккиласмичидир.

Рус тилида сўзловчи ўқувчилар ўрганиши учун танланадиган бадиий асар ўзбек ҳалқининг маълум даврдаги тарихий-адабий воқеалари фонини акс эттиради. Албатта, бу жиҳат бадиий асарда яққол бўртиб турмайди, ўқувчиларнинг эътиборини унга қаратиш иши методик йўналишда, бадиий матнни ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Бир асар билан ўзбек адабиётидаги миллийликни тўла-тўқис ўрганиб бўлмайди, албатта. Бу хусусиятлар

деталлаштирилади, оз-оздан англатиб борилади.

Олимлар Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаровлар рус ва рус бўлмаган ўқувчиларнинг рус адабиётини ўрганишлари ҳақида сўз юритиб, уларнинг миллий рамзларни англашларида фарқ мавжудлигига эътиборни қаратадилар¹.

Уларнинг фикрича, рус бўлмаган ўқувчиларда рус ҳаёт тарзи, шароит ва муҳит тасвирланган рус адабиёти асарларини тушуниш ва ўрганиш қийинроқ кечади. Т.В.Романович ҳам рус бўлмаган ўқувчиларнинг рус ёзувчиларининг асарларини тушунишлари ўз миллий қадриятлари қирралари орқали амалга ошувини таъкидлаб, «бу нарса маълум қоришувларни тугдириши билан шартланадиган қийинчиликларни келтириб чиқаради», – деган фикрни илгари сурган². Муаллифларнинг уқтиришларича: «бу қийинчиликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун ёзувчи бадиий асарни ёзишда фойдаланган миллий маданият хусусиятларига доир билимлар йигиндиси бўлмиш «минифон»ни яратиш ва шу модель орқали унинг хусусиятларини ўқувчига ўргатиш зарур... «минифон» яратищда сўз билан тушунтиришдан ташқари тасвирий санъат ҳамда мусиқа асарларидан фойдаланиш катта роль ўйнайди»³.

Лекин бадиий асарнинг ўзини ўрганишда кўрув кўрсатмалиликнинг бирор воситасини жалб этиш санъатнинг бир турини идрок этишни бошқа турини идрок этиш билан алмаштиришга олиб келади. Бунда ўқувчилар сўз билан тасвирланган бадиий образни идрок этиб ўтирамай, унинг тасвирий эквивалентига диққатларини қаратадилар. Бу гапларнинг асар танлашга даҳли йўқ, албатта. Аммо асарга доир кўрсатмалилик танлашда бу шарт ҳам ҳисобга олинниши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки. миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда аниқ миллийлик орқали намоён бўладиган умумий байналминал мазмун ҳам мавжуд. Таңланётган асарларнинг бу жиҳати улар мазмунини тушунишни осонлаштиради. Эҳтимол, дастлабки кезларда, айниқса, қўйи синфларда кўпроқ ана шундай муштарақ асарлар ажратилгани маъқулдир.

1 Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Язык и культура /Лингвостроноведение в перспективе изучения русского языка как иностранного/. –М.: Русский язык, 1976. –210 с.

2 Романович Т. В. Особенности изучение произведений русской литературы в киргизской школе: Автореферат дис. ... канд. пед. наук. –М., 1980. –4 с.

3 Романович Т. В. Особенности изучение произведений русской литературы в киргизской школе: Автореферат дис. ... канд. пед. наук. –М., 1980. –8 с.

Хуллас, ўзбек адабиёти асарларини ўрганишда ўзбек бўлмаган китобхон ўз бадиий идроки тажрибасига асосланади. Ўз миллий адабиёти нуқтаи назаридан қарайди. Асар мазмунини тушуниш ана шундай муракқаблашган вазиятларда амалга ошади. Т.В.Романович ҳам бундай ҳолатларга нисбатан «муракқаблашган атама» тушунчасини ишлатади.

Ўзбек адабиёти асарларини осонроқ тушунишни таъминлаш мақсадида рус фольклоридан ҳам фойдаланган маъқул. Икки адабиётта таяниш, ўзбек адабиётидан тушунилмаган нарсаларни рус адабиётидағига ўхшаш ҳодисалар орқали изоҳлаш ё қиёслаш ўқувчиликлар дунёқарашига таъсир этади, уларни ўзбек адабиётини эстетик жиҳатдан англашга яқинлашириди.

Ўқувчиларга ўзга миллий адабиёт асарини идрок этиш сари тегишлича йўл кўрсатиш учун ўзбек ва рус ёзувчиларининг мулоқотлари, адабий алоқаларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишида бадиий асардаги миллийликка, миллий рангларга, шароит тасвирига, фонга («минифон»га) катта эътибор берилади, асар танлашда оз-оздан миллий хусусиятларни ўргатишини моделлантириш кўзда туgilади.

Миллийлик сўз ишлатишда ҳам мавжуд. Адабиёт ўқитиши муносабати билан ўргатиладиган сўзлар минимуми ҳам бўлиши керак. Методист М.А.Зальдинер миллий мактабнинг юқори синф ўқувчилари сўз бойлигини ошириш учун қуйидаги лексик қатламларни тавсия этади:

- инсоннинг ички дунёсини очадиган лексика;
- инсоннинг ижтимоий қуршовига оид лексика;
- хуносалар, умумлашмаларни шакллантирадиган баҳо берувчи лексика¹.

Методист Л.А.Шейман дастурий, бадиий матнлардан фаол луғатга кирувчи лексикани ажратишнинг бош принципини белгилар экан, «луғавий лейтмотив» (словарный лейтмотив) тушунчасини киритади.

Ҳозирги замон бадиий адабиётида лейтмотивлар – бевосита очиқ шаклда айрим тимсоллар ёки тимсолли ифодаларнинг такрорлари кўринишида учрайди. Ёзувчи кўпинча ўзи учун муҳим

1 Практикум по методике преподавания русского языка в национальной школе / Майман Р. Р., Смелкова З. С., Силинеретова А. Б., Ходжибаса Б. А. – Ленинград: ЛГУ, 1987. – С. 41–42.

тимсолни асосий мавзу ривожланишидаги кескин дақыларидагина сұзма-сұз тақрорга мурожаат этиб, маълум даражада ўзгартыриб тасвиrlаб боради.

Методист-олим К. Йұлдошев шундай ёзади: «... мактабда ўрганилиши күзде тутилған асар бадий жиҳатдан юксак бўлиши лозимдир. Яъни бундай асар миллий адабиётда ўзига хос воқеа бўлиб, халқнинг эстетик тафаккури тараққиётига жиддий таъсир кўрсатадиган бўлиши керак. Ўқувчининг диди ана шундай бадиияти баланд асарлар асосида шакллантирилгандағина миллий маънавиятнинг юксаклигига эришиш мумкин бўлади»... «Ўзбек адабиёти дарслари тарбиявий таъсири нуқтаи назаридан ҳам бошқа фанлардан фарқ қилиши керак. Шунинг учун ҳам ўрганишга тавсия этилған асар, шунингдек, маълум бир педагогик мақсадга ҳам йўналтирилган бўлиши лозим. Чунки мактаб адабий таълимни учун бадий асарни ўрганишнинг ўзи асосий мақсад эмас, балки қалби уйғоқ, маънавияти юксак ўқувчи тарбиялаш йўлидаги воситадир. Шу боисдан ҳам мактабда ўрганиладиган ҳар қандай асар муайян даражада тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак»¹.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, адабиётнинг таъсир кучи, маҳсус хусусиятлари қадим-қадимданоқ яхши маълум бўлган. Бу ҳақда, жумладан, Аристотель шундай дейди:

«Аслида асар шундай ёзилиши керакки, у саҳнада қўрилмаганида ҳам, бўлиб ўтадиган воқеани тингловчи ҳар бир киши, худди Эдип ҳақидаги ривоятни тинглагандай. ҳодисаларнинг ўсиб боришидан ғам чекувчига нисбатан ўзиди ҳамдардлик сезсин ва вужуди живирлаб сескансин»².

Одатда, ўзга адабиёт курси учун асар танлашда нотаниш сўз ва тил ҳодисаларининг кўп бўлиши дарслик муаллифларини матнни қисқартиришига, бошқача айтганда, адаптациялашга ундейди. Бадий асарларни адаптациялаш билан педагогик матншунослик шуғулланади. У дарсликларда ва ўкув қўлланмаларида бадий матнларни педагогик жиҳатдан тақдим этиш принцип ва техникасини ишлаб чиқиш устида иш олиб боради.

Русийзабон ўқувчиларни ортиқча психологик босимдан холос қилиш учун асарларни адаптация қилиш йўлидан бориш ҳам яхши натижада беради.

Умуман, бадий асарни қисқартириш, уни адаптациялаш ниҳоятда усталик билан амалга оширилмоғи лозим; педагогик жи-

¹ Йұлдошев К.. Алабиёт ўқитишининг стакчи тамойиллари. //Тия ва адабиёт таълимит. – 1996. 3-сон, 41-б.

² Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақиқи). Т.: Алабиёт ва санъат нацириёти. 1980.28-б.

жатдан, эмоционал-экспрессивлик жиҳатидан аҳамиятли ўринлар мумкин бўлган даражада қисқариб кетмаслиги даркор.

Аристотель ўзининг «Поэтика» асаридаёқ бадий асарнинг муқкималлиги ҳақида галириб, бадий асарнинг «муайян ҳажмга эга бўлган, тугал ва бир бутун воқеанинг тасвири эканлигини» кўрсатади. У ёзади: «Яхлит нарса ибтидоси, ўртаси ва интиҳоси бўлган нарсадир. Ибтидо бошқа нарсанинг кетидан келиши зарур бўлмаган, аксинча, табиат қонунига кўра, орқасидан нимадир келувчи ёхуд содир бўлувчи нарсадир; аксинча, интиҳо зарурият туфайли ёхуд одатга кўра албатта бошқа нарса кетидан келувчи нарсадир; ундан кейин эса ҳеч нарса бўлмайди; ўрта эса ўзи ва бошқа нарсанинг кетидан келувчи ва унинг кетидан ҳам бошқа нарсанинг келишига асосланган»¹.

Бугина эмас, бадий асарни умумий ҳолатда ривоят деб олган Аристотель ўз хуносасида ҳам ниҳоятда эътиборли фикрни айтади:

«Шундай қилиб яхши тузилган ривоятлар дуч келган жойдан бошланиб, яна дуч келган жойда тугамаслиги, балки кўрсатилган қоидалар асосида бўлиши лозим»².

Аристотель «Поэтика»сида адаптация қилиш ҳақидаги энг муҳим қонуният. қисмлар орасидаги мантиқий алоқадорлик бора-сида алоҳида фикрлар баён этилган: «Воқеаларнинг қисмлари, – деб ёзади у. – шундай жойлаштирилиши лозимки, бирон қисм алмаштирилганда ё олиб ташланганда яхлит нарса ўзгариб кетсин, ё ҳаракатга келсин, чунки мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги сезилмаётган нарса бутуннинг узвий қисми бўла олмайди»³.

Танланган асарларни адабий ўқиш курсида қай тарзда гуруҳлаш кераклиги хусусидаги масала ҳам муҳим аҳамиятга эга. В.А.-Никольский гуруҳлашга уч хил йўлдан бориш кераклигини кўрсатади:

- бир жанрдаги асарларни ёнма-ён қўйиш;
- мавзу жиҳатидан бир-бирига яқин асарларни танлаш;
- ниҳоят, асарларни хронологик тартибда жойлаштириш⁴.

Адабий ўқиш дастурини тузиш ҳақида бошқача фикрлар ҳам мавжуд: бундай дастур тузиш санъати салбий типдан кейин ижобийни, феодал ер эгасидан сўнг дехқонни, тубан кишидан кей-

1 Аристотель. Поэтика (Поззия санъати ҳақида). Т.: Адабиёт ва санъат нацириёти. 1980.19-б.

2 Аристотель. Поэтика (Поззия санъати ҳақида). Т.: Адабиёт ва санъат нацириёти. 1980.19-б.

3 Аристотель. Поэтика (Поззия санъати ҳақида). Т.: Адабиёт ва санъат нацириёти. 1980.21-б.

4 Никольский В. А. Методика преподавания литературы в средней школе. М.: Просвещение, 1971. –78 с.

ин қаҳрамонни, повестдан сўнг романни, баллададан кейин поэмани, шеърдан сўнг прозани беришга бориб тақалади.

Асар танлашда шеъриятга ҳам жуда катта эътибор бериш керак. Шеърда шоирнинг шахсий кайфияти, умуминсоний қадриятлар мужассамлашган бўлади. Шунинг учун ҳам шеърдаги оҳанг ёки кайфиятнинг давр билан ҳамоҳанглигига ҳам дикқат қилинади. Баён этилган фикрларни умумлаштириб, асар танлашнинг қўйидаги принципларига дикқатни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- ўрганиш учун танланган асар ўқувчиларнинг танлайдиган касблари билан боғлиқлиги; қизиқишиларига мос келишига эътибор бериш;
- асар мазмуни, унда кўтарилиган муаммолар ўқувчига тушунарли бўлиши;
- таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга асарни танлаш;
- асар қаҳрамонларининг руҳияти ва характеристини ўқувчи тасаввур ҳамда ҳис қила олсин;
- танланадиган асар тил жиҳатидан тушунарли бўлсин ёки ўқувчидан тушуниш билан боғлиқ қўплаб қийинчиликлар туғдирмаслиги. Асар тилининг ҳозирги адабий тил меъёrlарига яқин бўлишига эътибор бериш;
- танланган асар бадиий жиҳатдан юксак бўлмоғи, ўқувчига эстетик таъсир кўрсата оладиган, унинг бадиий дидини тарбиялашга, маънавий юксалтиришга хизмат қиладиган бўлиши;
- мавзу ва жанрлари хилма-хил, услуги ранг-баранг асарларни танлашга эътибор бериш;
- ўқувчи ёшига мос, ҳажми жиҳатидан жуда катта бўлмаган асарларни мўлжаллаш;
- рус адабиёти намуналари билан қиёслаб ўрганиш имконини берувчи асарларни танлаш.

Хулоса ўрнида шуларни айтиш жоизки, адабий таълим мазмунини белгилашнинг методик асосини рус тилида сўзловчи ўқувчиларни ўзбек тилидаги асар мазмунини тўлиқ тушуниб ўқиш ва ундан завқ олишга ҳар тарафлама тайёрлаш, яъни адабий тайёргарлик ташкил этади. Шунга кўра ҳам, ёшларнинг адабий тайёргарлиги учун хизмат қиладиган адабий материал танланмоғи лозим. Бу тайёргарлик замирида лугат ишидан бошлаб шарқона (ўзбекона) миллий қадриятларни тил эгалари қабул қилгандек идрок этишгача бўлган жараён эгалламоғи зарур. Рус адабиёти дарсларида олинган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малака-

ларни кўчиришга эришиш даркор.

Шундай қилиб, XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашда адабий тайёргарликни кўзда тутган ҳолда асар танлаш ишларини амалга ошириш, бунинг учун бугунги кунда жамиятимиз томонидан эътироф этилган бадиий юксак парчалар ажратиш, бунда асарнинг ҳажми, нотаниш сўзларининг миқдори, унда сўз қўлланиши, танланадиган парчанинг мавзу ва жанр ранг-баранглигига эришиш даркор.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АДАБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ

Адабий таълим мазмунини белгилашнинг методик негизини рус тилида сўзловчи ўқувчиларни ўзбек тилидаги асар мазмунини тўлиқ тушуниб ўқишга ва асардан завқ олишга ҳар тарафлама тайёрлаш, яъни адабий тайёргарлик ташкил этади. Бошқача айтганда, ёшлар ўзбек адабиёти намуналарига нисбатан ҳам етук китобхонлик хислатларини эгаллашлари даркор. Аксинча, адабий тайёргарлик учун хизмат қўлмайдиган асарлар асосида адабий таълимни тўлиқ амалга ошириб бўлмайди.

Адабий тайёргарликка нималар киради?

Асар тилини ўрганиш биринчи галда китобхонлик тайёргарлигини ошириш учун хизмат қиласди. Қолаверса, рус методист олими Н.И.Кудряшовнинг фикрича, «биринчидан, у ўрганилаётган асарнинг гоявий-мавзуйий мазмунини англаш учун зарур бўлса, иккинчидан, тилнинг ўзини, унинг лексикасини, грамматикасини, услубиётини яна ҳам кенгроқ ўрганиш учун керак»¹. Л.А.Новиков ўзининг «Художественный текст и его анализ» китобида Л.В.Шчербанинг 1923 йили ёзган бир фикрини келтирди: «Франция университетларида адабий асарни ўрганишнинг тўртдан уч қисми матнни тушунтиришга бағишланган, рус ань-аналарида бу нарса бўлмаган, шу туфайли филология факультетини тамомлаётган талабалар аксарият ҳолларда умуман рус ёзувчиларини, хусусан рус шоирларини ўқиб, тушуниб ва бадиий нуқтаи назардан баҳолай билмаганлар»².

Дарҳақиқат, бадиий асар матни билан ишлаш сўз семантикасини жадал ўзлаштиришнинг мавжуд заҳираларидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Бадиий матнда сўзнинг такрорланув-

¹ Кудряшев Н. И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. – М.: Просвещение, 1981. – 96 с.

² Новиков Л. И. Художественный текст и его анализ. – М.: Русский язык, 1980. – 91 с.

чанлиги юқори бўлмаслиги мумкин, лекин эмоционал-экспрессив бўёққа эга эканлиги ёки қўлланишининг нотабийлиги туфайли диққатни ўзига тортади, шу сабабли пухтароқ эслаб қолинади.

Сўз семантикаси мураккаб масала. Икки тилдаги сўз, олима З.С. Смелкованинг кузатишларига қараганда, «кўпинча абсолют даражада бир хил маънода бўлавермайди»¹. Шу муносабат билан Е.М. Верешчагин «икки томонлама тушунча» (двухстороннее понятие) атамасини таклиф этган. Бу тушунчага қўра: «бир вақтнинг ўзида икки лексема (бири она тилидаги, иккинчиси ўрганилаётган тилдаги) ассоциация қўзотиши мумкин. Лекин уларнинг турғунлиги бир хил эмас: она тили лексикаси эртароқ ёдга келади, шунга қўра ҳам унинг тушунча билан алоқаси барқарорроқ, мустаҳкамроқ бўлади»².

Биз айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ўзбек адабиёти намуналарини адабий тайёргарлик сари йўналтириб, уларни эҳтиёткорлик, алоҳида моҳирлик билан танлаш зарур. Адабий тайёргарликнинг марказида рус тилида сўзловчи ўқувчиларни ўзбекона (шарқона) миллий қадриятларни тил эгалари қабул қилгандай қабул қилишга ўргатиш турмоғи лозим. Чунки айни бадиий асарнинг тимсол яратишдаги миллий қадриятларга асосланадиган ўринларида ёшларда шаклланган эстетик ва этик идеалларнинг янги эстетик ва этик идеаллар билан тўқнашуви содир бўлади.

Айни пайтда бу жараённинг ўқувчилар ёш хусусиятларига чамбарчас боғлиқ эканлигини эсан чиқармаслик лозим.

Йирик методист олим В.Г. Мараницман турли ёшдаги ўқувчиларнинг бадиий асарни қабул қилиш хусусиятларини ўрганиб: «4–6-синфлар учун санъатга нисбатан содда реалистик муносабат хос бўлиб, хатти-ҳаракатлардан характерга, воқеа-ҳодисалардан асар мазмунига томон борадиган йўналишни курсатади. 7–8-синфлар учун эса адабий асарни қабул қилишда болаликдан бошлаб тўпланиб келаётган, англашга уринаётган шахснинг ўз-ўзини кўрсатиши асосий ўрин тутади. Шунинг учун ҳам бу синфларда образлар тизимини таҳдил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. 9–10-синфларда эса ўзининг олам билан алоқалари, шунингдек, оламнинг яхлитлигини англаб етиш босқичи бошланади. Шунга қўра ўқувчилар онгига тарихий, ижтимоий, фалса-

3 Смелкова З. С Слова в художественном тексте. –М.: Педагогика, 1980. –14 с.

4 Смелкова З. С Слова в художественном тексте. –М.: Педагогика, 1980. –14 с

фий, эстетик характердаги сабаб-оқибат алоқалари бош ўрин тутади. Шу боис бу синфларда муаммоли таълим устивор бўлиши керак»¹, – деб кўрсатади.

Рұхшунос Л.С. Виготскийнинг бир фикрини инобатга олмай бўлмайди: «Кўйи синф ўқувчилари воқеликни қандай идрок этсалар, шу тарзда фикрлайдилар; юқори синфлар ўқувчилари эса қандай фикрласалар, воқеликни шундай идрок этадилар»². Асарда тасвириланётган воқеа-ҳодисалар, илгари сурилган гоялар, қўлланган тасвирий воситалар рус тилида сўзловчи ёшларнинг эстетик ва этик жиҳатларига мос келмайдиган ҳолатлар уларда асарга, уни ўқишига нисбатан салбий фикр-муносабат уйғотиши, натижада асарнинг бадиийлиги нотўғри қабул қилиниши, асар завқ уйғотмаслиги мумкин. Ёшларда асар аввал бошданоқ салбий фикр уйғотса, ундан завқ олиш у ёқда турсин, мутолаага бўлган қизиқиш ҳам йўқолади. Аксинча, ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини адабий тайёргарлик орқали тўғри белгилаш натижасида ўқувчиларнинг ижобий муносабатини барқарор ушлаб туришга эришиш мумкин бўлади.

Хуллас, ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги деганда уларнинг бадиий асарларни мустақил равишда тўғри ва тўлиқ тушуниб ўқишилари, тимсол яратишида миллий қадриятлардан фойдаланилган ҳолатларга ўзларида ижобий муносабат пайдо этиб, китоб ўқишидан кўзланадиган мақсадларига эришувлари, бошқача айтганда, ўзбек тилидаги бадиий матнларни ўқиш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари англаради. Билим ва малакаларни шакллантириш устида иш олиб бориш учун эса адабий таълим мақсадига мос тарзда асарлар тўғри танланган ва тўғри тақдим этилган бўлиши керак.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўқувчиларининг умумий адабий тайёргарлиги рус адабиёти дарсларидаги шаклланади. Ўзбек адабиётини ўрганиш жараёнида ёшлардаги бу тайёргарлик билан боғлиқ билимлар, кўникма ва малакаларга таяниш кераклиги одатдаги бир ҳол бўлиб, ўқитиш принципларидан биридир. Бу принцип ҳақида қўйироқда сўз юритамиз.

Аслида, асар мағзини чақиш учун ҳар бир киши маълум даражада адабиётшунос бўлиши керак, яъни адабиётшуносликнинг умумий қонуниятларидан хабардор бўлиш лозим.

1 Маранцман В. Г. Литература: Учебное пособие для 9 класса средней школы. М.: Пропаганда, 1992. 42–44 с.

2 Выготский Л. С. Избранные психологические исследования мышления и речи. Проблемы психологического развития ребенка. М.: Изд. АПН РСФСР, 1956. ~196 с.

Ўзбек адабиётига оид материаллар мазмуни ва характери биринчи навбатда адабиётшунослик фани билан муайянлаширилади. Хусусан, адабий жараёндаги жиадий ҳодисалар адабий танқид назаридан ўтган бўлади. Уларнинг адабиёт назарияси томонидан баҳоланиши ҳам муҳимдир. Бадиий адабиётнинг ниҳоятда кўп қирраларга эга эканлиги яхши маълум.

Шунга кўра ҳам ўзга тилли мактаблардаги ўқувчилар учун ўзбек адабиётидан материал танлашда уларнинг мавзуси, ҳажми, жанри, услубий ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида синфларга бўлиб чиқишида болаларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиш қайси даражада муҳим бўлса, уларнинг адабиётшунослик фани нуқтаи назаридан олган тегишли баҳоси ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

У ёки бу адабий ҳодисани ўргатишнинг мазмуни ва усулини тўғри белгилаш учун ана шу ҳодисанинг адабий-эстетик табиатини билиш шартдир.

Рус тилида сўзловчи ёшларнинг адабий тайёргарлиги билан боғлиқ адабий таълим шу таълим мазмунини белгилаш чоғидаёқ қўзда тутилиши даркор. Акс ҳолда унинг амалга ошиш-ошмаслиги ўқув материалларида тасодифий дуч келинадиган мисоллар тақдиринга, ҳукмига ҳавола этилиб қолади.

Ўзбек адабиёти дарсларидағи адабий тайёргарлик даставвал ўқувчиларнинг етарли сўз ва иборалар бойлигини таъминлашда ўз ифодасини топади. Туб сўзлар, ясама сўзлар, қўшма сўзлар минимал сўз бойлигини ташкил этади. Лекин бадиий асарда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, ички оламини очишига ёрдам берадиган, қиёфасини, характеристини чизиб берадиган, воқеликка муносабатини кўрсатадиган бир қатор сўзлар ишлатиладики, бу сўзлар сўзлашув нутқига нисбатан пассивдир. Масалан, маъюсланиб, хўрсиниб, қўзлари яшнаб, энтиқди, қулимсиради, хитоб қилди ва бошқалар. Демак, муайян лугат иши /пассив сўзлар устидаги ишлар/ таълим мазмунида қўзда тутилмоғи лозим.

Ҳар бир тилдаги сўзларнинг қўлланиш даражасини билиш учун частотали лугатлар зарур. Зоро, «факат ана шундай лугатларгина она тили (иккинчи тил, масалан, хорижий тил) ўқитувчиларига у ёки бу тilda мавжуд бўлган оғзаки ва ёзма нутқдаги сўзларнинг қўлланиш даражаси тўғрисида амалий жиҳатдан етарлича аниқ маълумотларни бера олади»¹. Сўзларни танлашда уларнинг қўлланиш даражасига алоҳида эътибор бериш жаҳон методист-

¹ Киссен И. А. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка. – Т.: Ўқитувчи, 1972. – с. 3.

лари томонидан эътироф қилинган принципидир. Жумладан, рус методистлари ҳам бу принципга таянишади.

Ўзбек адабиёти намуналарида ўқувчилар фаол ўзлаштирадиган сўз ва ибораларнинг тасвирий ва таъсирий ифода сифатида учраши ҳам адабий тайёргарликнинг бир қирраси бўлиб майдонга чиқади.

Бадиий асарда илгари оддий сўзлар сифатида ўзлаштирилган лексик материаллар бадиий сўзга айланиб, ўқиши жараённида унинг эстетик жиҳати алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳам русийзабон ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги мазмунига киради. Сўзнинг шеърий /бадиий/ нутққа хос жарангги ифодали ўқиши жараённида эгалланади ва ўқувчиларга бериладиган қўшимча маълумотларда ўз ифодасини топади.

Бадиий асарларда ўқувчи ижтимоий-иктисодий шароит билан юзага келган тушунчаларга ҳам дуч келиб туради.

Парчаларда баъзан исломий, миллий, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ тушунчалар ишлатилади. Масалан: *Бу бир ҳафта ичидаги кампир «дуонинг зўри билан қулф очадиган» азайимхонга обдастагардон қилдиргани қатнаб ярим қоп жсийда, уч елништовоқ жўхори, икки калава ип элтди, аммо иш чиқмади* (А.Қаҳҳор. «Ўғри»). *Жума оқшоми дуони қабул вақтидир, илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдир.*

Шарқона /ўзбекона/ фикрлаш натижасида оламни ўзига хос, рус тилида сўзловчиларнинг фикрлашига мос келмайдиган идрок этиш кузатилади, шундай ҳолатларда сўз қўллашда, тимсол яратишда миллий қадриятларга мурожаат этиш билан боғлиқ тафовутлар юзага келади. Масалан, «Қўзичофим», «Дўмбоғим» ва ҳоказо.

Адабий асарда сўз ишлатилиши ва тимсол яратиш маҳорати, ўзига хослиги лингводидактик асослардан ташқари, таржима техникасини эгаллашни ҳам тақозо этади. Бу ҳол ўзга тизимдаги тимсол яратишдаги бадиий маҳорат, тимсол тасвирини тўғри идрок этиш малакасини режалаштириш мазмунини белгилаб беради. Ўзбек халқининг атроф-муҳитни ўз кўз қараши билан идрок этиши, бундай қараш нималарда ўз ифодасини топишини аниқлаб олиш адабий тайёргарлик мазмунига дахлдор масаладир. /Масалан, «Қўзичофим» ўзбеклар учун эъзозли туйғулар баҳш этадиган тасвир воситаси бўлса, ўзга миллат вакиллари ҳам буни шундай қабул қилишга ўрганишлари керакки, асарни тўғри тушиш кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқдир/.

Ўзбек халқининг тилига сингиб кетган ибораларни тушуниш (ҳорманг, айланай, ўргилиб кетай ва бошқалар) ўқувчилар учунгина эмас, баъзан таржимонлар учун ҳам маълум даражада қиинчилик туғдиради. М.Холбоев ўзининг «Ўзбек адабиёти Францияда» деган рисоласида бундай иборалар русча таржимада айнан олингани, русчадан французчага ўтирилганда ҳам шундай сақлаганини мисол қилиб келтиради (Ассалому алайкум, опа, ҳорманг, ҳорманг...) ва: «бизнинг урф-одат ва атамаларимиздан тамомила бехабар француз ўқувчиси учун бу иборалар нотаниш бўлиб қолган»¹, – деб таъкидлайди.

Умуман, ўзга тилдаги бадий адабиётни ўқиш, ўрганиш ўзидан таржима муаммосини келтириб чиқаради. Бадий асар таржимаси эса ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унинг руҳий-физиологик, лингводидактик ва бошқа аспектлари мавжуд. Бу борада йирик таржимашунос олим F.Саломовдан бир парча келтирайлик: «Ҳар бир тилда ўша тилнинг соҳиби ҳисобланмиш халқининг ўзи кўироқ машғул бўлган хўжалик, ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда уни ўраб турган табиий мұхит (иқтим, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, тог, чўл, саҳро, сув ва ҳоказо)га алоқадор сўзлар, атамалар, иборалар бошқа тилларда нисбатан кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин»².

Тимсол яратишида ўзбек халқининг ўзига хос қадриятларидан, миллий кийим, зеб-зийнат, уй-рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари, Ўзбекистон табиати ва қазилма бойликларидан, уй-созлик усусларидан тортиб миллий маънавиятга қадар фойдаланиш йўли ҳам русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекона адабий тайёргарлигига маълум роль ўйнайди. Масалан, «Йўлчининг тақачи ошнаси Қоратой оч қорнини bemaza мошхўрдага тўлдириб, тўққиз ёғочли совуқ уйда, танчада, кўзларини хира чироққа тикиб хомуш ўтирас эди (Ойбек). Бу гапдаги «тўққиз ёғочли» бирикмаси иморатнинг катта-кичиклигини кўрсатишдаги миллий бинокорлик тушунчасини ифода этади (уйнинг шифтига тўққиз тўсин ташланган).

«Проблемы преподавания русской литературы» китобида бадий тимсоллардаги миллий хусусиятларнинг бадий идрокка кўрсатадиган таъсири масаласига ҳам тўхтаб ўтилади: «Адабиётни соддадил реалистик идрок этганда рус бўлмаган ўқувчилар адабий асарни миллий ўзига хос феномен сифатида эмас, балки

1 Холбеков М. Ўзбек адабиёти Францияда. – Т.:Фан, 1988. – 35 б.

2 Саломов F. Таржима назариясига кириш. – Т : Үқизувчи, 1978. – 43-б.

реал мавжул объектив борлиқ сифатида қабул қиласылар. Бино-барин, агар асар уларнинг этик ва эстетик тасаввурларига зид келса, ёқмай қолади¹. Масалан, aka ва уканинг, опа ва сингилнинг, опа ва уканинг бир-бирига куда бўлиши рус тилида сўзловчи ёшларнинг қарашларига бутунлай зид келади. Бундай муносабатларни акс эттирган асарларни улар узоқ вақт ҳазм қилолмай юрадилар.

Адабий тайёргарликдан қўзланадиган мақсад етук китобхонни шакллантириш бўлгани учун бу масалани мустақил мутолаа билан боғлаб тушунтириш ўринлидир. Зоро, бўлғуси мутахассислар ўз ихтисосликлари бўйича даврий матбуот материалларини, илмий-оммабоп, бадиий, публицистик адабиётларни ўзбек тилида ўқиб, замон янгиликларини кузатиб бориш, ўрганиш имкониятига, қобилиятига эга бўлишлари лозим. Турмушда баъзан бирор соҳа мутахассислари /масалан, мусавиirlар/ бадиий асарга ўз соҳаларига оид маълумотлар тўплаш маъбай сифатида мурожаат этадилар. Адабий тайёргарликсиз баъзан бу каби амалий вазифаларни кўп ҳолларда ҳал этиб бўлмайди.

Профессор Б.Тўхлиев таъкидлаганидек, «...таълим босқичлари учун яратиладиган дарслик ва қўлланмалар, уларнинг таркибига кирадиган бадиий асарларнинг намуналари ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги ва дидларига мос ва муносиб бўлиши, уларнинг баркамол инсон сифатида шаклланишлари ва камол тошишларида муҳим омил вазифасини адо этиши керак»².

Адабий тайёргарлик мазмуни тўғри белгиланганда ва амалга оширилганда гина ўзбек тилидаги бадиий асарга ижобий муносабат уйготиш ва бу муносабатни барқарор сақлаб туриш мумкин.

Адабий тайёргарликнинг пировард маҳсулни ўқувчиларга ўзбек адабиётини севиш туйғусини сингдиришадир. Бу масала ҳам бевосита адабиёт ўқитиш мазмунини белгилаш билан боғлиқдир. Бир томондан, ўзбекона адабий тайёргарлиги бўлмаган нўноқ ўқувчи наздига кишини ҳаяжонга соладиган, тўлқинлантирадиган, қалб торларини чертадиган ҳис-туйгулар оғушига фарқ этадиган бадиий асар ҳам ҳиссиз хабарга, мақолага айланниб, унинг учун оддий бир матн бўлиб туюлишдан ташқари, иккинчи томондан, ёшларни ўзбек адабиётини севишдан батамом узоқлаштиради. Учинчи томондан, ўзбек адабиётини сева олмаган ўқувчи бади-

1 Проблемы преподование русской литературы. –Л.: Просвещение, 1989, –70 с.

2 Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси: Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юрттарининг педагогика университетлари ва институтларининг филология йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 8-бет.

ий юксак намуналарни ҳам завқ олиб ўқиши истагидан. ўзбек халқини яқиндан англаш имкониятидан йироқ булади.

Иккинчи тилни /айни пайтда унинг адабиётини/ ўқитишдаги яна бир муҳим принцип – бу «мақсадни деталлаштириш принципидир»¹. Бу ўринда адабий материалнинг ҳар бир унсури нима учун керак, нима учун хизмат қиласи, деган масалалар ҳал этилади.

ИНсон маънавиятини, маънавий оламини шакллантириш ҳамма пайт ҳам муҳим бўлган. Бугунги мустақил йозбекистон учун бу масала ниҳоятда долзарб. Ана шу маънавий оламни шакллантириш ўзига хос қонуниятларга таянади. Шубҳасиз, улар орасида битта ҳолат алоҳида аҳамиятга молик. Бу шахс маънавий оламининг унинг хилма-хил ижтимоий алоқа ва муносабатларига алоқадорлиги билан боғлиқлигидир. Инсон ўз алоқаларини кишилик жамиятидан ташқарида тасаввур эта олмайди. Демак, шахснинг маънавий олами жамият маънавий олами билан чамбарчас боғлиқ экан. Гап ўзга тилдаги ўқувчиларга ўзбек адабиётини ўргатиш ҳақида борар экан, биз ана шу восита билан ўзга тилдаги кишиларга ўзбек маънавияти, ўзбек халқининг ўзига хос маънавий оламини тарғиб қилаётганимизни ва ана шу оламнинг энг сара, яхши, таъсирили нуқталарини топиб, айни пайтда ана шу хислатларга нисбатан бошқаларда меҳр-муҳаббат, ҳавас ва интилиш ўйғотишнинг йўлларини таклиф этा�ётганимизни ҳам унумаслигимиз лозим.

Адабий материал адабий-тарихий лавр шарҳи, биографик маълумот, адабий-назарий тушунчалар ёки асарлардан қай бирига устун аҳамият бериш зарур, уларнинг қайси унсурларига эътиборни кўпроқ қаратиш жоиз, деган саволларга жавоб топиш учун мақсадни деталлаштириш принципининг аҳамияти ўзига хосдир.

Ўзбек ёзуви ва шоирларининг ҳаёти ҳамда ижодини билишнинг маърифий аҳамияти бор. Маърифат ва маънавият жамиятиянинг ташкил этилишидаги мудлао ҳам шу. Шунга кўра ҳам ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунида икки йўналиш ажратилгани маъқул деб биламиш:

- 1) Маърифий мақсадларни амалга ошириш;
- 2) Асарларни бадиий-эстетик ўрганиш.

Бошқа хусусий мақсадлар ҳам борки, улар ҳақида ўз ўрнида гапириб ўтамиш.

¹ Карманова Н. А. Основы планирования учебного процесса по иностранному языку в средней школе: Автореф. дис... канд. пед. наук. – 1985. – 6 с.

Адабиётнинг маърифий аҳамияти энг аввало унинг ўзи мансуб бўлган халқ ҳаёти ҳақида яхлит маълумот бера олиш имконияти билан белгиланади. Бадиий асар айни пайтда ҳаёт акси ҳамдир. Унинг «ҳаёт ойнаси» деб аталиши бежиз эмас. Абдулла Қодирий ёки Чўлпон, Ойбек ёки Пиримқул Қодиров асарлари қайси мавзуда бўлишидан қатъий назар ўзбек халқининг ҳаёти, урф-одатлари, яшаш тарзи, дунёқараши, орзу-умидлари ҳақида ҳам тасаввур бера олади. Абдулла Қодирий ҳақида мана бу мулодазаларни кузатайлик: «Абдулла Қодирий образ яратишда одамийлик, юксак маънавият талабидан келиб чиқадиган ақидаларга асосланади. Энг муҳими, ўзбекни ўзбек қилиб кўрсатди. Унинг маънавий ва маданий қиёфасини бир лаҳза ҳам унутмади. Адабиёт сабок манбаи эканлигини назарда тутди»¹.

Бу фикрни Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Абдулла Каҳҳор,Faфур Ғулом ва бошқа ижодкорлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Ўзбек адаблари билан танишишнинг икки йўли бор:

- 1) адабий-тарихий давр шарҳлари орқали;
- 2) таржимаи ҳоллар орқали.

Давр шарҳи бир даврда яшаб ижод қилган адаблар ҳақида умумлашган ҳолда маълумот беришнинг ўзига хос омилидир. Бунинг учун аввал адабларнинг ҳаёти ва ижоди билан айрим-айрим танишиб чиқиш тақозо этилади.

Айрим методист-олимлар аввал ўқувчиларда ёзувчи ёки шоирни билишга қизиқиш уйғотиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Қизиқиши асар орқали пайдо этиш тавсия қилинади².

Лекин ҳаётда ёшлар бирор макон ёки манзил номи билан аталган ёзувчи ёки шоир ҳақида эшитиб, унинг ким ва қандай адаб эканлиги билан танишиш истаги /билиш истаги/ пайдо бўлади.

Шундай қилиб, XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашда қатор мақсадлар кўзланиб, булардан ҳам маърифий, ҳам таълимий, ҳам тарбиявий, ҳам эстетик самараага эришиш кутилади.

Маълум асарларда нималар дейилганидан ташқари, бу билан нима дейилмоқчи эканини англаш мумкин бўлган гаплар ҳам бўлиши керак. Буни билиш адабий тайёргарликнинг юқори дарражасини ифода

1 Қушжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги Қодирийга армутон – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳаёт мероси нацириёти, 1994. – 115 б.

2 Мирошин В. Ш. Книга для чтения. – Т.: Ўқитуичи, 1977. – 112 с.; Йулдошев Қ., Мадаев О., Абдураззоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитуичи, 1994. – 92 б.

этади. Бадий асарни ўқишининг айни шу даражасида ундан завқла- ниш содир бўлади. Зоро, методист-олим Н.И.Кудряшов таъкидлага- нике: «Курснинг энг муҳим вазифаси ўқувчиларнинг бадий идро- кини тараққий эттиришдир. Бадий идрок ўстган сайин уларда асар- ни мустақил таҳлил қилиш малакаси ҳам ривожланиб боради»¹.

Адабий тайёргарликни ўзбекона бадий тасвир, тимсол яра-тиш хусусиятлари билан чеклаш мумкин эди. Лекин ўқувчилар- нинг адабий тайёргарлигига бирмунча кенгроқ қараш ҳам мум- кин. Чунончи:

1) асар мазмунини тўғри тушуниш ва тўғри тарбиявий хуло- салар чиқаришни таъминлайдиган ҳозирлик;

2) ўзбек адабиётининг ривожланиши тарихини ўрганиш;

3) асадан тарих, маданият, санъат, миллый маънавият билан боғлиқ ахборотларни ажратса билиш малака ва кўникмалари.

Замонавий адабиётни ўқитиш мазмунини белгилашда умум- педагогик принципларга амал қилишнинг аҳамияти катта.

Тарбияловчи таълим принципи шунда кўринадики, ҳар бир ўқув материали маълум маънода комил инсонни тарбиялаш учун хизмат қилиши керак. Адабий-тарихий давр шарҳи ҳам, адаб- нинг таржимаи ҳоли ҳам, асар ёки ундан олинган парча ҳам ана шу мақсадга эришувни таъминлаши лозим.

Асарларда акс этган ҳаётий билимлар, ахборотлар, ҳаёт са- боқлари, ижтимоий муносабатлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Комил инсон тарбияси узлуксиз адабий тайёргарлик мазму- нида ҳисобга олинадиган масала сифатида ажратилади, лекин у бевосита адабий ҳозирлик мазмунига кирмайди. Зоро, асар тан- лашда унинг мазмуни орқали ўқувчиларда муайян ахлоқий фа- зилатларни шакллантириш, уларни тарбиялаш кўзда тутилади. Ёзувчи /шоир/ асада ўз позициясини ижобий ёки салбий муно- сабат ташувчиси бўлмиш тасвирий воситалар ёрдамида билди- риб туради, китобхонни ўзига эргаштиради, қаҳрамоннинг фала- басидан қувонтиради ва ҳоказо. Лекин яқуний тарбиявий хуло- сани ўқувчининг ўзи чиқаради. Масалан, Мирзакаримбойга ўшлар тадбиркорлик нуқтаи назаридан бир хил, маънавий-маърифий жиҳатдан бошқача муносабат намоён этадилар.

Рус адабиёти дарсларида ўқувчилар асадан ёзувчининг ово- зини эшитиб, ҳис этиб туриш, шоирнинг ички кечинмаларини пайқашга доир маълум адабий тайёргарлик кўрадилар. Ана шу

¹ Кудряшев Н. И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. – М.: Просвеще- ние, 1981. – С. 27–28.

тайёргарлик орқали эришилган малакаларни ўзбек адабиётини, ўзбек тилидаги бадиий асарларни ўрганиш жараёнинга қучириш, яъни таҳлил қилиш, ўрганиш ишларини ўзбек тилидаги асарлар мисолида давом эттириш учун ҳам баъзан ўхшаш асарларга мурожаат этиш ўзини ҳам педагогик, ҳам методик жиҳатдан оқлади.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5-синф «Литература» дарслигининг 1-қисмидаги «Краткий словарь литературоведческих терминов» берилган¹. Бунда аллегориядан эпитеттагача атамалар изоҳланган. Айрим адабий-назарий тушунчалар 6–9-синфлар дарсликларида ҳам тушунтирилган. Масалан, аллитерация ҳақида 6-синф «Литература» дарслигидан маълумот жой олган².

9-синф «Литература» дарслигига адабий даврлар қўйидагида кўрсатилади: возрождение, классицизм, сентиментализм, романтизм, ниҳоят, XVIII аср охири XIX аср бошида реализм. Реализмнинг пайдо бўлиши тўғрисида шундай дейилган: «Реализм адабиётда воқеликни соғлом баҳолашга интилиш сифатида юзага келди»³.

XX аср ўзбек адабиётида аср бошидаги миллый уйғониш даври ва бу даврдаги жадид адабиёти ҳамда 90-йиллардаги абсурд адабиётни мустасно этганда реализм ўзбек ва рус адабиётидаги бир хил адабий жараён бўлди.

Тарихий воқелар асосида даврлаштириш масаласига келганда, 11-синф «Русская литература XX века» (очерк, портрет, эссе) ўқув қўлланмасида (2 қисми) ҳам шундай йўл тутилган⁴. Лекин V–IX синфлар дарсликларида XX аср рус адабиёти адабий-тариҳий даврларга бўлинмаган.

Умуман олганда. «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» китобида XX асрда бўлиб ўтган тарихий воқеалар сирасидан қўйидагилар алоҳида ажратилади: «Мустамлака истиблодига қарши халқдаги нафрат, биринчи жаҳон уруши, миллый озодлик ҳаракатлари. 1916 йилги халқ галаёнлари. 1917 йилги февраль инқилоби, октябрь тўнталиши, большевикларнинг ҳокимият тепасига кели-

1 Литература: Учебная хрестоматия для 5 класса средней школы. / Составитель Т. Ф. Курдюмова. – М.: Просвещение, 1992. – с. 219–221.

2 Литература: Учебная хрестоматия для 6 класса средней школы/. Автор – составитель В. П. Полухина. – М.: Просвещение, 1992. – 250 с.

3 Маранцман В. Г. Литература: Учебное пособие для 9 класса средней школы. – М.: Просвещение, 1992. – 144 с.

4 Русская литература XX века. Очерки, портреты, эссе. Учебное пособие для учащихся 11 класса средней школы. В двух частях: Часть 1. 2-е изд. М.: Просвещение, 1994.

ши, ўлқадаги фуқаролар уруши, шўро ҳокимиятининг кўплаб тадбирлари – ер-сув ислоҳоти, коллективлаштириш, мамлакатни саноатлаштириш, «маданий инқилоб», гоявий-сиёсий кураш васвасаси, 30-йиллардаги мислсиз қирғинлар, иккинчи жаҳон уруши, фашизм устидан қозонилган галаба, яна гоявий-мафқуравий, сиёсий кураш жазаваси, бу курашнинг адабиётдаги кўплаб қурбонлари, ниҳоят, маънавий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар, шахсга сифиниш ва унинг оқибатларини тутатиш ўйлидаги ури-нишлар, 70-80-йиллардаги «тургунлик даври» иллатлари, ўлқадаги маънавий-сиёсий, иқтисодий, экологик танглик, «ўзбек иши» фожиалари, 80-йиллар ўрталаридан бошланган ошкоралик ва демократия ҳаракатлари, совет жамияти, коммунистик мафкура инқизорзи, 90-йиллар бошларига келиб совет иттифоқи ва социалистик тузумнинг емирилиши, СССРнинг таркибидағи республикалар, жумладан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви – янги ўзбек адабиётининг ривожи XX асрнинг шу каби ҳодисалари ичидаги кечди»¹.

Ўқорида санаб ўтилган тарихий воқеалар таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи» дарсларида ўрганилади.

«Ҳар бир давр муайян тарихий қонуният маҳсули бўлиб, унда шу даврнинг асосий масалалари, тараққиёт йўллари, хусусиятлари ўз ифодасини топади. Адабий ҳаётдаги ўзига хослик ҳам шундан келиб чиқади. Чунки адабий жараённинг ўзига хос ички қонунияти мавжуд бўлиб, унинг тараққиёти муайян тарихий давр билан ҳар доим мутаносиб келавермайди. Адабий жараён тарихий даврларнинг шунчаки, тўғридан-тўғри инъикоси эмас. Шунинг учун адабиёт тарихини ўн йилликларга бўлиб ўрганиш мантиқий асоссиздир»². Шунинг учун ҳам шу китобда 1917–1929 йиллар орасидаги адабий жараённи алоҳида даврга ажратиш шартли деб қўрсатилади.

Ўқувчилар рус адабиётидан эгаллайдиган билим ва малакалардан ўзбек адабиётини ўрганишда фойдаланиш, уларни ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишга нисбатан кўчириш, ўқитиш мазмунида айrim маълумотларни ихчамлаштириш, ўқув фанлариаро интеграциялашни амалга ошириш тарзida ҳисобга олиш

1 Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Университетлар ва педагогика институтлари бакалавр иxtисосини олувишлар учун дарсларик. Т.: Ўқитувчи. 1999. 4–5- б.

2 Каттабеков А., Мамажонов С. ва бошқалар. Ўзбек адабиёти тарихи: /Университетлар ва педагогика институтларининг физиология факултетлари учун дарсларик/.: Ўқитувчи. 1990.12-б.

лозим. Бунда рус адабиёти. Ўзбекистон халқлари тарихи ва жаҳон тарихи дарсларида ўрганилган адабий-назарий ҳамда айрим тарихий тушунчаларни ўзбек тили дарсларида такрор ўрганмаслик принципи жорий этилиши мумкин.

Г.И.Беленъкийнинг фикрича: «адабиётни ўрганишда жанрлар, бадиий асарнинг тузилиши, бадиий, хусусан, шеърий нутқ, хусусиятларини билиш муҳим роль ўйнайди, булар, шулар билан боғлиқ малакалар асар мазмунига кириб бориш ва бадиий адабиётнинг тимсоллари жиҳатидан ўзига хослигини англаб етишга ёрдам беради»¹.

Адабий тайёргарлик замирида адабий-тарихий даврлар тарихини ўрганиш орқали русийзабон ўқувчиларни XX аср ва истиқлол даври ўзбек адабиётининг ривожланиш босқичлари, адабий оқимлар ва адабий жараён, мамлакатнинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан таништириш орқали асар мазмунини тўлиқ ва тўғри тушунишга ўргатиш ётади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарслари таркибида XX аср ўзбек адабиётини ўқитиши мазмунини белгилашда таълим мақсадини аниқлаб олиш принципи муҳим роль ўйнайди. Шунга кўра ҳам XX аср ўзбек адабиётини ўрганишдан, бир томондан, маърифий мақсадлар, иккинчи томондан, маҳсус ўзбекона адабий тайёргарлик кўзда тутилади. Таълим мазмунини белгилашда умумидидактик, хусусий методик принципларга таянилади. Бу принциплар орасида ўқувчиларнинг рус адабиёти дарсларида олган билимларига таяниш принципи етакчи ўрин эгаллайди. XX аср ўзбек адабиёти даврлари ҳақида русийзабон ўқувчилар рус адабиёти. Ўзбекистон халқлари тарихи дарсларида маълум билимларни ўзлаштирадилар. Шу боис ўзбек тили дарсларида давр шарҳларига маҳсус тўхтатмай, уларга доир маълумотларни ёзувчининг таржимаи ҳоли, асарнинг яратилиши билан боғлаб ўтиш маъкул топилди.

¹ Беленъкий Г. И. Теория литературы в средней школе. – М.: Просвещение, 1976. – 222 с.

2-БОБ
АДИБНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ, АДАБИЙ-
ТАРИХИЙ ДАВР ШАРҲИГА ДОИР
МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ

**АДИБ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ
ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР МАЗМУНИ**

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда адибнинг таржимаи ҳолини ва ижодий фаолиятини ўрганиш, катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўзбек адибларини, олимларию маданият ва санъат арбобларини, алломаларию атоқли кишиларини билишлари ва уларга нисбатан ҳурмат ҳамда эҳтиром намоён этишлари, бунинг учун ўзларила уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўқиб ўрганишга интилиш ҳис қилишлари даркор.

Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаронинг шу юртнинг атоқли кишилари түғрисида маълум даражада ҳабардор бўлишлари маданиятилик хислатларини яна ҳам оширади. Шаҳар ва вилоятларнинг туманлари, қўчалари, ташкилот ва муассасаларига бирор адибнинг олимнинг, аллома ёки атоқли кишилардан бирининг номи қўйилган. Унинг ким бўлганлиги, хизматларини билишга бўлган интилиш автобиографик маълумотларга мурожаат этишга ундайди. Зеро, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодира, Увайсий. Маҳзуна ва бошқа мумтоз шоир ва шоиралар. А.Қодирий, Чўлпон, А.Фитрат,Faфур Гулом, Ойбек, Зулфия ва бошқа замонавий шоир ҳамда ёзувчилар, қурдатли қалам соҳибларини билиш, уларни чуқур ва чексиз ҳурмат ҳисси билан тилга олиш уларнинг таржимаи ҳоллари ҳамда ижодий фаолиятини ўрганишдан бошланади. Ўзбек адибларини машҳур рус адиблари қаторида қўра олиш, уларни баравар қадрлай билиш русийзабон ўқувчиларда шакллантириш лозим бўлган қимматли инсоний фазилатлардан биридир. Рус оиласидаги китоб жавонини безаб турган ва оиласидеги деярли барча аъзолари томонидан севиб ўқиладиган рус тилига ўгирилган асарлар /Умар Ҳайём, А.Навоий, Бобур, Увайсий ва бошқа адибларнинг шеърияти/ ана шу эъзоздан, қадрлашдан далолат беради.

Ёзувчи ва шоирларнинг асарларида ҳар бир тарихий давр руҳи, халқимизнинг турмуш тарзи, шу даврга хос ижтимоий муносабатларни излаб оларни оиди.

батлар маънавий бойликлар сифатида кўпроқ адиб орқали китобхонлар қалбига етиб боради, у ерда нухта ўрнашиб, муҳрланиб қолади, тарбиявий таъсир кўрсатиб туради. Равшанки, биографик маълумотлар ўз мазмуни билан ёшларни миллий маънавиятимизни англаш, ҳис этиш руҳида тарбиялашда ўзига хос ўрин тутади.

Айрим ҳолларда яқин ўтмишга айланган даврлар руҳини, халқимизнинг шу даврлар мобайнидаги орзу-ўйларини, миллий маънавиятини, урф-одатларини, адибнинг эгаллаган позициясини англамай, билмай туриб, бадиий асарлар мазмунини тўғри ва тўлиқ тушуниб олиш қийин. Ўқувчининг қалбига йўл топа олмаган адабий маълумот асарни ўқишга, адибни билиш ва тушунишга ҳавас, қизиқиш уйғота олмайди.

Маърифий ва маънавий озуқа беришга даъват этилган таржимаи ҳол қандай мазмунда бўлиши кераклигини ҳал этиш, белгилаб олиш ўта масъулиятли муаммодир. Бунинг зарурлигини «Ўзбек тили» дарслкларидағи қуруқ фактларни қалаштириш мазмунидаги биографик маълумотларнинг ҳиссиз қабул қилиниб келингланлигидан ҳам билиш мумкин.

Адабиёт ўқитиши методикасида таржимаи ҳолларни ўрганиш хусусида А.Зуннунов, Р.Усмонов, Е.Д.Приступа, В.Т.Маранцман ва бошқа методист-олимлар сўз юритганлар, биографик маълумотлар мазмуни қандай бўлиши кераклиги ҳақида баъзан йўл-йўлакай, баъзан маҳсус тўхталиб ўтганлар.

Методик адабиётларда биографик маълумотлар ҳақида баён этилган тавсияларни умумлаштирар эканмиз, таржимаи ҳол мазмунни қуйидаги унсурлардан иборат бўлиши кераклиги таъкидланганини кўрамиз:

- 1) адибнинг болалик чоғлари ва ўсиб улгайиши;
- 2) санъаткорнинг ижодий йўли;
- 3) ёзувчи/шоир/нинг ижодий фаолияти ва бадиий маҳорати; асарларидан парчалар /эстетик мақсадлар/;
- 4) дастурий асарнинг яратилиш тарихи;
- 5) адибнинг жамиятда тутган мавқеи, хизматлари;
- 6) ёзувчи (шоир) ҳақида унинг замондошлари.

Таржима ҳолни ташкил этувчи қисмларнинг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиши нуқтаи назаридан аҳамияти қай даражада эканлигига алоҳида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. Адібнинг болалик чөглари ва ўсіб үлгайиши

Таржимаи ҳолнинг энг хилма-хил мазмун ва ҳажмга эга бўлган қисми ёзувчи ёки шоирнинг ўшлиги ҳақидаги маълумотлардир. Бу ерда нималар акс этиши кераклиги тўғрисида методик адабиётларда турлича тавсиялар берилади. Бу тавсияларни умумлаштирар эканмиз, биографик маълумотда санъаткорнинг ўсіб үлгайиши, камол топиши, комил инсон бўлиб этишуви, ички дунёси, руҳий олами, бу оламнинг бойлиги ҳақида ҳикоя қилиниши лозим деган холосаларни ажратиш мумкин.

Биз ўзбек мактабларида шундай маълумотлар берилиши кераклигига шубҳа қилмаймиз. Лекин таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчилари учун ҳали нотаниш адібнинг ҳаёт тарзи, маънавий олами бирданнага тўлиқ ибрат бера олмайди. Зоро, аввал ёшлар ўзбек ёзувчиси/шоири/нинг нима учун қадрланишини, хизматларини билиб, унга нисбатан чексиз хурмат туйгусини қалбларига жо этишлари даркор.

Аслида ҳам мактаб дарслекларида бу масала юқоридаги талаб дарражасида ҳал этилмай келди. Айрим таржимаи ҳолларда адібнинг болалиги 3-4 гап билан айтиб ўтилди. Бунда унинг қайси мактабда қандай ўқигани, нималарга кўпроқ қизиққани, неча ёшдан шеър ёза бошлагани маълум қилинади. Масалан, Комил Яшиннинг таржимаи ҳолида қўйидагиларни ўқиш мумкин:

«Отаси Нўймон Жумабоев ўз ўғли Комилжонни 6 ёшида Андижондаги эски мактабларнинг бирига беради. Ҳаракатчан ва зийрак бола оғир қийинчиликларга қарамай, тезда ўқиш ва ёзиши ўрганиб олади»¹.

Методик адабиётларда адаб ҳаётидаги муҳим воқеалар /кўпинча бир-икки воқеа/ аксарият ҳолларда унинг шахси қандай камол топаётганини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш мақсадини кўзда тутади деб таъкидланади². Бундан билиш мумкинки, таржимаи ҳолдаги бу маълумотлар /ҳикоялар/ тарбиявий аҳамиятга эга. Бундай воқеалар ёзувчи маънавиятининг шаклланиш йўлини, босқичларини, ундаги маънавият қай гарзда таркиб топганини кўрсатиш билан бирга ўқувчиларни бундан тегишли холосалар чиқаришга даъват этиши билан қимматлидир.

Биографик маълумотлар, айрим методист-олимларнинг таъ-

¹ Кагтабеков А. Рахмонов В. Ўзбек адабиёти. 8-сinf учун дарслек-мажмуа. Т.: Ўқитувчи, 1993.

² Зуннунов А. Ўзбек мактабларида адабиёт ўқитини меодикаси тарихидан очерктар. Т.: Ўқитувчи, 1980. – 191 б.

кидлашларига кўра, адабнинг шахси, ички дунёси ва руҳий олами, маънавий эътиқоди ва изланишларини қамраб олиши керак¹. Бизнингча, маънавий эътиқод ва изланишлар ҳақидаги гапларни санъаткорнинг ёшлиқ йиллари ва ўсиб улгайиши битила-диган қисмда эмас, унинг ижод йўли ёритиладиган жойда бе-рилгани маъқул.

Ўзбек мактабларининг «Адабиёт», «Ўзбек адабиёти» дарслик-лари билан танишиш шуни қўрсатдики, адабнинг болалиги, ўсиб улгайиш даври жуда қисқа ёритилади ва бундан унинг ички оламини, руҳиятини билиб олиш қийин бўлади.

Адабнинг болалигига ёки мактабда ўқиган пайтида юз берган хурсандчилик қунлари ёки нохушликлар унинг тақдирини маълум даражада ўзгартириб юборган бўлса, “бу воқеадан ҳам сабоқ олиш мумкин. Баъзи воқеалар адабнинг ёшлиқдаги тақдирига хайриҳоҳлик уйготади, холос. Масалан, Пирим Қодирнинг таржимаи ҳолидан қўйидаги ўринни кўрсатиш жоиз:

«Мактабда мен аълочилар қаторида юрардим. Бир йилда икки синфни битириб, учинчига қўчирилган эдим. Олтинчи синфда мени Тошкентга саёҳат қилиш йўлланмаси билан мукофотлашди. Лекин маълум жойлар «отаси бой бўлган» деб, мукофотни бекор қилишибди. Шунда Даминов деган жўғрофия ўқитувчимиз: «Ахир, отаси ҳозир колхозчи-ку!» – деб куюниб юргани, лекин унинг сўзи ўтмагани, мени саёҳатдан маҳрум қилишгани ҳеч эсимдан чиқмайди»².

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабларининг таржимаи ҳолидан асосан маърифий мақсадлар кўзланади. Рус тилида сўзловчи ўқувчилар санъаткорнинг буюклиги, эл-юрт олдидаги хизматлари билан танишишлари, уларга нисбатан эъзозлаш ҳисси пайдо бўлгандан кейингина ҳаёт сабоқларидан хабар топиб, ўзлари учун хulosалар чиқаришлари ўринли бўлади. Шунга кўра ҳам, дастлабки биографик маълумотда адабнинг болалиги ҳақида 3-4 гап билан маълумот бериб ўтиш ёки таржимаи ҳолни тўғридан-тўғри ижод йўли баёнидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

¹ Мараницман В. Г. Биография писателя в системе эстетического воспитания школьников. – М.: Просвещение, 1965. – 75 с.

² Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 295 6.

2. Санъаткорнинг ижодий йўли

Адибнинг ижодий камолот сари босиб ўтган йўли, ижодий фаолияти биографик маълумотда ўзига хос ўрин тутиб, унинг шахси, ички дунёси, руҳий олами, қарашлари, маънавий эътиқоди қай тарзда шаклланганидан тортиб бадиий маҳоратини эгаллашигача бўлган ҳаёт йўли ўз аксини тўлиқроқ топади. Ўқувчи сўз устасининг кимлигини, орзу-ўйларини, интилишларини таржимаи ҳолнинг шу қисмидан кўпроқ билиб олади. Демак, бу ерда бериладиган маълумотларнинг русийзабон ёшлар учун маърифий аҳамияти катта.

Шу қисм орқали тарихий давр билан танишиш ҳам юз беради.

Р.Усмоновнинг фикрича, таржимаи ҳолда санъаткорнинг ижодий такомилига таъсир этган воқеа ва ҳодисалар баёни ҳам акс этиши керак. Масалан:

«Тўрт йил давомида Истамбул дорилғунунида таҳсил олган Фитрат тақдира ида Туркия ҳаёти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу йиллар бўлажак мутафаккир, давлат арбоби, ватанпарвар ҳамда миллатпарвар олим, ёзувчи Фитратнинг сиёсий ва давлатчилик қарашларида, дунёқараши, санъаткорлик маҳорати шаклланишида йўналтирувчи аҳамият касб этди»¹.

Методист-олим К.Йўлдошев 7-синф дарслик-мажмуасида² адилларнинг таржимаи ҳолларини ёритишда ҳам қарор топган қолипларга риоя этилмагани, балки болаларнинг тафаккурига, ҳиссиётига таъсир этиш, уларни лоқайдлидан чиқаришга ва ёзувчилар ҳаётининг бурилиш нуқталарига эътибор қаратилганини эслатади.

3. Ёзувчи/шоир/нинг ижодий фаолияти ва бадиий маҳорати; асарларидан парчалар /эстетик мақсадлар/

Р.Усмонов, Е.Д.Приступа, В.Г.Маранцман ва бошқа методист-олимлар ўқувчи таржимаи ҳол орқали сўз устасининг босиб ўтган ҳаёт йўлини ўрганиш баробарида унинг бадиий маҳорати, бу маҳоратнинг ўзига хослиги, бадиий кашфиётларини билиб олиши керак деган фикрни илгари сурадилар.

Ўрни келганда яна бир муаммога эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек тили дарсларида ёзувчиларнинг таржимаи

¹ Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. II-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 350 б.

² Йўлдошев К. Ўқитувчи китоби: Методик қулланма. Т.:Ўқитувчи, 1997. 11–12- б.

ҳоли, ижодини қандай изчилликда ўрганиш кераклиги муҳим масалалардан биридир.

«Ёзувчининг ижоди ва бадиий маҳорати ҳақидаги баёнга асарлари юзасидан бериладиган шарҳлар қўшиб ёритилгани маъқул. Бундан икки хил мақсад кўзда тутилади: биринчиси, адибнинг бадиий маҳоратини ишонарли этиб тушунтириш бўлса, иккинчиси, ёзувчининг дастурга кирмаган энг муҳим асарлари тўгрисида умумий тасаввур ҳосил қилишидир»¹.

«Адабиёт ўқитиш методикаси»² қўлланмасида юқори синфларда ёзувчи услугини ўрганишга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги уқтирилган. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитиш борасида ҳам шунга интилиш бўлиши керак деб ўйлаймиз. «Услуб ёзувчининг ижодига сингиб кетган бўлади. Уни ижодининг руҳи, ҳар бир асардан анқиб турадиган хушбўй ҳид дейиш мумкин. Ёзувчининг ҳаётга муносабатидаги, характер яратишдаги, тасвирий воситаларидағи, фикрлаш йўси-нидаги, ҳатто биографияси ва шахсиятидаги ўзига ҳосликлар ҳам-маси бирикиб, унинг услугини вужудга келтиради. Бироқ услуг мана шундай мураккаб ҳодиса бўлса ҳам, ижоднинг бир соҳаси борки, унда услуг биринчи қарашдаёқ кўзга ярқ этиб ташланиб туради. Бу ёзувчининг тили. Тилда ёзувчининг маҳорати ҳам, эстетик принциплари ҳам, ҳаёт рангларини пайқай олиши ҳам, нозик фарқларни ҳис этиш қобилияти ҳам аниқ кўринади»³.

А.Қаҳҳор услуги асарларининг ўзига хос тили орқали намоён бўлади. Ёзувчи ишлатган сўзлар, у яратган жумлалар тилимизнинг бойлигини акс эттиради, миллий хусусиятларимизни камалак нурлари каби товлантиради.

Н.И.Кудряшов щуни алоҳида таъкидлайдики, «Юқори синфларда монографик мавзулар ўз қобиғида ўралиб қолмаслиги зарур. Ўқувчилар бу мавзулардан бадиий тафаккурнинг ривожланишидаги ички боғланишларни, узвийлик ва узлуксизликни кўра олишлари даркор. Маълум даврларда у ёки бу бадиий ихтиро бошқа ёзувчилар томонидан илғаб олинади ва ривожлантирилади. Бунда адабий анъаналарнинг янгича тараққий эттирилиши кузатилади»⁴.

Ёзувчи ёки шоир маълум жанрга асос солади ёки бирор жанрни ривожлантиради, янгича йўналиш, оқим ихтиро қиласи ёки

1 Приступа Е. Д. Особенности изучение монографических тем в старших классах в национальной школе. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –М., 1985. –21 с

2 Йузодигес К., Майдас О., Абдураззоқов, А. Адабист ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи. 1994. –92 б.

3 Шарафуддинов О. Биринчи мұжиза. –Т.: Адабист ва санъат нашриети. 1979. –292–293- б.

4 Кудряшев Н. И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. – М.: Просвещение, 1981. –31 с.

кўпинча мутлақо янги бадиий образларни ёхуд янгича услубни яратади. Таржимаи ҳолда бу масала ҳам тилга олингани мақсадга мувофиқдир.

Е.Д.Приступа шунга ҳам эътиборни қаратадики, «Таржимаи ҳолда иккала /бу ўринда ўзбек ва рус/ адабиётда ўхшаш, болаларга тушунарли ҳодисаларни кузатиш, ёзувчининг асарларига эмоционал муносабат ва мустақил ўрганиш учун ўқув-билув ҳавасини шакллантириш масалалари ҳам кўзда тутилмоги лозим»¹.

Умуман, таржимаи ҳолни ўрганиш жараёнида ёзувчининг маънавий оламига, ижодий равнақига /маҳоратига/ алоҳида аҳамият берилса, таълим ва тарбия вазифалари муваффақиятли суратда ҳал этилади.

«Ёзувчининг таржимаи ҳоли турли хилдаги материаллар: муаллифнинг ҳаётидан, айниқса, ўрганиладиган асари билан боғлаб олинган лавҳа; ижодий қиёфаси сермазмун тавсиф этилган мақола; адебнинг бутун ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги кенг хабар кўринишида тақдим этилиши мумкин»².

Ўзбек тили дарсларида бундай кенг материаллардан тўлиқ фойдаланиш имконияти йўқ, албатта. Бу материаллардан кичик парчалар олиш тўғрисида фикр юритиш ўринли бўлади.

Бадиий асардан олинган парчалар ҳам ўқувчини таржимаи ҳоли ўрганилаётган санъаткорнинг яшаб ижод этган даври билан таништиришда, унинг маънавий қиёфасини очиб беришда ўқитувчи учун кўрсатмали қуролнинг энг гаъсирчан ва энг самарали воситаси сифатида хизмат қиласди. Биз ҳам биографик маълумотда адеб яратган асарлардан парчалар берилиши керак, деган фикрни маъқул кўрамиз.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчи ҳажми кичик асарлардан ёки катта асарлардан олинган парчалардан аксарият ҳолларда адебнинг овозини, руҳиятини, ҳолатини англаб олади. «Амалда асарнинг ўзи эмас, балки, унинг схемаси, тасодифан ажратиб олинган унсурлардан иборат қисмигина таҳдил қилинади. Бадиий методаги «ғишталар», ҳатто улар тўғри сараланган тақдирда ҳам маълум бўлишича, бадиий ижод динамикасининг, дунёнинг поэтик образини яратиб берувчи унсурларнинг фаолият кўрсатишини изоҳлаб бера олмайди»³. Бизнингча, бу нарса шеърий асарларда яққол кузатилади. Насрий асарлардан эса муаллифнинг овозини тахмин қилиш

1 Приступа Е. Д. Особенности изучение монографических тем в старших классах в национальной школы. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –М., 1985. 8–9 с.

2 Методика преподавания русской литературы в национальной школе. –Л: Просвещение, 1983. 77 с.

3 Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. М.: Советский писатель, 1978. –12 с.

анча мураккабдир. Бу вазифани насрий асарлардаги муаллиф нутқи бажаради. Шу боис ҳикоя ёки роман марказидаги муаммо, ҳаётий ҳодисаларга муаллиф муносабатини асардаги муаллиф нутқидан англаб олиш мумкин. Ўқувчига ҳам адабий турлар ва жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини эслатиб туриш зарур.

4. Дастурга кирган асарнинг яратилиш тарихидан

Ёзувчининг ижодий камолот сари босиб ўтган йўли, ижодий фаолияти биографик маълумотда ўзига хос ўрин тутиб, унинг шахси, ички дунёси, руҳий олами, қарашлари, маънавий эътиқоди таржимаи ҳолнинг шу қисмida ўз аксини тўлиқроқ топади.

Таржимаи ҳолда ёзувчининг навбатдаги дарслардан бирида ўрганилажак дастурий асарининг яратилиш тарихи шу асарнинг мазмунини тушунишга, ўқувчиларни шунга руҳий ҳамда ўқув-билув жиҳатдан тайёрлашга ёрдам беради. Бу ёрдам асарнинг ёзилишига туртки бўлган нарса, воқеа-ҳодиса баёнидан, тарихий-адабий давр шарҳидан, ёзувчининг асар устида олиб борган ишлари ҳақидаги маълумотдан, замондошлари китобни қандай кутиб олгани тўғрисидаги қайдлардан иборат бўлиши мумкин. Шунингдек, бу қисмда асарга сингдирилган гоявий фикрлар, асарнинг кейинги даврлар, келгуси авлод учун қанчалик аҳамиятли эканлиги баён этилиши мумкин¹.

«Асарнинг яратилиш тарихи билан муфассал танишиш, ўқувчиларни тарихий шароитга олиб кириш даврдаги ижтимоий вазиятни кўрсатиш, ёзувчи танлаган позицияга эътиборни қаратиш имконини беради»².

Масалан, Ойбекнинг «Қутлуг қон» романи шўро давридаги «Чоризм – ҳалқлар турмаси эди» деган сўзларга (Сталиннинг бу сўзлари foят машҳур бўлган) жавобан ёзилган. Адаб чоризмнинг қаҳри айниқса кучайган бир пайтдаги ўзбек ҳалқи ҳаётига мурожаат этади. Бу, шубҳасиз, 1916 йил қўзғолони Ўрта Осиё бўйлаб гурлаб ёнган тарихий бир давр эди. Ойбек бу мавзуга киришар экан, ўзбек ҳалқининг, бир томондан, икки ёқлама зулм остида яшагани, иккинчи томондан, шу зулмнинг ҳадсизлиги туфайли сиёсий-ижтимоий онги тезроқ ўйғонганини кўрсатиб беришни ўзига мақсад қилиб олди³.

1 Усмонов Р. К. Юқори синфиларда ёзувчи биографиясини ўрганиш. Т.: Ўқитувчи, 1969. –17 6.

2 Приступа Е. Д. Особенности изучение монографических тем в старших классах в национальной школы. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1985. – 9 с.

3 Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1999. –206 б

С.Д.Приступа: «сўз санъаткорининг ҳәётий ва ижодий тақдирни ўқувчилар томонидан дастурий асар ёки асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятларини англаш замирида ўзлаштирилади» деган фикрни илгари суради¹. Бу ҳам бир жиҳатдан тұғри гап. Баъзан китобхон аввал асарни ўқиб чиқиб, кейин муаллифи билан қизиқиб қолади.

Ёзувчи биографиясини ўрганишда адид ҳақидаги маълумотлардан, қизиқарли ҳәётий воқеалардан фойдаланиш ўқувчиларда унинг асарларини ўрганишга бўлган қизиқиши кучайтиради. Масалан, А.Қаҳҳор биографиясини ўтишда Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» китобидан олинган парчалар ўқувчиларни жуда қизиқтиради. Ёки «Ҳикматлар»идаги айрим мазмунли чиройли фикрлар ёзувчига бўлган ҳурмат-эътиборни яна ҳам оширади.

5. Адибнинг жамиятда тутган мавқеи, хизматлари

Адибнинг эл-юрт олдидаги хизматлари, жамиятда тутган мавқеи бажарган давлат ишлари, жамоат ишлари ва бошқалар ҳақидаги фикрларда ўз ифодасини топади.

Айрим таржимаи ҳолларда санъаткорининг ижод йўли меҳнат фаолиятига қўшиб баён этилади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг таржимаи ҳоли шу тарзда /адибнинг ўз тилидан/ ёритилган². Бунда ижодий фаолиятдан кўра кўпроқ меҳнат фаолияти ҳақида сўз юритилган. Русийзабон ўқувчи адибни ҳаракатда, эл-юрт хизматида яққол кўз олдига келтиради.

Баъзан адибнинг ижоди ҳақидаги маълумот сўнгига унинг кимлиги айтилади. Масалан, Комил Яшин тўғрисида шундай дейилади: «К.Яшин Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотининг соҳиби, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбобидир. Унга ўзбек ёзувчиларидан биринчи бўлиб «Меҳнат Қаҳрамони» унвони берилган»³.

Бу жиҳатдан, айниқса, замондош шоирлар ҳақидаги маълумотлар муҳимdir. Ўткир Ҳошимов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари замондош адибларининг ижтимоий мавқеи ҳар қандай ўқувчини қизиқтиради. Масалан, Абдулла Ориповнинг Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони эканлигини билиш уларда мароқ ва ҳавас уйғотади.

1 Приступа Е. Д. Особенности изучение монографических тем в старших классах в начальной школы. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –М., 1985. –9 с.

2 Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслік. – Т.: Ўқитувчи, 1995, 159- б.

3 Каттабеков А. Рахмонов В. Ўзбек адабиёти 8-синф учун дарслік-мажмua. Т.: Ўқитувчи, 1993. – 270 б.

6. Ёзувчи /шоир/ ҳақида унинг замондошлари.

Ижодкор ва унинг асарлари тўғрисидаги фикрлар таржимаи ҳол-нинг якунловчи муҳим бир қисми саналиб, булар ҳам адабининг жамиятда ва адабиётда /жаҳон адабиётида/ тутган мавқенини кўрса-тиш шаклларидан бири ҳисобланади. Бунда ёзувчи /шоир/нинг фаолият даврлари. яратган асари ҳақида танқидий мақолалардан кўчирмалар бериш, замондошларининг хотираларидан лавҳалар келтириш, адабининг буюклигини, ўзига хослигини, услубини, асар-ларининг жаҳон адабиётида тутган ўрни, эстетик қимматига баҳо берилади. Масалан. А.Қодирий жаҳон романчилигига олтинчи ўрин-да туришини айтиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёзувчининг буюклигини, адабиёт соҳасидаги хизматлари, жа-миятда тутган мавқеи, миллий маънавиятга қўшган ҳиссаси, чи-накам сўз устаси эканлигини ўқувчиларга етказиши замонида бир томондан, маърифий мақсадлар ётса, иккинчи томондан, ўрга-ниладиган асарга ижобий муносабатни шакллантириш ётади. Сўз устасининг ижтимоий мавқеи. бадиий маҳорати ҳақида чиқари-ладиган хулоса учун унинг ўзи тўғрисида айтганлари билан бир қаторда бошқа атоқли кишиларнинг фикрлари муҳим роль ўйнай-ди. Бу каби воситалар санъаткорнинг, адабининг бошқаларга ўхша-майдиган қиёфаси ва услуби ҳақида ўқувчидаги яққол тасаввур уйготиш учун хизмат қилиши керак. Зоро, А.Ориповнинг Ўзбе-кистонни севиши Ҳ.Олимжоннинг севишига ўҳшамайди; Усмон Носирнинг юрт табиатига мафтунлиги Чўлпон лирикасидаги та-биат тасвирларидан тамоман фарқ қиласди. Ҳар бир ижодкорнинг олам гўзалликларини кўриши, ҳис қилиши, тасвирлаши ўзига хос. Масалан, А.Қаҳдор ҳаёти ва ижоди ҳақидаги монографик мавзуни юқори синфда ёритишида адаб шахсига оид ҳалоллик, ростгўйлик, иллатларга муросасизлик каби хусусиятларнинг ижодида акс этиш дарајасини ўрганиш қизиқарли, албатта. Бу ўринда «Ўтмишдан эртаклар» қиссасининг рус тилида нашр эти-лиши муносабати билан таржимонлик қилган К.Симоновнинг «Дружба народов» журналининг 1968 йил 10-сонидаги сўз бо-шисидан кўчирма келтириш мумкин: «Мен Абдулла Қаҳдор би-лан Тошкентда ёнма-ён туриб ишлаган ҷоғларимни эслаб, унинг асарларини рус тилига афдарганимдан, ундан сабоқ олганимдан ўзимни беҳад баҳтиёр ҳисоблайман. Бундан ташқари, ўша йил-лар шуниси билан эсда қоладики, мен шу баҳонада Абдулла Қаҳдордек оқилу доно, ҳозиржавоб. бир сўзли, ҳатто тили ҳийла

аччиқ, айни замонда бағри кенг, одамшаванда инсон билан дұстлашдим...»

Адибнинг умр йүлдоши Кибриё Қаҳдорова у ҳақда: «Бирор ёзувчи ёки шоир үзбек тилининг назокатини бұзса, минг яқын, жонажон дүсти бұлса ҳам уни аяб үти rmsdилар. Абдулла Қаҳдор фақат ўзигагина эмас, ҳатто тенгқурлари, қаламкаш дұстларига нисбатан ҳам талабчан әдилар. Энг аввало, үzlари ёзадиган ҳар бир сүзни фикр тарозусида обдон ўлчардилар», — деб ёзган эди.

Айнан шу фазилатлари адибнинг ижодий фаолиятида, яратған асарлари руҳида ҳаракат қилади. Абдулла Қаҳдор асарларида наштарлик вазифасини күлгү үтайды. Ёзувчи ўқувчини шунчаки куладириш учун ёзмайды, балки тасвирлаёттан ҳодисага муносабати ни ифода этишда күлгүнинг хилма-хил турларидан фойдаланади. Масалан, «Ўтмишдан эртаклар»нинг «Тешик тош» бобини эслатиши мүмкін. Бабар деган қашшоқ, муштипар одамнинг аччиқ тақдирини, аламли ҳаётини тасвирлашда, китобхонга унинг фожиасини ҳис қылдиришда ёзувчи аччиқ күлгудан асосий восита сифатида фойдаланади. Күлгү воқеликни ҳар томонлама бадиий таҳдил қилишга ва баҳолашы имкон берувчи. ўқувчи түйгүларига таъсир қилиш билан муайян кайфият ва муносабат ҳосил этишга ёрдам берувчи эстетик категорияга айланғанligини «Майиз өмаган хотин», «Тўйда аза» ҳикоялари, «Шоҳи сўзана», «Сўнгги нусхалар» сингари асарлари орқали кузатиш мүмкін. Бу асарлар китобхон қалбida ёмонликка нисбатан нафрат уйғотиши аниқ.

1959 йилда Москвада үзбек адабиётининг декадаси вақтида таниқли сатирик ёзувчи Леонид Ленч «Тўйда аза» ҳикояси ҳақида шундай деган эди: «Одамнинг ўлимни ҳақида күлгили қилиб ёзиш жуда қийин иш. Бу фақат Чеховнинг қўлидан келарди. Фақат французлар бунинг улдасидан чиқарди. Буни қарангки, Абдулла Қаҳдор шундай қийин ишни жуда бемалол бажарибди»¹.

Алоҳида эътибор бериш лозимки, муайян алиб ҳақида турли машхур кишилар айтган фикрлар ўқувчи руҳиятига қучли таъсир кўрсатади. С. Залигин: «Буюк одамлар бизнинг маънавий олами-мизга узлуксиз таъсир ўтказиб туради», — деган эди². Машхур кишилар, таниқли шахслар, айниқса, йирик олимлар ва ёзувчилар ўқувчи ўшлар учун ҳамма вақт намуна мактаби бўлиб келган. Бунда айниқса ўқувчилар учун ўз миллатдошларининг фикрлари

1 Шарафиддинов О. Биринчи мульжиза. — Т.: Адабиёт ва санъат националисти, 1979. 282—284 б.

2 Залигин С. Культура и личность // Собеседник: Литературно-критический ежегодник. — М., 1987. — Вып. 8. — С. 6.

кучли таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан А.Қаҳҳор ҳақида машхур адабиётшунос О.Шарафиддинов ёки М.Кўшчанов билан ёнма-ён таниқли адиб Леонид Ленчнинг, Константин Симоновнинг фикрларини келтириш ўринли бўлади. Бу ўқувчилар учун тасдиқловчи омил вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари. муайян санъаткорга даҳлдор турли илмий ва бадиий асарлардан қайллар таржима ҳолни яна ҳам бойитади.

Ижодкор фаолиятининг даврлари ҳақида, у яратган асарлар тўғрисида бериладиган мътумотда хилма-хил манబалардан кўчирмалар келтирилади, айрим парчалар акс эттирилади, замондошлиари хотираларидан лавҳалар, адабий танқидчилар фикрларидан мисоллар берилади. адибнинг буюклиги, ўзига хослиги, асарларининг жаҳон адабиётida тутган ўрни, эстетик қиммати ёритилади.

А.Қодирий бир асрлик миллий адабиётимиз ривожида улкан бурилиш ясаган, янги босқични бошлаб берган, нодир асарлар яратган адибdir. У «Ўтган кунлар», «Мехробдан чайён» асарлари билан ўзбек романчилигига асос солди. Бу романлар замонавий жаҳон адабиётининг нодир намуналари қаторида туради. Унинг қаламига мансуб ҳикоялар, ҳажвий, публицистик, адабий-танқидий мақолалар, бадиий таржималар XX аср ўзбек адабиёти хазинасидан муносаб ўрин олган.

Юқорида биз адибнинг таржима ҳолини ташкил этувчи унсурларнинг мазмуни қандай бўлиши кераклиги масаласига айрим-айрим тўхтадик. Лекин бундан ўша қисмларнинг жойлашиш тартиби ҳамма вақт таснифдагидай бўлиши зарур деган маъно келиб чиқмаслиги даркор. Биз таржима ҳолнинг таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўрганиш асосан маърифий, қисман ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги билан боғлиқ равишда таълимий-эстетик аҳамиятга молик жиҳатларига ургу бериб ўтдик. Аслида, методик адабиётларда тавсия этилишича, бу қисмлар айрим-айрим эмас, балки қўшиб ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

В.Г.Маранцманнинг адиб биографияси билан унинг ижодига бериладиган шарҳ олдинма-кейин эмас, балки қўшиб баён этилиши керак деган фикри эътиборга моликдир, чунки олимнинг уқтиришича, ёзувчи биографиясини ўрганишдаги эстетик вазифа санъаткор томонидан санъат асарига ҳаёт қандай мужассамлаштирилганини кўришдан иборатдир. Бу фикр ўзга адабиётни эмас. ўз Ватан адабиётини ўрганаётганларга нисбатан мутлақо тўғридир. Лекин рус тилида сўзловчи ёшлар адиб биографиясини ҳам, ижодини ҳам имконият доирасида жуда қисқа ўрганадилар.

Бунинг устига унинг асаридан олинган парча ҳам кичик ҳажмда бўлади. Шунга қўра ҳам ёшларга адабнинг бир асарни яратиш давридаги ҳаёти ва ижодидан лавҳа бериш мумкин.

Мактабда ёзувчининг ҳаёти ҳақидаги гапни ижодини ўрганишдан ажратиб қўйганда эса асаридан келтирилган парча файриоддий бир нарса бўлиб чиқади. В.Г.Маранцманнинг фикрича, санъаткорнинг ҳаёти билан ижодини айрим-айрим бўлиб ўрганиш ўқувчилар онгига санъатнинг ҳаётдан узиб қўйилишига олиб келади. Башарти, биографияси аввал, ижоди кейин жойлаштирилса, биринчиси мазмунсиз бўлиб қолади, чунки ундан санъаткорнинг ҳаёт маъниси, баҳти ва ташвишларини ташкил этувчи замин чиқариб ташланган бўлади. Ёзувчининг ҳаёти ҳақидаги гаплар фактлар тўплами ва саналар рўйхати билан алмаштириб қўйилали ёки ҳаётни маиший турмушга олиб бориб тақаб қўядиган биографизм тикланади.

В.Г.Маранцманнинг ёзишича, Л.Н.Толстой Шопеннинг биографиясини ўқиб чиқиб шундай деган экан: «Муаллиф Шопенни, унинг ички ҳаётини қўрсатмайди, балки ўз билимдонлиги билан эпчил, бурро ёза олишини кўз-кўз қилади. Бошқа биографларнинг ноҳақлигини мунозара қиласи ва исботлайди. Шопен эса бу ерда йўқ»¹.

«Мактабда ёзувчи биографиясини ўрганиш фақат маърифий-аҳлоқийгина эмас, балки эстетик мақсадлар учун ҳам зарур. Рассом /санъаткор/ қўрганларини ўз идрок қирраси орқали ўтказади. Муаллиф шахснинг ана шу қирраларини кўрмасдан туриб, асарни тушуниш қийин. Томошабин, тингловчи, китобхон бадиий асардан унинг олдига замон, одамлар юраги қўйган мураккаб саволларга жавоб қидиради. Санъаткор хоҳласа-хоҳламаса, ўз суҳбатдошининг саволларига жавоб қайтаради. Агар ўқувчи дарсда санъаткорнинг ички олами билан танишса, овозининг бетакрорлигини англаб етса, ёзувчи билан сўзлашув беҳад чукур, ҳаяжонли ва тўғри бўлади. Мутлақо нотаниш шахс билан суҳбатлашиш мушкул, шунинг учун бадиий асар таҳлилида табиий ва зарурий таянч бўлиб қолади»².

Алибининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини дарсликларда бериладиган таржимаи ҳоллар ёрдамида ўрганиш таълим жараёнини тўлиқ қамраб олмасликдан иборат бир ёқламалилилкка сабаб бўлади. Айрим маълумотларни эшитиш машқлари сифатида тақдим

1 Маранцман В. Г. Биография писателя в системе эстетического воспитания школьников. – М.: Просвещение, 1965. – 73 с.

2 Уша асар. 41- б.

этиш, баъзиларини семинарда маъруза сифатида ўқувчиларга етказиши (ёзувчи ёки шоирнинг таваллуд қуни муносабати билан ташкил этиладиган адабий кечалар дастурига киритилади, деворий газеталарда берилади), кинокўрсатув, диафильм, видеофильм ва бошқа материаллардан фойдаланиш йўли билан ўрганиш мумкин. Булар биографик маълумотлар мазмунини кенгайтиради.

Методист В.В.Голубков кўрсатмалиликни уч турга бўлади:

«1/ Образли нутқ. Бу шеър ва бадиий проза намуналари, ме-муардан иборат бўлиб, дарсда улардан парчалар ўқиб, декламация ва бадиий ҳикоя қилиб берилади.

2/ Бадиий тасвирий санъат намуналари. Бу портрет ва расмлардан иборат бўлиб, дарсда улардан ўрни билан фойдаланилади.

3/ График кўрсатмалик бўлиб, у сўз ва рақамлар воситасида доскага ёзилган материал, схема ва диаграммаларни ўз ичига олади. График кўрсатма қўлланмалар ўқувчиларнинг фаол иштироқида тайёрланади»¹.

Р.Усмоновнинг таъкидлашича, «Ўқувчилар ёзувчи биографиясини ўрганиш орқали санъаткорнинг ижодий таъсири этган факт ва ҳодисаларни ҳамда уларнинг ёзувчи асаларида қандай акс эттирилганини, шунингдек, асаларининг яратилиш тарихи, уларга сингдирилган ғоявий фикрлар, ёзувчининг асар устида олиб борган ишлари, унинг бу ижодий маҳсули замондошлири томонидан қандай кутиб олингани ва кейинги даврлар учун қанчалик аҳамиятли эканлигини тушуниб оладилар»².

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек ёзувчиларининг таржима ҳолини бу даражада кенг ўрганиш имконияти йўқ, албатта.

Ихчамлик учун таржимаи ҳол ёзувчининг ўрганиладиган асари билан боғлиқ фаолият даврини ёритадиган қисқа очерк тарзизда тавсия этилиши мумкин.

Таржимаи ҳолни баён этиш шакли ҳам муҳим масаладир. Ёзувчи биографияси ўрнига унинг ўзи ҳақидаги ҳикоясидан, хатидан ёки биографик асалардан парча берган ҳам маъқул. Ўзбек мактабларининг «Адабиёт» дарсликларидағи аксарият таржимаи ҳоллар /асосан XX аср ўзбек адабиёти намояндалари ҳақида/ шундай ҳикоялардир. Бундай пайтда илмий мақола ўрнини бадиий матн эгаллайди, натижада биографик маълумотларни ўрганишнинг

1 Усмонов Р. К. Юқори синѓаларда ёзувчи биографиясини ўрганиши. Т.: Ўқитувчи, 1969. 57–586.

2 Узга асар. 17 б.

эстетик қиймати таъминланади.

Адібнинг ўзи ҳақидаги ҳикоясида кўпроқ тарихий давр, тарихий воқеалар билан боғлаб ўз меҳнат фаолияти ёритилади. Ижодий фаолияти, бадиий маҳорати ҳақида эса жуда кам сўз юритилади. Бундай сўз юритилган ўринлар баъзан ҳисоботга ўхшаб кетади.

Баъзан ёзувчи ўз услубининг фарқли хусусиятларини айтиб ўтади. Масалан, Шароф Бошибеков шундай дейди: «Ҳар бир ёзувчининг қанлайдир ўзигагина хос жиҳати бўлади. Кимдир сюжет топишга уста, кимдир ноёб характерлар яратишга моҳир, бошқалари асар воқеаларини заргарона теришда тенги йўқ. Менинг энг яхши кўрган қуролим – юмор. Асар қандай жанрда ёзилмасин, воқеалар қанчалик жиддий, қаҳрамонларимнинг тақдирни қай даражада фожиали бўлмасин, юмор, ҳазил-мутойиба, асқия унсурлари, сўз ўйинларидан унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қиласман... »¹.

Ниҳоят, айтиш жоизки, биографик очеркнинг тили нисбатан содда бўлиши керак.

Ҳажм масаласи. Таржимаи ҳол сермазмун бўлиши билан бир қаторда ҳажм жиҳатдан катта бўлиб кетмаслиги, ўқувчиларнинг имконият доирасидан четга чиқмаслиги, уларни зўриқтиришга олиб келмаслиги, ўта зарур маълумотлар билан қуроллантиришни кўзда тутмоғи лозим.

Адіб ҳаёти ва ижодининг илмий баёни: а/ муайян адібнинг ёзувчи ва мутафаккир сифатидаги мавқеи; б/ яшаган даврида тутган ўрни; в/ ижодкор услуби ва унинг шаклланиши; г/ адібнинг миллий-ижтимоий тафаккури ва адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси; д/ унинг умумжаҳон бадиияти ва тафаккури ривожига муносабати; е/ миллий гоя ва миллий қадриятлар таркибидаги ўрни сингари масалалардан ташкил топса. ўқувчи эътиборини жалб этишга ёрдам беради.

Таржимаи ҳолни VIII-синфдан бошлаб ўрганиш кераклиги методист-олимлар томонидан шу билан асосланади, шу даврдан ўқувчиларда уларнинг ёш хусусиятларига кўра ахлоқий-маънавий масалаларга, инсоннинг ички дунёсига бўлган қизиқиши куяяди. Бу қизиқиши қўйидаги масалаларга кўпроқ қаратилади:

- истеъодининг ривожланиши;
- қалбининг улугворлиги;
- табиатга муносабати;
- инсонга муносабати.

¹ Кағтабеков А. Раҳмонов В. Узбек азабиёти. 8-синф учун дарслік-мажмуя. Т.: Уқитувчи, 1993. – 195 6.

Бунда ҳис-туйғуни шунчаки аташ эмас, балки унинг тавсифини белгилаб бериш лозим.

Ёшларнинг комил инсон сифатида шаклланишида миллий анъаналар, қадриялар, маънавий бойликлар, давр ижтимоий ҳаётининг роли бекиёсдир. Бундай маълумотлар таржима ҳоллар мазмунини тўғри белгилаш орқалигина мукаммал бўла олади. Шу боис таржима ҳоллар мазмуни қандай бўлишидан қатти назар биринчи навбатда адиднинг ўзи ҳақидаги ҳикояси билан ижоди тўғрисидаги мақола қўшилган ҳолда берилиши лозим.

Хуллас, ёзувчининг таржимаи ҳолини ва ижодий фаолиятини ўрганиш, бир томондан, маърифий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, ўқувчиларга давр руҳини чуқурроқ англатиш, ижтимоий муносабатларни улар қалбига етказиш, уларни миллий истиқлол мағкураси, миллий маънавиятга чексиз хурмат руҳида тарбиялаш, адиднинг адабиёт равнақида ва жамиятда тутган мавқенини, унинг новаторлигини кўрсатиш орқали адабий жарабённинг ривожланиш босқичларини чуқурроқ англатиш, ёзувчи шахсининг қамол топиши, руҳий олами мисолида ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этиш, энг муҳими, ўрганилажак асарнинг яратилишига турткি бўлган воқеа-ходисалар билан таништириш. шу орқали парча мазмунини тўлиқ тушунгириш, имкон яратиш учун хизмат қиласи; асарни ўқиши учун ҳавас уйғотади.

Қўйида адидларнинг таржима ҳоллари мазмунини аннотация кўринишида баён этамиш:

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

А.Авлоний – машҳур ўзбек маърифатпарвари, шоири, жамомат арбоби. У халқини илмли, юртини озод ва обод кўриш асосий мақсади билан яшаган, янги усуздаги мактаблар очган. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари, «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами нашр қилинган. «Турон» театр труппасини ташкил этган, «Тулки ва қарга» масалини ёзган.

Адиднинг таржимонлик фаолияти.

Миллий уйғониш, маърифатпарварлик ҳаракати ҳақида.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

Адид яшаган давр, халқнинг оғир ҳаёти, руҳонийларнинг инсоғенлизлари, «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» пьесасини яратиши. пьесанинг қисқа мазмуни; биринчи жаҳон уруши ва йигитларни мардикорликка жўнатиш, «Софиниб», «Салом айтинг» каби шеърлари, шеърларидан парчалар, октябрь тўнтариши, «Майсаранинг иши», «Бой ила хизматчи» драмалари.

Эл-юртнинг истиқболи ва истиқболини ўйлагани, маърифат-парвар бўлгани, октябрь тўнтаришидан кейин маданий қурилишга катта эътибор бергани.

ЧЎЛПОН

Абдулҳамид Сулаймон ўғли.

Ижодининг манбалари /ижод сирларини кимлардан ўрганганилиги/, шеърий тўпламлари. шеърларидан парчалар. ижодида норозилик, эл-юртнинг эртасига қайгуриш, исёнкорлик, курашчанлик фоялари.

Таржимонлик фаолияти.

Чўлпон – янги ўзбек адабиётининг ёрқин юлдизи. Чўлпон шоир, драматург ва таржимон.

«Кеча ва кундуз» – ўзбек романчилиги равнақида янги қадам. Романинг асосий пафоси, поэтикасининг ўзига хослиги.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Абдулла Қодирий – романнавис ёзувчи.

«Мехробдан чаён» романи, гоявий мазмуни, асар қаҳрамонлари, «Ўтган кунлар» романи, қисқа мазмуни, асар қаҳрамонлари, «Обид кетмон» романи.

Адибнинг фожиавий қисмати.

Ҳаққонийлик, ҳаёт ҳақиқатига салоқат – ёзувчининг ижоддаги бош шиори. Реалистик тасвир.

Адиб ҳақида замондошлари.

ФАФУР ФУЛОМ

Фафур Фулом – шоир, унинг иккинчи жаҳон уруши давридаги шеърлари, шеърларидан парчалар.

Фафур Фулом – прозаик. «Шум бола», «Ёдгор» қиссалари.

«Шум бола» қиссани ҳақида.

Фафур Фулом – устоз.

Фафур Фулом ҳақида замондошлари.

ОЙБЕК

Мусо Тошмуҳаммад ўғли

Ойбек – шоир. Шеърий тўпламлари. шеърларидан парчалар.

Ойбек – романнавис. «Навоий» романи. унда Алишер Навоий табиатидаги инсонпарварлик ва ҳалқчиллик фазилатларининг ёритилиши, «Олтин водийдан шабадалар» романи, «Нур қидириб» повести. «Қуёш қораймас». «Улуг йўл», «Қутлуғ қон» романлари. 1916 йил қўзғолони. Таржимонлик фаолияти.

Ойбекнинг бадиий маҳорати.

Ойбек ҳақида замондошлари.

АБДУЛЛА ҚАХХОР

А.Қаҳхор – кичик ҳикоялар устаси, роствгүй адид.
«Үгри», «Асрор бобо» ҳикоялари.
«Сароб», «Құшчинор чироқлари» романлари.
«Үтмишдан әртаклар», «Синчалак» қиссалари.
«Огриқ тишлар», «Шоҳи сұзана» драмалари, «Тобутдан төвуш» ҳажвий комедияси.
Таржималари.
Адебнинг бадиий маҳорати.
А.Қаҳхор ҳақида замондошлари.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

Ҳамид Олимжон – шоир. Шеърлари, шеърларидан парчалар.
«Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» достонлари, қисқа мазмуни.
«Зайнаб ва Омон» достони, «Жангчи Турсун» балладаси, «Муқанна» драмаси.

Ҳамид Олимжоннинг бадиий маҳорати.

Адебнинг илмий фаолияти.

Ҳамид Олимжон ҳақида замондошлари.

МИРТЕМИР

Миртемир – шоир. Унинг табиат шайдоси эканлиги, табиат орқали фикр қарама-қаршилигини ифодалашга интилганлиги.

Миртемир – «шеъриятимизнинг бобо дехқони».

Миртемир – таржимон.

АСҚАД МУХТОР

Атоқли шоир, адид ва таржимон.

«Қорақалпоқ қиссаси», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Бухоронинг жин кўчалари» қиссалари.

«Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» романлари.

ОДИЛ ЁҚУБОВ

«Муқаддас», «Бир фельетон қиссаси» қиссалари.

«Муқаддас» қиссасида инсоннинг инсон, эл-юрг олдидағи бурчи, ҳалоллик, адолат, диёнат каби масалаларнинг тасвиrlанғани.

«Диёнат», «Улугбек хазинаси», «Кўхна дунё», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» романлари.

Чингиз Айтматовнинг «Улугбек хазинаси» муаллифига мактуби.

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

П.Қодиров – моҳир прозаик.

«Уч илдиз», «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Эрк», «Мерос»,

«Жон ширин» каби асарлари.

«Юлдузли тунлар» /«Бобур»/, «Авлодлар довони» /«Хумоюн ва Акбар»/ романлари.

«Қора күзлар»да қишлоқ ҳаётининг ҳаққоний акс этгани.

«Юлдузли тунлар» /«Бобур»/ – тарихта улуг ҳурмат.

А.Қаҳхор «Уч илдиз» романни ҳақида. Бу романда шахсга сифи-нишнинг нохуш оқибатлари ёритилгани.

ФАРҲОД МУСАЖОНОВ

Ф.Мусажонов-балалар ёзувчиси.

«Офтобни қувалаб», «Булоқ суви» қиссалари.

“Ёмғир ҳикоялари”, “Тугалланмаган сұхбат” ҳикоялари.

ЭРКИН ВОҲИДОВ

Шоир лирикаси. Шеърий тўпламлари. Шеърларидан парчалар.

Э.Воҳидов – ҳаётнинг, инсон қалбининг бадиий тадқиқотчи-си. Ёлғондан бегоналик, шафқатсиз ҳақиқат, росттўйлик, сами-мийлик.

Э.Воҳидов ўзи ҳақида.

«Нид» поэмаси, қисқа мазмуни.

«Руҳлар исёни» достони.

«Олтин девор» комедияси.

«Ойжамол» либреттоси.

Э.Воҳидов – таржимон.

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ

Х.Тўхтабоев – болалар ёзувчиси.

Адигнинг умуминсоний қадриятларга зид, юксалишимизга тўғаноқ иллатларга қарши ўт очувчи фельетонлар, қисса ва романлар яратгани.

«Сариқ девни миниб», «Беш болали йигитча», «Шакар қовунлар мамлакати», «Мунгли кўзлар» романлари.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

Ҳикоянавис, драматург.

«Сўнгти бекат», «Қил қўприқ», «Олабўжи» романлари.

«Қора камар», «Зиёфат» драмалари.

«Зов остида адашув» ҳикояси ҳақида.

АБДУЛЛА ОРИПОВ

Шеърий тўпламлари, шеърларидан парчалар.

«Жаннатга йўл», «Ҳаким ва ажал», «Ранжком» достонлари.

А.Орипов шеърларида ўткир инсоний руҳ, чуқур ижтимоий мазмундорлиги, ҳис ва ўйларининг эзгулиги, умумлашмалар

ҳаққонийлиги ва теранлиги. Ижод мاشаққатлари.

А.Орипов – таржимон.

«Илоҳий комедия» А.Орипов таржимасида.

Матёқуб Кўшжонов А.Орипов ҳақида.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

Ў.Ҳошимов – кишини лоқайд қолдирмайдиган, ўйлашга мажбур этадиган асарлар муаллифи.

«Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси» асарлари.

«Дунёнинг ишлари» қиссасидаги уч ҳикоя, уларда она характерига хос фазилатлар очиб берилгани.

А.Қаҳҳор Ў.Ҳошимов тўғрисида.

РАУФ ПАРФИ

Лирик шоир, руҳ рассоми.

«Акс садо», «Тасвир», «Хотирот», «Сабр дарахти» тўпламлари.

Рауф Парфи – нозик туйгулар, дилбар хаёллар кўйчиси. Шеърларида безовта япроқларнинг шовуллаши. Шеърларидан парчалар.

Шоирнинг таржимонлик фаолияти.

Асқад Мухтор Рауф Парфи ҳақида.

ТОҒАЙ МУРОД

«Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом» қиссалари, «Ойдинда юрган одамлар», «Момо ер қўшиғи», «Отамдан қолган далалар» асарлари. Бу асарларнинг ғоявий мазмуни.

ИЛЁС МУСЛИМ

Болалар адабиётининг таниқли вакили.

“Ўсув”, “Турналар”, “Бизнинг мактаб”, “Сенинг совғанг”, “Тиллақўнғиз”, “Қўриқ”, “Ишchan асаларилар”, “Ойхон ва раён”, “Биринчи совға” каби 30 га яқин китоб ёзган.

ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВ

Таниқли болалар шоири.

“Биз саёҳатчилар”, “Ала-Толук боломуе”, “Арслонбоб шаршаси”, “Сурнай”, “Нур дарё”, “Гулдаста”, “Олатог – лолатоғ”, “Оқбура тўлқинлари”, “Совға” тўпламлари босилиб чиққан.

Турсунбой Адашбоевнинг жаҳон болалар адабиёти вакилларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш соҳасидаги фолияти.

СУЛТОН ЖАББОР

Таниқли болалар шоири.

“Зоғчалар бозори”, “Офтобнон”, “Боглар қўшиғи”, “Қуёш қолди далада”, “Севиниб яшайман”, “Китоб меҳри”, “Қувонч” деб номланган асарлари нашр қилинган.

ҚАМБАРОТА

Таниқли болалар шоири, таржимон.

“Китобча ва бузоқча”, “Чавандоз орзуси”, “Тиним билмас шамолвой”, “Ширинсўз”, “Қуёшли дунё”, “Болаларнинг кўзлари”, “Қуёш билан гаплашдим”, “Тошполвон билан Ишполвон”, “Китобсевар Офтобой”, “Бизнинг космос”, “Фидирак” деб номланган йигирмадан ортиқ китоблари нашр қилинган, юзга яқин шеърларига куйлар басталанган.

ОДИЛ АБДУРАХМОН

“Кувноқ болалар”, “Салом, қүёш”, “Ойга ремонт тушармиш”, “Илдиз нима дейди?”, “АЗИМ кичик армиясининг хазинаси”, “Қуёшни юмалатиб”, “Болалик қолган жойлар”, “Ўзбеклар юрти”, “Милтиқ отилмади”, “Чандиқли киши”, “Жалолобод томонларда” деб номланган йигирмадан ортиқ китоблари чоп этилган.

РАУФ ТОЛИБ

“Она юрт”, “Эшитмадим деманглар”, “Юрт меҳри”, “Осмон боғ”, “Миржалол нега лол”, “Сеҳргар дўстим бор”, “Қизиқ томоша”, рус тилида “Сын беседует с отцом”, “Беседа” каби ўндан ортиқ китоблари бор.

АНВАР ОБИДЖОН

Ўзбекистон Ҳалқ шоири.

“Она ер” (шеърлар), “Баҳромнинг ҳикоялари” (шеърлар), “Эй, ёруғ дунё” (қисса), “Оловжон ва унинг дўстлари” (қисса ва ҳикоялар), “Аламазон и его пехота” (қисса ва ҳикоялар), “Кетмагил” (шеърлар), “Безгакшамол” (ҳажвий шеърлар), “Олтин юракли Автобола” (қисса ва ҳикоялар), “Масхарабоз бола” (шеърлар), “Жуда қизиқ воқеа” (шеърлар), “Аканг қарагай Гулмат” (қисса ва ҳикоялар), “Даҳшатли Мешполвон” (қисса ва пьесалар), “Ерликлар” (ҳикоялар), “Грозный Мешпалван” (қисса ва ҳикоялар), “Аламазон ва Гулмат ҳангомаси” (қисса, пьеса, шеър), “Ажойибхона” (шеърий тақдим), “Мешполвоннинг жанглари” (қисса ва достон), “Алишер ва Ҳусайн ёки уч доно ва ўгри” (достон ва шеърлар), “Аламазон ва Гулмат” (қисса ва шеърлар), “Олтиариқ ҳангомалари” (ҳикоялар), “Булбулнинг чўпчаклари” (шеър ва ҳикоялар), “Безгакшамол – 2” (ҳажвий шеърлар) каби тўпламлари нашр этилган. Шоирнинг айрим пьесалари саҳналаштирилган.

Хулоса ўрнида қўйидагиларни таъкидлаш жоиз:

– XX аср ўзбек адабиёти мазмунида ўзбек адиларининг таржимаи ҳоли муҳим роль ўйнайдики, биографик маълумот ҳам ақлий, ҳам маънавий-матърифий тарбия учун хизмат қиласи, тарихий даврни адаб ижодига боғлаб англаш, ижодкорнинг шахс сифатида шаклланишида даврнинг ролини тушуниб етишга ёрдам беради.

– Русийзабон ўқувчи адилнинг ҳаёти мисолида тарбия топиши учун унинг қалбидаги аввал адилнинг ўзига, унинг ижодига ҳурмат ҳиссини ўйготиш даркор. Бунинг учун эса адилнинг болалиги, унинг балогатга етиши ҳақидаги маълумотлар таржимаи ҳолларнинг бошланишида эмас, балки адаб ижоди, эл-юрт олдидаги хизмати англаб бўлингандан кейин, аниқроғи, навбатда ги босқичда ўрганилгани мақсадга мувофиқдир.

- Таржимаи ҳолда баён шакли адилнинг ўзи ҳақидаги ҳикояси билан ижоди тўғрисидаги назарий мақоланинг қўшилганидан иборат этиб танланмоғи лозим.

ТАЪЛИМ МАЗМУНИДА АДАБИЙ-ТАРИХИЙ ДАВР ШАРХЛАРИНИНГ ЎРИИ

Юқорида биз келтириб ўтган асосларга кўра, яъни тарихий воқеаларнинг, сиёсий жараёнларнинг маълум даражада собиқ иттифоққа кирувчи республикаларда муштарак кечганлиги, барча мактабларда Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш йўлга қўйилганлигини кўзда тутиб, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида янги ўзбек адабиётини даврлаштириб, адабий-тарихий давр шарҳлари сифатидаги мавзуларни ажратиш тақозо этилмайди. Лекин ўзбек адабиётининг босиб ўтган тараққиёт йўлини Ўзбекистонга хос тарихий шартшароитсиз, тарихий воқеалар изоҳисиз ҳам тасаввур этиш қийин. Шунга кўра ҳам адабий-тарихий давр шарҳининг таълим мазмунидаги ўринини аниқлаш билан боғлиқ тадқиқот олдида турган саволларга жавоб топиш ниятида XX аср ўзбек адиларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир маълумотларни кўриб чиқдик ва бу маълумотларда ҳам адабий-тарихий давр шарҳлари мавжудлини, улар ўз ўрнида аниқ, қисқа берилганини билдик ҳамда адабий-тарихий давр шарҳларини таржимаи ҳоллар таркибида бериш керак деган холосага келдик.

Дарҳақиқат, таржимаи ҳолларда адаб яшаб ижод этган давр,

унинг ижодига таъсир кўрсатган, турли кечинмаларга сабаб бўлган муҳим тарихий воқеалар, адабий жараёнлар тилга олинади.

Яхлит адабий-тарихий давр шарҳари билан таржимаи ҳол таркибидаги адабий-тарихий давр шарҳини русийзабон ўқувчиларнинг қабул қилиши нуқтаи назаридан ҳам қиёслаб чиқдик. Биринчисида адабий-тарихий давр ёки жараён талқин қилинади, сўнгра шу даврда ижод қилган адиллар тилга олинади, тарихий шарт-шароитнинг ёзувчи /шоир/ ижодий фаолиятига таъсири тушунтирилади. Иккинчисида эса ёзувчи /шоир/ ижодининг маълум даври адабий-тарихий давр билан боғлаб баён қилинади, адилнинг юзага келган тарихий жараёнда эгаллаган ўрни ёритилади, тутган йўли, ижодий фаолиятига баҳо берилади. Маълум бўлишича, кейинги ҳолатда адабий-тарихий воқеа адилнинг ички кечинмалари, изтироблари ёки қувончи орқали идрок этилади.

Яхлит ҳолда бериладиган адабий-тарихий давр шарҳи мазмун жиҳатдан ҳам, ҳажм жиҳатдан ҳам катта бўлади. Методист-олим Н.В.Филиппович обзор мавзулар мазмунига қуидагилар киришини умумлаштириб баён этади: «1) қисқа тарихий кириш; 2) ушбу давр учун хос сиёсий, фалсафий ва эстетик оқимлар ҳақидаги асосий маълумотлар; 3) адабий ҳаракатнинг умумий манзараси; а) ушбу давр /ёки замон/ ёзувчиларининг ўз ижодида илгари сурган энг муҳим мавзулари ва муаммолари; б) ёзувчилар ижодининг гоявий йўналганиги; в) адабиёт тарихининг ушбу босқичдаги энг муҳим адабий оқимлар; г) адабий жанрлар соҳасида кузатиладиган ўзгаришлар; д) ушбу даврда адабий тил соҳасида кузатиладиган ҳаракатлар; е) бадиий адабиёт тараққиётида танқидчиликнинг роли; ё) адабий тилнинг ривожланишидаги янги ҳодисалар»¹.

Бирор тарихий даврнинг ёки адабий жараённинг қисқагина шарҳи ўқувчиларнинг адабий-маърифий тайёргарлигини оширишда катта роль ўйнайди /уларни ўқиладиган асар мазмунини тўғри тушунишга ҳозирлайди/. Адил мамлакат ҳаётида юз берган тарихий воқеадан таъсиранади, бу воқеанинг оқибатларидан қайтурган ёки ижобий таъсиридан руҳланган адаб ҳалқ тақдири билан ҳамнафас бўлади, ёш авлод тарбиясига, тузумни ўзгаришиш, эл-юртни равнақ топтириш ишига аралашади ва ҳоказолар.

Масалага тарбиявий жиҳатдан ёндашиладиган бўлса, унинг

1 Филиппович Н. В. Изучение обзорных тем в школьном курсе литературы XIX века. – Т. ўқувпеддавнашр. 1958. – 9 с.

ибратли томони рўй-рост намоён бўлади: ёзувчининг тарихий шарт-шароитга, тарихий воқеага, адабий жараёнга бўлган муносабати, эгаллаган позицияси ва бошқалар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади.

Тарихий давр шарҳи таржимаи ҳол таркибида мамлакатнинг бирор даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида умумий, бироқ ўта қисқа тавсифни ифода этади. Фан, адабиёт ёки санъатнинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилганда ҳам мухтасарликка амал қилинади. Бунда адабий-тарихий жараён ҳақида кенг, баъзан мақсад сари қаратилмаган маълумот эмас, бу жараённинг айрим ўта муҳим қирралари, томонлари, хусусиятлари қамраб олинади, тушунча бериб ўтилади, холос.

Адибларнинг таржимаи ҳолларини, уларнинг ижодий фаолиёти ҳақидаги мақолаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, тарихий шарт-шароит, тарихий воқеа ёки воқеалар қўйидаги муносабат билан тилга олинади:

- адабининг ижодий йўналишини, позициясини тушунтириш;
- асарнинг яратилиши учун туртки бўлган тарихий муҳит, воқеа, сиёсий жараённинг моҳиятини очиш;
- асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш.

Асарнинг яратилишида асос бўлган аниқ бир тарихий фактларга таянилган тақдирдагина ёш замондошларимизнинг маънавий ҳаёти учун долзарб ижтимоий-руҳий мазмунни етказиб бериш мумкин¹.

Методик адабиётларни² ўрганиш, бугунги кун талабларини жорий этиш эҳтиёжларидан келиб чиқиши асосида тарихий-адабий даврнинг қўйидаги жиҳатлари шарҳга тортилади:

- тарихий шарт-шароит; муҳим тарихий воқеа;
- маърифатпарварлик; Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун кураш;
- мафкуравий кураш, миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнлари;
- маданий ҳаёт /илм-фан, санъат/, миллий маънавият, миллий қадриятлар;
- адаблар ва уларнинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятлари; замондошлар;
- адабий жараён;

1 Педагогический словарь: В 2-х. т. — Т. I. — М: Изд-во АПН, 1960. — 8 с.

2 Зуннунов А., Хатамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиши методикаси. — Т.: Уқитувчи, 1992. — 329 б.

— адабий тил ривожи; давлат тили учун кураш.

Профессор А.Зуннунов тарихий шарт-шароит, тарихий воқеа билан боғлиқ фактларни саралаш керак, деган фикрни илгари суради. Дарҳақиқат, адабиёт дарслари тарих дарслари эмас. «Адабиёт ўқитиши методикаси»да¹ ўқитувчи статистик маълумотларга берилиб кетмаслиги зарур деб огоҳлантирилади.

Таржимаи ҳолда тилга олинадиган тарихий шарт-шароит, тарихий воқеа ёки ҳодисалар ўз-ўзидан сараланади, чунки бу шарт-шароитлар, тарихий воқеалар адаб билан, унинг асари, асар қаҳрамони билан бевосита боғлиқ бўлади.

XX аср бошларидан то Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган кунга қадар Ватан озодлиги учун кураш гоҳ тимсоллар орқали яширин, гоҳ ошкора тусда давом этган. Адиблар /айниқса, Чўлпон, Фитрат каби жадид адабиёти вакиллари/нинг таржимаи ҳолларида уларнинг шу йўлдаги жонбозликларини таъкидлаб ўтишга алоҳида эътибор берилади. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг таржимаи ҳолида жадидлар /маърифатпарварлар/нинг халқа илм-маърифат беришга ва шу йўл билан уни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишига интилишлари, халқ ҳаётини маърифий-маданий инқилоб орқали ўзгартириш мумкинлигига астойдил ишонганиклари ҳақида гапириш мумкин.

Абдулла Қодирийнинг ижодий фаолиятини баён этишда октябрь тўнтариши Туркистон халқлари тақдирида чуқур из қолдирганлиги, қатор бунёдкорлик ишлари билан баробар инқилобнинг емирувчилик томонлари кенг намоён бўлгани, ўтмишни, ўтмишдан қолган жамики қадриятларни, дин, ахлоқ, фалсафа, адабиёт ва санъат, маданиятнинг кўпдан-кўп нодир намуналарини инкор этишга, йўқотишга уриниш кайфияти кенг ёйилгани, шунга кўра ҳам Ватан озодлиги учун кураш бир зум тўхтамаганлиги хусусидаги фикрлар ҳам қамраб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Чўлпоннинг таржимаи ҳолида 20-йилларда адабнинг инқилоб туфайли майдонга келган тузумга, большевиклар олиб борган сиёсатга нисбатан мухолифатга ўтгани, ўз қарашларини яширмай, ошкора куйлагани, она юртнинг эрки ва озодлиги, Ватан озодлиги учун курашга чақирганини айтиш ўринлидир¹.

¹ Зуннунов А., Ҳатамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиши методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.

Ойбек ҳақидаги биографик маълумотда ўтмишда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатдан Россияга бутунлай қарам бўлиб қолганлиги қўйидаги фикр орқали маълум қилиниши мумкин: «Октябрдан кейин шўро давлати томонидан амалга оширилган кўпгина тадбирлар Ўзбекистонни Русия саноати хомашё базасига, ҳалқни эса меҳнат қуролига айлантириб юборди»².

Русийзабон ўқувчилардан мустамлакачилик замонида Ўрта Осиё ҳалқлари орасидан мардикорликка одам олиш воқеасининг туб моҳиятини англаб етишлари талаб қилинади. Бу ҳолатлар Ҳамза, Ойбек, Ҳамил Олимжон ва бошқа бир қатор шоир ва ёзувчиларнинг ижодий фаолиятига боғлаб шарҳлаб ўтилади. Ҳамзанинг «Софиниб», «Салом айтинг» шеърлари шу воқеалар асносида яратилганига алоҳида эътибор бериш лозим. Буларни биллиш ёшлар учун ўзбек тилидаги асарларни маърифий ва эстетик жиҳатдан тўғри идрок қилишда катта аҳамият касб этади.

Ойбекнинг таржимаи ҳолида оқ подшонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони туфайли ҳалқнинг сабр косаси тўлиб кетгани хусусида гапириб ўтиш айни муддаодир.

Мафкуравий қураш, миллий мафкуранинг шаклланиш жараёни адабий-тарихий давр шарҳида муҳим ўрин тутади. Бу маълумотлар бугунги қундаги гоятда муҳим масала – миллий мафкура ва миллий гоя билан уйгунашмоги мақсадга мувофиқдир.

Абдулла Қодирийнинг таржимаи ҳолида ўша замондаги ижтимоий-сиёсий муҳит, ҳукмрон мафкуранинг малайига, ҳозиржавоб тарғиботчисига айланган ижодкорлар бўлгани ҳолда ўзлигига, иймон-эътиқодига содик қолган адиллар ҳам кўп бўлганлиги, Қодирий шулар жумласидан эканлигини таъкидлаб ўтиш даркор. «Ўтган кунлар»даги реалистик тасвир ҳақида гапирганда эса қўйидаги фикрларни баён қилиш ўринлидир: «Асарда аср бошидаги мавжуд мафкуравий оқимлар – диний-исломий қураш, жадидчилик, коммунистик онг принципларини учратамиз. Бироқ муаллиф асарда бирорта мафкуравий оқимнинг тарғиботчиси бўлишидан ўзини тияди. Бу масалада ҳам у холис туради, фақатadolat юзасидан иш кўради, қайси мафкурага даҳлдор бўлишидан қатъи назар, шахс, ҳодисаларни мусбат ва

1 Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёт тарихи. Университетлар ва педагогика институтлари бакалавр ихтисосини олувицилар учун дарелик. Т.: Ўқитувчи, 1999, 175–176-б..

2 Ўша асар 204-б.

манфий томонлари, мураккаблиги билан бор ҳолиша кўрсатишга инилиди»¹.

Шу ўринда У.Норматовнинг бадиий ижодлари холислик тўғрисидаги мулоҳазаларини тияга олиб ўтиш жоиз: «Санъатдаги тарафкашлик майлини сира камситмаган, санъаткор бунга тўла ҳақли эканини тан олган, жаҳон адабиётида, жумладан, мафкуралашиш принципи ҳийла кучайган XX аср ўзбек адабиётида тарафкашлик руҳида битилган кўплаб нодир асарлар мавжудлигини асло инкор этмаган ҳолда, холис тасвир йўли бадиий тафаккурнинг, адабий ижоднинг энг юксак тури эканини, тарафкашлик йўлида яхши асарлар битган талай атоқли адиблар охироқибат лоақал биттагина бўлса-да холис роман, қисса ёки драма яратишни орзу қилиб ўтганликларини ҳам унутмаслик даркор... Тарафкашлик руҳидаги асарлардан фарқли ўлароқ, холис ифода йўли шахсни ижтимоий мавқеига қараб яхши ёки ёмонга, ижобий ёки салбий қаҳрамонга ажратмайди, унда инсонни тушуниш, англаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади».

Адибларимиз ҳукмрон мафкура талабларига кўра миллатчиликни, ўтмишнинг ёмонлаб кўрсатиш зарур бўлган шароитда ҳам ана шу талаблардан ташқарига чиқа олганлар. Абдулла Қаҳҳор ўз ҳикояларида умумбашарий масалаларни қўйиб, ҳаёт гирдобига тушиб қолган одамлар ўтмиш тузумдагина бўлиши мумкин бўлган ҳодиса эмаслигини, бундай одамлар истаган тузумда ҳам бўлиши, уларга жамиятнинг меҳр-шафқати қаратилиши кераклиги туйфуларини уйғотади. Бугунги кундаги миллий мафкура ва миллий гояда ҳам жамиятни демократлаштириш, адолатпарварлик, ҳалқ фаровонлиги, миллий анъаналар ва миллий қадриятларнинг устиворлигига алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўри» ҳикояси ўқувчиларнинг онги ва руҳига кучли таъсир ўтказа оладиган асарлардан биридир. Унда инсонпарварлик ва инсонийликнинг оёқ ости қилиниши, катталарага ҳурмат ва юзсизлик, ҳалқпарварлик ва ҳалқ душманлагига нафрат, ҳалоллик, ростгўйлик ҳамда порахўрлик, ёлгончилик, юлғичлик сингари қарама-қарши қутблардаги хислатлар ўзаро зиддиятда тасвирлаб берилади.

Асарнинг бош қаҳрамони – Қобил бобо ўзининг табиийлиги, соддалиги, очиқ қўнгиллилиги, камтарлиги билан эътиборни тортади. Айни шу хислатлари уни ўзига замондош бўлган бар-

1 Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиалинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Ўқитувиchi, 1999. – 154 б.

ча амалдорлардан анча юқорига қўтариб туради.

Ўқитувчи ўқувчиларга ҳикоя сюжетидаги асосий компонентларни тушунтириш жараёнида ўзбек ҳалқи ҳаётининг ўтмишдаги оғир ва мушкул саҳифаларини кўрсатиб беради, айни пайтда ана шу аянчли ҳодисанинг туб сабабларининг ҳам ўқувчилар томонидан тўғри англанишига қўмак кўрсатади. Таҳлил жараёнида шунга эришмоқ лозимки, бисотидаги бор-йўқ биргина ҳўқизидан айрилган Қобил бобони яна талаш ҳаракатига тушган амалдорлар маънавий қашшоқ, тубан шахслардир. Бу жамиятнинг томир отган иллати эди. Буларнинг барчаси давр шарҳларида уйғун ҳолда берилиши, ҳеч шубҳасиз, ўқувчиларда янги ўзбек адабиёти ҳақидаги тасаввур ва билимларни кенгайтиради.

Миртемирнинг таржима ҳолида ижодининг сўнгги босқичидаги асарлари шоир поэзиясидаги ҳалқчиллик, беқиёс миллий рангларга йўғрилган образлилик шундан далолат берганини акс эттирган маъқул. Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақилликка эришиши адиблар учун илгари баралла айти олмаган ҳақиқатни, миллий мағкура ва миллий фояни бор бўйича айтиш имкониятини туғдирди. Бу хусусда шоира Зулфия ижодига ҳам мурожаат этиш мақсадга мувофиқdir. У босиб ўтилган йўлга янгича нуқтаи назар –adolat кўзи билан боққанини, туркум янги шеърлар яратганини тилга олиш айни муддаодир. Зулфия «Шарқнинг ўзи она бўлган ҳамиша» шеърида шундай фикрларни ифода этади:

Дуч келса адоват янчиб беаёв!
Заковат, адолат,
Иймон, диёнат
Кудратин ўзига муқаддас ялов
Билган соҳибқирон Темур саркардалар бор!

Асқад Мухторнинг «Чинор» романи ҳақида гапирганда адаб тарихий йўлнинг мураккаблигини, зиддиятларга тўла эканини, фожиали бўлганини кўрсатгани, социализмнинг катта қусурлари, ғайриинсоний моҳияти, маъмурий буйруқбозлик тузумга айланиб кетганини яхши очиб берганини тилга олиш лозим.

Таржима ҳолда маданий ҳаёт /ilm-fan, санъат/ ва миллий маънавият, миллий қадриятлар тўғрисида ҳам сўз юритишнинг катта маърифий-тарбиявий аҳамияти бор. »Миллий уйғониш даври, шўролар даври ҳақида гапирганда динга муносабат масаласига тўхталиш ўринлидир. Ҳамзанинг таржима ҳолида унинг руҳоний оиласида туғилгани, ислом ақидаларига – Оллоҳга, му-

қаддас китобларга, айниқса, Куръон ва Ҳадисларга, пайғамбарлар, қиёмат, тақдирнинг илоҳийлигига ишонганини таъкидлаш жоиз. 70 йил ичидаги даҳрийлик шиори /сиёсати/ юритилгани бор ҳақиқат. Ҳамза дастлаб илғор шариат пешволари, уламолар бор, жоҳил, қолоқ руҳонийлар мавжуд, деб ҳисоблаган»¹.

Абдулла Қодирий ҳақидаги биографик маълумотда октябрь тўнтаришидан кейин ўтмишдан қолган жамики қадриятларни инкор этишга бўлган интилиш. бунинг мустақиллик эълон қилингунга қадар давом этганини айтиш ўринли. Аммо Абдулла Қодирийнинг ўзиёқ бундай ақидага мутлақо зид нуқтаи назарда бўлгани тарихий ҳақиқатдир. Унинг тарихий мавзуларда қалам тебратгани, «Мозийга қараб иш кўриш хайрли» эканлигини таъкидлаши бежиз эмас. Адиб таржимаи ҳолила шу нуқталарга эътибор бериш жоиз. Зоро, Янги ўзбек адабиёти замонавий мавзулардаги асарлар билангина эмас, тарихий мавзулардаги асарлар билан ҳам айрича аҳамият касб этади. Тарих сабоқлари ҳар доим ҳам халққа қудрат ва кўтаринкилик бахш этади. Айни пайтда у ўқувчилар онги ва ҳис-туйғуларига қучли даражада ижобий таъсир кўрсата оладиган омил сифатида ҳам айрича аҳамиятга эга бўлади. Мирмуҳсиннинг таржимаи ҳолила тургунлик даври маънавий инқиrozи ҳақида сўз юритиш ўринлиdir.

Н.В.Филипповичнинг фикрича: «ўқувчиларни адабиётнинг ривожланишидаги энг муҳим босқичларнинг аниқ тавсифи ёрдамида тарихий-адабий жараён қонуниятлари билан таништириш обзорнинг бош мақсадидир»².

Обзор ўзга адабиёт ҳақида ўқувчиларнинг тушунчаларини кенгайтиради.

«Обзор даврнинг ўта муҳим адабий фактларини /тарихий ҳодисаларни/ ўз ичига оладиган тарихий тавсифини бериш, адабий тилнинг тараққий этиш масалаларига доир зарур маълумотларни адабий ҳаракатнинг умумий тавсифига уйгунлаштириш ҳамдир»³

Ўзбек адабиётининг ривожланиш тарихи ҳақидаги лавҳалар жадид адабиёти, шўро давридаги турли хил йўналишлар бўлганилиги, ижтимоий гоялар кураши адабиётда акс этибигина қолмай, унинг ривожига ҳам жиддий таъсир кўрсатгани ҳақида ҳам ихчам ва лўнда маълумотларни қамраши мақсадга мувофиқ бўлади.

1 Ўша жоїда. 103 б.

2 Филиппович Н. В. Изучение обзорных тем в школьном курсе литературы XIX века. —Т.: ўқувпедавнашр, 1958. —172 с.

3 Ўша жоїда

Маълумки, XX асрдаги «маданий алоқалар туфайли ёзувчи-ларимизда мумтоз ва замондош сўз санъаткорларининг бадиий тажрибасидан маълум маънода истифода этиш, реалистик тас-вири маданиятини эгаллаш, янги адабий тур ва жанрларни ўзбек адабиётига олиб кириш, янги бадиий изланишларга созланиш имконияти туғилди»¹.

Ўқувчиларга ана шундай йўналиш моҳиятини сингдириш ҳам янги ўзбек адабиёти ҳақидаги билимларнинг шаклланиши ва ри-вожила алоҳида аҳамият қасб этади.

Адабий-тарихий давр шарҳи ижтимоий воқеа-ҳодисаларни, миллий қадриятларни тўгри тушунтириб берган тақдирдагина ўқувчидаги ижобий муносабат уйготиши мумкин. Масалан, русий-забон ёшлар учун мардикорликка олиш воқеаси, жадидлар ҳара-кати ва бошқа тарихий воқеаларнинг моҳиятини очиб бериш орқалигина шу воқеалар билан боғлиқ равишда яратилган асар-ларнинг тўғри идрок этилишини таъминлаш мумкин.

Аксарият адилларнинг ижодий фаолиятига багишлиланган ма-қолаларда давр адабий жараёни ҳақида сўз юритилади. Н.В.Фи-липпович бу жараённинг қуйидаги жиҳатлари шарҳга киритили-ши лозим деб ҳисоблайди: «1) муайян ижтимоий асосга кўра юзага келадиган ва ривожланадиган бадиий тимсоллар ва фоялар узвийлиги; 2) адабий оқимлар кураши ва алмашинуви; 3) рус / бизнинг мисолимизда ўзбек – Р.Н./ адабий тилининг тараққий этишидаги энг муҳим босқичлар; 4) адилнинг адабий новатор-лигининг моҳияти»².

Таржимаи ҳол таркибида кўпроқ адилнинг маҳорати ҳақида сўз юритилади, лекин 1937 йилгача бўлган даврни адабий ок-тябрь кураши билан боғлаб бериш ўринлидир /1937 йилдан, ок-тябрь тўнтаришининг 20 йиллиги арафасида бошланган қирғин билан ўзбек адабиётининг яковоз адабиётга айланиши жараёни якунланди. монологизм тенденцияси фолиб чиқди/.

Рус тилида сўзловчи ўқувчиларнинг Янги давр ўзбек адилла-ри ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришда ўзбек ва рус адабий алоқаларига тўхталиш айни муддаодир. Бунда қуйидагиларга эъти-бор берилади:

- тарихий воқеалар қиёсланади;

¹ Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Университетлар ва педагогика институтлари бакалавр ихтисосини олувчилар учун дарслик. Т.: Ўқитувчи, 1999, – 544 б.

² Фи-липпович Н. В. Изучение обзорных тем в школьном курсе литературы XIX века. – Т.: ўқувчиларнинг тарзи, 1958, – 172 с.

- яратилган муштарак, баъзан эса ўхшамайдиган асарлар тилга олинади;
- ўхшаш тимсоллар кўрсатилади;
- таржима асарлар эсланади;
- назарий тушунчалар таништирилади.

Faфур Fуломнинг таржимаи ҳолида «Шум бола» повестида реал, тарихий аниқ фактлар, воқеалар, тарихий шахсларга нисбатан бадиий тўқима салмоининг ортиқ бўлганилиги учун Л.Толстойнинг «Болалик», «Ўсмирлик», М.Горькийнинг «Болалик», «Одамлар орасида» асарларига ўхшамаслигини таъкидлаш мумкин.

Адабий алоқаларни тилга олишда методист М.М.Абдувалиевнинг тавсияларини¹ инобатга оладиган бўлсак, уч масалага эътибор бериш лозим: 1) ўқувчиларнинг олган /рус ва жаҳон адабиётидан – курсив Р.Н.ники/ билимларига таяниш; 2) рус адабиёти билан Ўзбекистон ўргасида алоқа.

Таржимаи ҳолда адабий алоқалар ҳақида ҳам сўз юритилади. Лекин бунда М.М.Абдувалиевнинг ўқувчиларнинг олган билимiga таяниш лозим деган фикрига қўшилмай бўлмайди.

Таржимаи ҳолда адабий адиб билан замондош адиллар ҳақида ҳам сўз юритилади. бу нарса биографик маълумотнинг маърифий жиҳатини яна ҳам оширади.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида XX аср адабий-тарихий давр шарҳлари таржимаи ҳоллар таркибида ўрганилгани мақсадга мувофиқдир. Бунда:

1. Ижодий фаолияти билан боғлаб тушунтирилган тарихий шарт-шароит, тарихий воқеа, сиёсий жараён, мафкуравий кураш адабининг муносабати, ички кечинмалари, эгаллаган позицияси орқали чуқур англаради.

2. Яхлит адабий-тарихий давр шарҳига қараганда таржимаи ҳол таркибидаги давр шарҳида воқеа ва фактлар, жараёнлар сараланган, аниқ мақсад сари йўналтирилган бўлиб, мазмунан қисқа, ҳажман кичик, лекин адаб тақдирни туфайли ибратли саналади.

3. Таржимаи ҳол таркибидаги адабий-тарихий давр шарҳида тарихий шарт-шароит, тарихий воқеа, сиёсий жараён, миллий

¹ Абдувалиева М. М. Взаимосвязь в преподавании русской и родной литературы в восьмилетней таджикской школе. /Автореферат. дис. . . канд. пед. наук. – М.. 1966. – с. 6.

маънавиятга доир тадбир, маданий янгилик адабнинг ижодий йўналиши, эгаллаган позициясини тушунтириш; асарнинг яратилиш тарихидан воқиф этиш асносига тарихий воқеанинг мояхиятини очиб бериш; асар қаҳрамонининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш муносабати билан тилга олиниб. ўқувчиларнинг мустақил ҳаётий позицияни эгаллашларида кучли сабоқ вазифасини ўтайди.

4. Ёзувчи/шоир/нинг таржимаи ҳолида тарихий шарт-шароит, муҳим тарихий воқеадан ташқари, сиёсий, мафкуравий, ғоявий кураш/ масалан, маърифатпарварлик ҳаракати/. миллий маънавият ва миллий қадриятлар, адабий жараён каби долзарб, ўзбек халқининг тарихидан лавҳаларни ифода этувчи шарҳлар ўрин эгаллади.

5. Биографик маълумотда адабий-тарихий давр шарҳи бир ёки бир нечта ўринда берилиб, ҳар бири 1-2 абзажни олиши, мазмунан тушунарли, ҳажм жиҳатдан кичик. лўнда бўлиши, ўқувчиларнинг рус ва жаҳон адабиёти, Ўзбекистон халқлари тарихи дарсларида олган билимларига асосланиши, бу билимларни бир оз кенгайтириши лозим.

Хуоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, XX аср адабий-тарихий даврлар шарҳини таржимаи ҳол таркибида бериш ҳар жиҳатдан самарали бўлиб, бунда тарихий шарт-шароит, тарихий воқеа ва бошқа масалалар сараланиши, адабнинг ижоди, эгаллаган ҳаётий позицияси, унинг ички кечинмалари билан боғлаб баён этилиши муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Каримов И. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Тошкент: «Маънавият», 2008. 174 – бет.

Абдувалиева М. М. Взаимосвязь в преподавании русской и родной литературы в восьмилетней таджикской школе: Автореф-рат. дис. . . канд. пед. наук. – М., 1966. – с. 6.

Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 28-б.

Беленький Г. И. Приобщение к искусству слова. – М.: Просве-щие, 1990. – 190 с.

Беленький Г. И. Теория литературы в средней школе. – М.: Просвещение, 1976. – 222 с.

Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Язык и культура /Лингвост-роноведение в переподовании русского языка как иностранно-го/. – М.: Русский язык, 1976. – 210 с.

Выготский Л. С. Избранные психологические исследования мышления и речи. Проблемы психологического развития ребенка. – М.: Изд. АПН РСФСР, 1956. – 196 с.

Иzzат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 226 б.

Исломова Д.Д. Академик лицей ва қасб-хунар колледжларида насрый асарларни ўрганиш (рус гурӯҳлари мисолида): Пед. фан-номз. ... дисс. авт-ти. – Тошкент, 2007. – 25 б.

Йўлдошев Р. ва бошқ. Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000.

Йўлдошев К., Адабиёт ўқитишнинг етакчи тамойиллари. //Тил ва адабиёт таълими. – 1996. – №3, 41-б.

Йўлдошев К., Мадаев О., Абдуразоқов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 92 б

Йўлдошев К. Ўқитувчи китоби: Методик қўлланма. – Т.: Ўқи-тувчи, 1997. – 6-б.

Залыгин С. Культура и личность // Собеседник: Литературно-критический ежегодник. – М., 1987. – Вып. 8. – С. 6.

Зуннунов А., Хатамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 329 б.

Зуннунов А. Ўзбек мактабларида адабиёт ўқитиш методикаси тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 191 б.

Зуннунов А. Ўзбек тили ва адабиёти дарсликлиари мезони. – Т.:

ЎзПФИТИ. 1994. – 15 б.

Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1995, – 350 б.

Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Университетлар ва педагогика институтлари бакалавр ихтисосини олувчилар учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 206 б.

Карманова Н. А. Основы планирования учебного процесса по иностранному языку в средней школе: Автореф. дис... канд. пед. наук. – 1985. – с. 6.

Каттабеков А., Мамажонов С. ва бошқалар. Ўзбек адабиёти тарихи: /Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун дарслик/. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 12-б.

Каттабеков А. Раҳмонов В. Ўзбек адабиёти. 8-синф учун дарслик-мажмуа. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 270 б.

Киссен И. А. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка. – Т.: Ўқитувчи., 1972. – с. 3.

Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. – М.: Наука, 1986. – 206 с.

Крупина Н.Л. Формирование эстетических суждений учащихся о художественном произведении (10 кл.): Автореферат дисс. ... канд. педнаук. – Москва, 1981. – С. 4.

Кудряшев Н. И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. – М.: Просвещение, 1981. – 31 с.

Кулибина Н.В. Методика лингвострановедческой работы над художественным текстом. – М.: Русский язык, 1987. – 142 с.

Литература: Учебная хрестоматия для 5 класса средней школы. / Составитель Т. Ф. Курдюмова. – М.: Просвещение, 1992. – с. 219–221.

Литература: Учебная хрестоматия для 6 класса средней школы/. Автор - составитель В. П. Полухина. – М.: Просвещение, 1992. – 250 с.

Маранцман В.Г. Анализ литературного произведения в соотношении с читательским восприятием школьников: Автореф. дис. ...докт. пед. наук. – М., 1980. – 48 с.

Маранцман В. Г. Биография писателя в системе эстетического воспитания школьников. – М.: Просвещение, 1965. –75 с.

Маранцман В. Г. Литература: Учебное пособие для 9 класса

средней школы. – М.: Просвещение, 1992. – 144 с.

Методика преподавания литературы в средних специальных учебных заведениях. – М.: Высшая школа, 1987. – с. 9.

Методика преподавания русской литературы в национальной школе. –Л.: Просвещение, 1983. – 77 с.

Мирзаев С., Шермуҳаммедов С. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи /олий ўқув юртлари учун/. – Т.:Ўзбекистон, 1993. – 9-б.

Мирочник В. Ш. Книга для чтения. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 112 с.

Мусурманова О. Адабиёт дарсларини ташкил этишнинг самарали усуллари. – Т: Ўқитувчи, 1993. – 78 б.

Muhitdinova X. ва б. O'zbek tili. Ta'llim rus tilida olib boriladigan maktablarning 8-sinfi uchun darslik. – T: O'qituvchi, 2004. – 158 b.

Muhitdinova X., Ikromova N.T. O'qituvchi kitobi. Ta'llim rus tilida olib boriladigan maktablarning 8-sinfi uchun o'quv-uslubiy qo'llanma. – T: Ilm-Ziyo, 2004. – 152 b.

Niyozmetova R., Rafiyev A., Alavutdinova N. Ta'llim rus tilida olib boriladigan umumta'llim maktablarning 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: «Sharq», 2007. – 128 b.

Никольский В. А. Методика преподавания литературы в средней школе. – М.: Просвещение, 1971. – 78 с.

Новиков Л. И. Художественный текст и его анализ. – М.:

Русский язык, 1980. – 91 с.

Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики. – М.: Советский писатель, 1978. – с. 12.

Практикум по методике преподавания русского литературы в национальной школе /Майман Р. Р., Смелкова З. С., Силиверетова А. Б., Ходжибаева Б. А. – Ленинград: ЛГУ, 1987. – С. 41–42.

Приступа Е. Д. Особенности изучение монографических тем в старших классах в национальной школы: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1985. – 21 с.

Проблемы преподавания русской литературы. – Л.: Просвещение, 1989, – 70 с.

Пути оптимизации структуры учебников по русской литературе. – Фрунзе: Мектеп, 1973. – с. 14.

Равшанов П. ва б. Адабиёт ва таълим. – Т: Ўқитувчи, 1991. – 264 б.

Расулов А. Глобал жараёнлар ва маънавият // Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 8-бет.

Rafiyev A. O'zbek tili. Ta'llim rus tilida olib boriladigan maktablarning

9-sinfî uchun darslik. – Toshkent: O`qituvchi, 2006.

Rafiyev A., Muhammadjonova G. O`zbek tili. Ta`lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 4-sinfî uchun darslik. – Toshkent: O`qituvchi, 2007. – 128 b.

Романович Т. В. Особенности изучение произведений русской литературы в киргизской школе: Автoreферат дис. ... канд. пед. наук. – М., 1980. – с. 4.

Рус мактабларининг I–XI синфлари учун ўзбек тилидан лугат минимуми. – Т.: ЎзПФИТИ, 1992. – 68 б.

Русская литература XX века. Очерки, портреты, эссе. Учебное пособие для учащихся 11 класса средней школы. В двух частях: Часть I. 2-е изд. – М.: Просвещение, 1994.

Саломов F. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 43-б.

Скрыпник И. В. Принцип единства формы и содержания как методическая основа курса литературы (VIII кл.): Автoreферат. дис. . . канд. пед. наук. – М., 1980. – 22 с.

Смелкова З. С Слова в художественном тексте. – М.: Педагогика, 1980. – с. 14.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда «Ўзбек тили» давлат таълим стандарти / Таълим тараққиёти. I-максусон. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 246–261.

Ta`lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 5-sinfî uchun o`zbek (davlat) tilidan o`quv dasturi / Til va adabiyot ta`limi. – Toshkent, 2005. – № 4. – B. 38–43.

Ta`lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 5-sinfî uchun o`zbek (davlat) tilidan Davlat ta`lim standarti // Til va adabiyot ta`limi. – Toshkent, 2005. – № 4. – B. 35–37.

Ta`lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 7-sinfî uchun o`zbek (davlat) tili fanidan takomillashtirilgan Davlat ta`lim standarti / Tuzuvchilar: R.Yo`ldoshev, A.Rafiyev // Til va adabiyot ta`limi. – Toshkent, 2007. – № 5. – B. 52–57.

Ta`lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablar uchun o`zbek tili o`quv fanidan yangi tahrirdagi Davlat ta`lim standarti. (4-, 8-sinflar uchun) / Tuzuvchilar: R.Yo`ldoshev, A.Rafiyev // Til va adabiyot ta`limi. – Toshkent, 2008. – № 8. – B. 44–54.

Ta`lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablar uchun o`zbek tili o`quv fanidan takomillashtirilgan dastur (4-, 8-sinflar uchun) / Tuzuvchilar: R.Toli pova va b. // Til va adabiyot ta`limi. – Toshkent, 2008. – № 8. – B. 54–77.

Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синф(гуруҳ)ларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. – Toshkent, 1994. – № 4–6. – Б. 21–24.

Таълим жараённида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари // Ўзбек тили доимий анжуманини VI йигинининг материаллари. – Тошкент, 2001. – 97 бет.

Таълим жараённида матн устида ишлашнинг асосий омиллари // «Ўзбек тили» доимий анжумани тўртинчи йигинининг тезислари. – Тошкент, 1997. – 256 б.

Таълим жараённида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари. Ўзбек тилидан доимий 5-анжумани материаллари. – Тошкент, Шарқ, 1999. – 255 бет.

Тимофеев Л. И. Очерки теории и истории русского стиха. – М.: Просвещение, 1958. – 409 с.

Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В.Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006. – 538 с.

Tolipova R. va boshq. O'zbek tili. Ta'lism rus tilida olib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun darslik. – T.: O'qituvchi, 2001. –

Tolipova R. va boshq. O'zbektili. Ta'lism boshqatillardaolib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan, 6-nashri. – Toshkent: O'zbekiston, 2007. – 80 b.

Tolipova R., Is'hoqova. O'zbektili. Ta'lism rus tilida olib boriladigan maktablarning 3-sinfi uchun darslik. 2-nashri. – Toshkent: O'qituvchi, 2002.

Tolipova R. va boshq. O'zbek tili. Ta'lism rus tilida olib boriladigan maktablarning 3-sinfi uchun darslik. 3-nashri. – Toshkent: O'zbekiston, 2008. – 144 b.

Tolipova R., Ubaydullayeva N. O'zbek tili. Ta'lism rus tilida olib boriladigan maktablarning 4-sinfi uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2001. – 144 b.

Tolipova R., Yo'ldosheva H., Qosimxo'jayeva D. O'zbektili. Ta'lism rus tilida olib boriladigan maktablarning 5-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan 3-nashri. – Toshkent: «Sharq», 2005. – 192 b.

Tolipova R., Yo'ldosheva H., Umarova F., Shomirzayeva M., Qosimxo'jayeva D. O'zbek tili. Ta'lism rus tilida olib boriladigan maktablarning 6-sinfi uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2001. – 176 b.

Tolipova R., Tursunova I., Ochilova H. O'zbek tili. Ta'lism rus tilida olib boriladigan maktablarning 7-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan 2-nashri. – Toshkent: «Sharq», 2005. – 144 b.

Toli pova R. O'zbektili. 6-sinf: O'qituvchi uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: «Sharq», 2005. – 96 b

Тұхлиев Б. Адабиёт үқитиши методикасы: Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан олий үқув юртларининг педагогика университетлари ва институтларининг филология йўналиши талабалари учун үқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 151 б.

Усмонов Р. К. Юқори синфларда ёзувчи биографиясини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1969. – 68 б.

Усмонов Р. К. Ўзбек мактабларининг юқори синфларида ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш: Пед. фан.номз. ... дисс. – Т., 1969. – 246 б

Филиппович Н. В. Изучение обзорных тем в школьном курсе литературы XIX века. – Т.: 1958. – 172 с.

Холбеков М. Ўзбек адабиёти Францияда. – Т.: Фан, 1988. – 35 б.

Шарафуддинов О. Биринчи мўъжиза. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 292–293.

Щербина В. Р. Проблема литературного образования в средней школе. – М.: Просвещение, 1982. – с. 4.

Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Қодирийга армуғон. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1994. – 115 б.

Ҳусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 368 б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Ўзбек тили дарсларида ўрганиладиган адабий материаллар мазмунини белгилашнинг назарий ва амалий асослари	5
Ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганишнинг мақсад ва вазифалари	5
Ўзбек тили дарсларида ўрганиладиган адабий материаллар мазмунини белгилаш принциплари	13
Ўкувчиларнинг адабий тайёргарлиги	55
2-боб. Адибнинг ҳаёти ва ижоди, адабий-тарихий давр шарҳига доир материаллар мазмуни	68
Адиб таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти тұғрисида маълумотлар мазмуни	68
Таълим мазмунуда адабий-тарихий давр шарҳларининг үрни	89
Фойдаланилган адабиётлар	100

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Роза Ниёзметова

**ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЯНГИ
ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШ
МАСАЛАЛАРИ**

(қайта ишланган, тўлдирилган 2-нашри)

Муҳаррир:

Б.Тўхлиев

Бадиий муҳаррир:

Б.Ботиров

Техник муҳаррир:

С.Гулбоев

Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Босишга руҳсат этилди: 19.03.2010

Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ Ҳажми 7 б.г. Адади 100 нусха

Буюртма № 4

«BAYOZ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.